

ОЛИМЖОН ҲАЙИТ

ТИРИКЛАЙ КЎМИЛГАН ЙИГИТ

II китоб
(Детектив)

Оқшом чўкди. Жасад ҳамон қабр ёнбошида ётарди. Нима бўлди-ю, шу атрофдан гўрков Ҳайдар ота ўтиб қолди. Бу одам ёши етмишга яқинлашиб қолган бўлса-да, хали-бери кексаликка ён бермаган, ҳамон қабристонга олиб келинган мурдаларни опичлаб дафн этишдан чарчамайди.

Нигоҳлари бургутникидек ўткир ва хушёр.

Ҳайрон бўлиб жасадга бирпас тикилиб турди-да, эҳтиёт шарт томирини ушлаб кўрди.

- Қизик, - ўйлади у мурдани ағдариб ётқизаркан. - Башарасидан ўзбекка ўхшамайди. Қайдан кеп қолди бу? Қачон келди? Кеча ўтганимда ҳеч ким йўқ эди. Нега энди мана шу аскарнинг қабри ёнида ётибди? Ё таниш-паниши-ю, зиёрат қилишга келиб бирдан жони чиқиб кетдимикан-а? Бу ерда бир гап бор-ов! Манови аскарнинг қариндошларини топай-чи, балки, ўшалар танишар, бу йигитни!

Ҳайдар ота белидаги қийиғини ечиб олиб мурданинг юзини ёпди. Кейин ҳаллослаганча Мадалининг ёлғиз аммаси Хосият холаникига йўл олди.

Биларди. Бошқа хешларига нисбатан шу хотин кўпроқ куйган. Ҳатто, Марайим аканинг ўлимидан сўнг қанча вақт чироғини ёққан. Ишқилиб, расм-русумини қолдирмаган.

Гўрков кириб келганда, қадди анча букилиб қолган Хосият хола айвонда кўрпа қавиб ўтирарди.

— Бу хотин илгари қаддини ғоз тутиб юрарди, — кўнглидан ўтказди гўрков дарвозахонада бир муддат тўхтаб. — Ҳеч ким уни олтмишга кирган, деб айтмасди. Жияни, кетидан акаси, кейинроқ келини дараксиз кетиб, ўзини олдириб қўйибди. Жигар экан-да! Ишқилиб кўз тегмасин! Марайимнинг қариндошлари орасида шугина оқибатлироқ чиқди”.

— Ҳов, Хосият! - ҳовлига киришни негадир ўзига эп кўрмай, дарвозахонадан туриб кичқирди гўрков. - Хосият-ов!

Аёл таниш овозни эшитиб инқиллай-инқиллай ўрнидан турди. Шоша-пиша калишини оёғига илиб гўрков томон илдамлади.

— Ие, келинг, Ҳайдар ота! Киравермайсизми? Келмай юрган жойингизми?

Гўрков ковоқларини уйган кўйи совуққина саломлашиб айвондаги сўри четига омонатгина чўкди.

Аввалига ўтганлар номига тиловат қилинди.

— Хўш кепсиз! - хазин товушда мулозамат қилган бўлди Хосият хола. - Қайси шамоллар учирди бизнинг кулбаларга?

— Шу ердан ўтиб кетаётгандим, - гапни узокдан бошлади Ҳайдар ота. - Бир кирай-чи, дедим-да! Хўш, яхши ўтирибсизларми? Ўғлинг келиб суюниб қолдингми?

— Шукр! Обиджоним келиб ҳарқалай бағрим тўлиб қолди, ота!

— Қани ўзи? Кўринмайди?

— Дўконга чиқиб кетганди. Ун келган экан. Бир қоп олиб кўй, деб тайинлагандим.

— Шунақами?

Гўрков нима қилишни билмай қолди. Бир кўнгли айт, дейди, бир кўнгли айтма, дейди. Айтай деса, мункайиб қолган бу кампир йиқилиб қоладими, деб кўрқди.

— “Айтмай турганим, маъқул шекилли, — ўйлади ўзича. — Йўқ, энг яхши йўли, секин дўконга бораман-у, Обиднинг ўзини қабристонга олиб бораман. Мана, қоронғиям тушиб қолди. Бунақа ишларни ими-жимиди қилмаса бўлмайди”.

— Бўпти, Хосият, - деди секин ўрнидан қўзғалиб гўрков. - Мен энди борай.

— Вой, озиб-ёзиб бир кепсиз. Ҳозир чой дамлайман.

— Раҳмат, бошқа сафар. Сендан бир хабар олиб ўтай девдим. Мана, кўрдим, яхши экансизлар.

— Одамни хижолатга қўйдингиз-да, ота! - Хосият хола дарвозахонага етганда қайтадан ичкарига ишора қилди. - Ана, маставамиз ҳам тайёр бўлганди. Ҳали замон Обиджоним келса, биргалашиб ичардик!

— Э, хали бу уйда кў-ўп ўтирамыз. Хижолат бўлма! Менинг ишларим бор. Тез бормасам бўлмайди.

— Бўпти унда, ота, ўтган-кетганда кириб туринг!

— Хўп, омон бўл!

Гўрков кўчага чиқди-ю, дўкон томонга бурилиб қадамни тезлатди.

— Зап келишган йигит бўлган-да, шу Обиджон ҳам! — эндигина бир қоп унни орқалаб дўкондан ташқарига чиққан йигитга ҳавас билан тикилиб қаради гўрков. — Мадалига тортган-ов шу! Гавдалариям, бир сўзлилиям, ҳатто жилмайишлари ўхшайди-я! Ишқилиб, умри ўхшамасин-да!

Ҳайдар ота кўрдик, Обиджон қопни бир елкасига қўйганича уйи томон кетиб боряпти.

— Ҳой, болам, тўхта! - кичқирди у қўл силтаб. — Тўхтасанг-чи!

— Менми? - Обиджон бирдан тўхтаб гўрков томон ўгирилди.

— Ҳа, сен-да!

— Ассалому алайкум, бова! - шоша-пиша қопни ерга қўйиб саломлашиш учун қўл чўзди Обиджон.

— Яхшиям сени учратиб қолдим, - деди гўрков атрофга аланглаб. — Юр, копни ҳозирча дўконда қолдириб тур. Кейинроқ олиб кетарсан.

— Нима гап ўзи? Тинчликми?

— Тинчлик бўлса, сени қидириб келмасдим, болам! Юр, тез қабристонга борайлик, гап бор!

— Х-хўп!

Обиджон қайтадан унни елкасига кўтариб олди-да, дўкон сари одимлади.

* * *

— Ўғлим, мановини қара, - қабристонга кириб келишгач, мурдага яқин бориб юзидаги кийикни олиб ташлади гўрков. — Тоғаннинг қабри ёнида ўлиб қопти бу!

— Нима? — Обиджон хушёр тортиб қоронғиликда мурдага бир муддат тикилиб турди-да, беихтиёр чўнтагига қўл солиб гугурт чиқарди. — Ким? Нега бу ерда ётибди?

— Ўзингни бос, Обиджон! Ундан кўра, яхшилаб қара, танийсанми-йўқми, шуни айт!

Обиджон юраги така-пука бўлиб мурданинг юзига гугурт ёруғида разм солди.

— Ўрисга ўхшайди-ку, бова! — деди пича тикилиб тургач.

— Билиб турибман ўрислигини. Алкаш, десам, алкашга ўхшамайди. Таниш-танимаслигингни айт!

— Тўғриси, қаердадир кўрганман.

— Қаерда?

— Тўхтанг, бова, бу Мадали тоғамнинг таъзиясига келмаганмиди-а? Ҳа, аниқ! Ўшанда кўрганман!

— Адашмаяпсанми?

— Йўқ, адашишим мумкинмас! Соқов эди! Индамасдан имо билан гаплашган!

— Унда-чи, ўғлим, вақтни чўзмайлик! Аввал жасадни хужрага олиб кирайлик. Ана ундан кейин сен чопиб бориб маҳалладаги оқсоқолларни бошлаб келасан. Фақат-чи, аянгга индамай тура қол! Шундоғам зўрға юрибди.

— Бўпти, қани, кўтардик бўлмаса!

Икковлашиб жасадни хужрага олиб киришди.

Орадан ярим соатча ўтар-ўтмас, бу ерга маҳалла фаоллари, кўни-кўшнилари йиғилишди.

Аммо ҳеч ким жасад эгасини таний олмас, елка қисишдан нарига ўтмасди.

— Тўхтанглар, қочиб туринглар! — Обиджон қутилмаганда одамларни турта-турта энгашиб мурданинг костюмини еча бошлади.

— Ҳой, нима қилипсан? — Самин оқсоқол йигитни елкасидан тортиб турғазишга уринди. — Қўй, нима қиласан кийимига тегиниб?

— Мана, кўринглар! — Обиджон жасаднинг кўксига кичик бир тиртиқни йиғилганларга намоёиш қилди.

— Бу Мадали тоғам, ҳа, Мадали тоғам! Мана, оёғиниям кўришларинг мумкин! Бош бармоғининг озгина жойи кесилган эди! Кичкиналигимизда жодиди кесиб олган.

Обиджон кўзлари жикқа ёшга тўлиб ҳаммага бир-бир жасадни кўз-кўз қилар, энтикиб-энтикиб кетарди.

— Астағфирилло! — дея ортга тисланди Самин оқсоқол.

— Бўлиши мумкинмас! - ҳайқирди девормиён қўшниси Малик пиён. — Мадали гўрда ётибди! Бўлмағур гапларни гапирма!

— Э, сизлар ниманиям билардинглар? Тоғам бу! Менинг тоғам! Бизни алдаб қабрга бошқа одамни қўйишган экан. Ана, ишонмасаларинг, қабрни очиб кўрамиз!

— Тўғри айтяпти! — деди кимдир. — Гўрков бова, йигитнинг гапида жон борга ўхшайди! Очиб кўрмаймизми?

— Ҳай-ҳай, мумкин эмас! — бақирди Ҳайдар ота. — Ҳукумат вакиллари тайинлаб кетган. Балоба қолиб кетамиз.

— Менга қаранг, — гўрковга юзланди Самин оқсоқол. — Обиджоннинг гапи ерда қолмасин! Нима бўлгандаям, жигар-да! Қаранг, куйиб кетяпти бола!

— Нима қил дейсизлар? — бақириб берди гўрков. — Шу ишни деб камалиб кетайми?

— Қамалмайсиз. Мана, маҳалла турибди. Ўзимиз жавоблашамиз ўшалар билан. Жигарнинг куйиғи ёмон бўлади. Хўп денг!

Ҳайдар ота Обиджонга боқди. Ҳақиқатан, йигит йиғлашдан ўзини тиёлмас, жавдираб йиғилганлардан нажот кутарди.

— Майли, унда ҳозир қилиб қўя қоламиз бу ишни, — деди гўрков. — Ҳар ҳолда қоронғи тун. Яна ўзидай қилиб кўмиб қўйсақ, билмай қолар, ўлибдими! Аммо, билиб қўйинглар, гап шу ерда қолади!

Ҳаммалари мурдани ичкарида қолдириб ташқарига отилишди.

Ёшроқ йигитларнинг кўлига белкурак, кетмон берилди.

Олдинда эса югургудек бўлиб Обиджон борар, қабрни тезроқ очиш-у, ростдан ҳам у ерда бошқа одам ётганига амин бўлиш илинжида эди.

* * *

— Ё, алҳазар! — деб юборди гўр ичига тушиб темир кутини бузиб очгач. — Ё, навзамбилло! Хой, юраги бакуватроғинг борми? Бу ёққа киринглар!

Гўрковнинг овозини эшитган Обиджон биринчилардан бўлиб қабрга ўзини урди.

— Буни қара, болам! - деди гўрков кути ичидаги узунлиги бир метрча келадиган темирни суғуриб олиб. — Ўлик йўқ экан ичида. Мановини солиб қўйишган экан ер юткурлар!

— Ифлослар! - дея темирни маҳкам тутиб қабрнинг бир четига ирғитди Обиджон. — Айтдим-ку, амаки, булар бизни алдашган! Энди ишонгандирсиз, тоғамлигига?

— Тоғанг бўлса... юзи бошқа-ку, болам!

— Буни энди ўзим аниқлайман!

— Нимани аниқлайсан? Давлат ишлари билан ҳазиллашиб бўларканми? Қўй, ўзингни бос! Яхшиси, мурдани жаноза ўқитиб кўмайлик! Енгиллик қилма!

Қишлоқда ёшлар катталар билан тортишиб ўтиришмайди. Бундай қилишса, шартаки деб айблашади. Шуни билган Обиджон ҳам гўрков билан баҳслашиб ўтиришни ўзига эп кўрмади. Қабрдан чиқиб бир четга ўтирди-да, бошини чангаллади.

* * *

— Обиджон, қўй энди, — бир ёқдан гўрков, бир ёқдан маҳалла эркаклари уни тинчлантиришга уринишарди. - Ўрнингдан тургин! Маҳаллани тўплаб, жанозанинг тадоригини кўрайлик!

— Қанақа жаноза? — ҳиқиллаб йиғлаганча йиғилганларга алам билан боқди Обиджон. — Айтдим-ку, мен аниқлаб олишим керак!

— Хой, бола, нимасини аниқлайсан, ахир?! — гўрков тоқати тоқ бўлиб қўл силтади. — Ўликни узоқ вақт маҳтал қилиб бўлмайди, тушунсанг-чи!

— Дўхтирга олиб бораман, — деди Обиджон. — Текширтириб тоғам эканига тўлик амин бўлмагунимча кўмдирмайман! Кўмдирмайман!

Обиджон зарда билан қабристондан чиқиб кета бошлади.

Маҳалла биларди. Бу йигитнинг бир қайсарлиги тутса, қайтариб бўлмайди.

Гўрков бир неча эркакни имлаб мурдани кўтартирди.

Кўча юзида кимнингдир машинаси турарди.

— Ҳов ўша машинага юкланглар! — деди у эркакларга. — Дўхтирга олиб борса-борсин! Майли, боланинг ҳам сазаси ўлмасин!

* * *

Шаҳар шифохонасига фақат Обиджон-у, Ҳайдар оталаргина келишди. Улар санитарлар ёрдамида мурдани махсус хонага олиб киришди.

Кимдир кўнғироқ қилиб бош мутахассисни ҳам чақиртириб келди.

Врач жасадни узоқ вақт айланиб тургач, ниҳоят таҳлил олишга қарор қилди.

— Мана шу таҳлил унинг кимлигини кўрсатиб беради, — деди гўрковга ўгирилиб.

— Аниқ кўрсатадими, дўхтир? Манови болам жуда безовта-да!

— Безовта бўлишга хожат йўқ. Ярим соат кутиб туринглар ташқарида. Ўзим чақираман!

Улар икковлашиб ташқарига чиқишди ва кута бошлашди. Бу орада Обиджон хаёлнинг минг бир кўчасига кириб чиқди. Гоҳ ишонгиси келди, гоҳ иккиланди. "Тоғаси нима иш қилган ўзи? Қаерда хизмат қилган? Нега ўлди?" деган ўйлар билан вақт ўтказди.

— Қани, келинлар-чи! — бир маҳал эшик очилиб остонада шифокорнинг қораси кўринди. — Нега қакқайиб турибсизлар? Кирмайсизларми?

Обиджон гўрковни ҳам унутиб югурганича ичкарига кирди.

— Сен адашмабсан, ука! — деди врач. — Ростдан ҳам тоғанг экан. Аммо мени тушун. Унинг нима ишлар қилганини сенга айта олмайман! Ҳаққим йўқ! Ҳозир шаҳардан бир киши келади. Шахсан сен билан гаплашмоқчи!

— Қанақа киши? — ҳайрон бўлиб сўради Обиджон. — Нега мен билан гаплашади?.

— Униси менга қоронғу. Келганида, гаплашганида билиб олаверасан.

— Дўхтир, ўликни нима қилайлик? — гўрков врачга умидвор термулиб сўради.

— Бугунча шу ерда қолдирасизлар, — жавоб қилди врач. — Буйруқ шундай.

— Ҳечам-да! — деди Обиджон. — Тоғамнинг жасадини мен ҳеч қачон бу ерда қолдирмайман!

— Қайсарлик қилма! — уришган бўлди врач. — Ҳозиргина мен телефон орқали тегишли одамлар билан боғландим. Улар ҳам алоҳида текшириб кўришлари керакмиш.

— Ўғлим, — гўрков Обиджонга яқин келиб елкасига кўлини қўйди. — Сенларга сабр берсин! Дўхтир ҳам буйруқ бажарувчи одам-да! Мадали балки давлатнинг муҳим ишларини адо қилгандир? Биз қайдан билардик? Яхшиси, сен ташқарига чиқ-чи, ким экан келаётган!

Обиджон индамай ташқарига йўл олди.

* * *

Дарвоза олдида қора "Волга" турар, эшиги ярим очик эди. Очик эшикдан кимнингдир боши кўринар, тутуннинг бурксиб ташқарига чиқаётганига қараганда, у сигарет чекарди.

Обиджон секин яқин бориб машина рўпарасида тўхтади. Уни кўриб эркак пастга тушди ва кўлидаги сигаретини ирғитиб Обиджонга яқин келди.

— Сизми мархумнинг қариндоши? — сўради у сўрашиш учун қўл узатаркан.

— Ҳа, мен, — Обиджон қотма, новчадан келган, бурни кавказликларники каби узун бу кимсага ер остидан боқди. — Нимаиди?

— Хўш, энди нима қилмоқчисиз?

— Нима қилардим? Тоғамнинг нима учун ўлганини аниқлайман.

— Адашмаяпсизми?

— Йўқ.

— Ўзингизга ёмон бўлишини ўйламаяпсизми?

— Менга қаранг, кимсиз ўзи? Қўрқитмоқчимисиз?

— Қўрқитиш фикридан йироқман, — деди эркак. — Лекин шуни айтиб қўймоқчиманки, Мадали давлатнинг махфий ишларини бажариш вақтида ҳалок бўлган.

— У ҳалок бўлмаган. Ёлғон гапирманг. У ўз қабри устида оламдан ўтган.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Мен сизни огоҳлантириб қўймоқчиман, холос. Агар бу ишга аралашадиган бўлсангиз, охир-окибат афсус чекиб қолишингиз тайин.

— Вей, ким бўлсангиз ҳам ўзингизга! - деди Обиджон қишлоқ йигитларига хос тўпорилик билан. — Бу одам менинг тоғам, жигарим эди. Қандайдир аблаҳлар уни ўлдига чиқариб, бизга ичига темир солинган тобут олиб келишган. Ҳаммамизни алдашган, аҳмоқ қилишган. Тоғам ўлмаган экан-ку!

— Уф-ф, сен қанақа тушунмайдиган боласан ўзи? — эркакнинг бирдан сенлашга ўтиши Обиджонни баттар туюқтириб юборди.

— Мени сенлама! - дея эркакнинг ёқасидан олди у. — Айтдим-ку, ким бўлсанг ҳам ўзингга! Мен сўзидан қайтадиганлардан эмасман!

— Яхши! Кўрамиз!

— Кўраверамиз!

Обиджон бошқа сўз демади. Зарда билан ортга қайрилди-да, шифохонага кириб кетди.

Эркак эса чўнтагидан сигарет чиқариб тутатди. Беш-ўн дақиқа бир жойда қотиб тургач, машинага ўтириб моторга ўт қўйди.

* * *

- Болам, ўзи яқиндагина армиядан келган бўлсанг! - орадан бир ҳафта ўтгач, йўлга отлана бошлаган Обиджонни йўлдан қайтаришга уринарди Хосият хола. - Нима қиласан бўлмаган ишларга аралашиб-а? Сенга айтишибди-ку, аралашма деб!

- Ая, нега тушунмайсиз? - қўл силтаб бақирди Обиджон. — Тоғамнинг онаси уни излаб қаерлардадир тентираб юрган бўлса! Ўзи янгамнинг юраги сезган экан-да! Бекорга болам тирик деб чиқиб кетмаган. Тоғамни эса бу аҳволга солишди. Қандай қилиб жим ўтира оламан?

- Мени ёлғиз ташлаб кетяпсан-да, болам!

- Хавотир олманг, ая! - деди Обиджон. - Қўшниларга айтдим, хабар олиб туришади. Тез орада ҳаммасини аниқлайман. Янгамни ҳам топиб келаман.

- Эҳ, қайсар болам-а! Қайсарлигинг қолмас экан-да сира! - Она эрта тонгда армиядан олиб келган дипломатини олганича ташқарига йўл олган ўғлини маҳкам кучиб йиғларди. - Сенам кетиб қолсанг, кимга суянарканман?

- Ўлишга кетаётганим йўқ-ку, ая! Тез кунда қайтаман. Мана, кўрасиз!

Обиджон хайр-маъзур қилиб қишлоқ автобусига ўтирди ва ярим соат деганда вокзалга етиб борди.

Автобусдан тушганида эса, не кўз билан кўрсинки, машиналар турадиган жойда, шифохона дарвозаси ёнида "Волга" турарди. Ўша таниш нусха сигарет чекканча унинг яқин келишини кутарди.

Обиджон автобусдан тушди-ю, гўёки эркакни пайқамагандек индамасдан вокзал ичкараси томон йўл олди. Аммо эркак уни ўтказиб юбориш ниятида эмасди. Илдам қадамлар билан олдинга юриб, Обиджоннинг йўлини тўсди.

- Йўл бўлсин, ука? - сўради у мулойимлик билан.

- Сизга нима? Иш билан кетяпман.

- Иш билан дегин? Билсак бўладими?

- Менга қаранг, - азбаройи жаҳл отига минган Обиджон эркакнинг елкасидан ушлади. - Нега орқамдан соядек эргашиб юрибсиз? Сизга нима керак ўзи?
- Мақсадингни билмоқчиман. Шу, холос.
- Сизга ҳисобот беришга мажбур эмасман.
- Мабодо мажбур бўлсанг-чи?
- Уф-ф! Қочинг йўлимдан!
- Биласанми, - деди эркак елкасидаги бегона қўлларни оҳиста олиб ташларкан, - сен бугун ҳеч қаерга кета олмайсан.
- Буни ҳали кўрамиз.
- Хўп, бор, ичкарига кир, чипта ол! Фақат бир гапни айтиб қўяй, қалтис қадам ташляяпсан. Ўзингга ёмон бўлади.
- Ёмон бўлса, менга ёмон бўлади, билдингизми?! Сиз орқамдан эргашиб юрмасангиз бас!
- Яна бир нарсани эсингда тут. Тоғанг қилган ишларни, у юрган йўлларни ҳаётда топа олмайсан. Мабодо топганингдаям, ўша куниёқ сени йўқ қилиб юборишади.
Обиджон ҳушёр тортиб эркакка қаттиқроқ тикилиб қаради:
- Хўш, нега?
- Чунки, тоғанг ўта махфий топшириқларни бажарган, энг хавфли жинойтчилар билан ишлаган, курашган. Улар сен ўйлаганчалик аҳмоқ эмас.
- Башарти, мени ўлдирма олишмасан-чи? Унда нима бўлади?
Эркак кулиб юборди.
- Ҳа майли, - деди кейин. - Омадингни берсин! Сени огоҳлантириб қўйдим. Бор, поездга кеч қолсан!
Обиджон эркакнинг беўхшов кулгусини эшитиб ғазаби кўзғаса-да, тезроқ ундан узоқлашишни маъқул кўриб югурганича вокзал ичкарасига кириб кетди.

* * *

- Илтимос, менга Россия поездига битта чипта берсангиз! - дея тешикчадан пул узатиб чиптачи қизга умидвор термулди Обиджон.
Қиз унга бир муддат қандайдир ачиниш билан тикилиб тургач, пулни қайтариб берди.
- Россия поездларининг бирортасигаям чипта қолмади, - деди елка қисиб. - Ҳаммаси сотиб бўлинган.
- Н-нега сотиб бўлинади? Ахир... Вокзалда одам кам-ку!
- Кам бўлса, нима қипти? Чипта йўқ дедимми, вассалом!
- Итдан тарқаганлар-ей! - сўкиниб нари кетди Обиджон. - Буларнинг ҳаммаси бир гўрга ўхшайди. Ҳа, майли, бермасанг берма, проводниклар билан гаплашиб кетавераман!
У ташқарига чиқиб ўриндиклардан бирига ўтирди. Ҳаво булутли эди. Вақт хуфтонга яқинлашиб қолганлиги сабабми, бироз аёз тушган.
Обиджон эгнидаги костюмининг ёқасини кўтариб олди-да, чап томонига қаради.
Эллик қадамча нарида қора плашчли, бошига ҳам қора шляпа кийган новча бир йигит унга қараб-қараб қўяр, хар қараганида қўлидаги сигаретини чўзиб-чўзиб тортарди.
“Буям мени кузатаяптими, нима бало, хаёлидан яшин каби ўтган бу фикр Обиджонни ўрнидан турғазди. Қани, нариги томонга ўтай-чи, уям ўтармикан?”
Обиджон шошилмасдан вокзалнинг шимол тарафига ўтди ва бўш ўриндикка ўтириб олди.
Не кўз билан кўрсинки, қора плашчли йигит яна пайдо бўлди.
- Булар ё ўғри, ё бочқинчи, - ўзича шивирлаб қўйди Обиджон. - Ҳечқиси йўқ, менам сенлар ўйлаганчалик ожиз банда эмасман. Керак бўлса, сендақаларнинг уч-тўрттасини ер тишлата оламан.
Аммо барибир кимдир сени бу қадар очикчасига кузата бошласа, асабийлаша бошларкансан, киши.
Обиджоннинг асаблари тобора таранглашиб борарди. Хайриятки, бахтига поезд келиб колди-ю, даст ўрнидан туриб қўлига армиядан олиб келган дипломатини олди.
Унга проводникларни кўндириш унчалик қийин кечмади. Гаплаша-гаплаша бориб, охири сўнгги вагондан жой олди.

* * *

Обиджон проводник билан ҳисоб-китобни жойига қўйгач, кўрсатилган ўриндикка бориб ўтирди. Бу вагон умумий бўлгани боис бемалол ётиб ухлашнинг иложи йўқ эди. Ёнида ҳам, рўпарасидаги ўриндикда ҳам йўловчилар ўтирибди.
У қўлидаги дипломатини оёқ остига қўйиб секин наридаги купега назар ташлади.
“Вой, аблаҳ-ей, хаёлан сўкиниб тесқари ўғирилди Обиджон. Шу ергаям чикибди-я!”
Ҳақиқатан, қўшни купеда қора плашчли йигит кулимсираганича жим ўтирарди.
- Буниси энди ортиқча, - деди ўзига-ўзи Обиджон. - Нима қилсам даф бўлади ўзи-а?
Хаёлларини бир жойга йиғиб улгурмай, йигит секин ўрнидан турди-да, Обиджоннинг тепасига келди.
- Кутмаганмидингиз? - сўради у ҳамон кулимсираб.
- Ҳа, кутмагандим, - деди Обиджон. - Нега орқамдан соядай эргашиб юрибсиз?

- Менга сизни кузатиб бориш топширилган, - жавоб қилди йигит. - Келинг, танишайлик, исмим Баҳодир. Сизники-чи?

- Гўёки исмимни билмайдигандай сўрайсиз-а?! - жаҳл аралаш жавоб қайтарди Обиджон. - “Волга”даги акангиз аллақачон айтгандир?

- Тўғри топдингиз. Айтган. Ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Яхшиси, юринг, менинг купем бўшроқ. Бирга ўтириб овқатланамиз!

- Раҳмат, қорним тўқ.

- Йўқ, барибир бормасангиз бўлмайди. Сизга зарур гапларим бор. Ё қўрқасизми?

- Мен-а? - Обиджон даст ўрнидан туриб Баҳодирнинг купесига ўтди. - Хўш, нима билан сийламоқчисиз?

- Ў, сиздай меҳмонни ҳозир зўр коньяк билан сийлайман! - деди Баҳодир ва сумкасини очиб бир шиша француз коньяги ва бир кути шоколад олиб стол устига қўйди.

- Мен ҳозир, бир дақиқага! - Баҳодир иккита қадахни қўлига олиб ўрнидан турди. - Мана шуларни ювиб келай!

- Мен ювиб кела қолсам-чи?

- Йўғ-э, сиз меҳмонимсиз. Ўтира туринг!

Баҳодир билан суҳбатлари барибир қовушмади. Йигит ҳамон гапни айлантитар, аниқ мақсадини айта қолмасди.

- Кечирасиз, негадир бошимда оғриқ турди! - Обиджон иккинчи қадахни бўшатганидан сўнг бўш ўринга ёнбошлади.

- Нима бўлди? Қаттиқ оғрияптими? - Баҳодир қўзларини юмган кўйи жим қолган Обиджоннинг тепасига келиб елкасига қўлини қўйди. - Врач чақиртирайми?

- Кераги йўқ. Ўтиб кетади.

Орадан беш дақиқа ҳам вақт ўтмай, Обиджон қаттиқ ухлаб қолди.

Баҳодир эса шоша-пиша сумкасидан рация олди ва кимларгадир хабар берди:

- Объектга белгиланган дозада дори берилди. У ухлапти. Шу кўйи тўрт кеча-кундузда ўзига келади! Поезд қалин ўрмонга етгач, проводниклар уни тушириб юборишади!

* * *

Сибир тарафларга йўл олган поезд ҳануз бир маромда чайқалиб борарди. Обиджон эса гоҳ ўнг, гоҳ чап ёнига ўгирилар, лекин қўзларини очишга мадори етмасди.

Нихоят тўртинчи кун деганда базўр ўрнидан туриб деразадан ташқарига қаради. Поезд қалин ўрмонларни ёнлаб катта тезликда ҳаракатланарди.

- Владивостокка етмадикми ҳали? - секин проводник ўтирадиган хонага ўтиб сўради Обиджон.

- Қанақа Владивосток? Жинни бўлганмисан? Тайга бошланди-ку!

- Нима? Ахир, мен Владивостокда тушишим керак эди! Нега уйғотмадингиз?

Баланд бўйли, мўйловдор проводник жаҳл билан ўрнидан турди.

- Кафиллигингни олганмидим мен? Ўлармидинг вақтида уйғонсанг? Тез тайёргарлигингни кўр, кейинги бекатда тушиб қолсан!

- Нега тушарканман? - бақирди Обиджон. - Энди манзилимни қандай топаман?

- Ҳой бола, аччиғимни чиқарсанг, вагондан ирғитиб юбораман! Бўл, дедим!

Обиджон тарвузи қўлтиғидан тушган одамдек индамай купега қайтди ва дипломатини қўлига олиб эшик ёнига борди.

Проводник эса ҳамон ўзича жавраб ўтирарди:

- Буларга яхшилик қилсанг, бошингга чиқиб олишади! Ухлаб қолганмиш! Вақтида тургин эди!

* * *

Поезд ярим тунда қайсидир бекатда тўхтади. Обиджон тушиши кераклигини билгани учун проводникнинг чиқишини ҳам кутиб ўтирмай ўзи эшикни очди ва пастга сақради.

Бу ер станция ҳам эмас эди. Қандайдир яланглик. Узоқдан қалин ўрмон қорайиб кўринарди.

Ёз бўлишига қарамай, анча совуқ эди. Обиджон ҳеч нарсага тушунмай, ҳеч нимани идрок этмай, қорайиб турган ўрмон томон йўл солди. Чунки, бошқа йўл ҳам йўқ. Олди ҳам, орқаси ҳам бир хил. Аввалига яланглик, сўнгра ўрмон.

“Ўша ифлос менга дори бериб қўйганга ўхшайди, ўзини Баҳодир дея таништирган йигитни эслаб хаёлидан ўтказди у. Аҳмоқ бўлмасам, гапига лаққа тушиб коньяк ичармидим? Энди нима қиламан? Қаерга бораман? Буёқларда одам зоти яшайдиганга ўхшамайди. Ҳозир ўрмонга бораман-у, адашаман. Ана ундан кейин... Йўқ, адашадиган аҳмоқ йўқ. Россияда беҳудага икки йил хизмат қилиб қайтдимми? Қолаверса, тоғам раҳматлининг рухлари қўллайди барибир. Мен нима қилиб бўлсаям мақсадимга етишим керак”.

Обиджон бир соатча йўл босди. Боягина қорайиб кўринган ўрмонга ҳадеганда ета олмасди.

Юра-юра, холдан тойиб ерга ўтириб қолди.

- Бироз дам оламан, - овоз чиқариб деди Обиджон. - Ҳали эрталабгача анча борга ўхшайди. Қорин қурғур ҳам очкаб кетди. Қанийди, ҳозир ҳеч бўлмаганда бир бурда нон бўлса! Йўқ, бу ерда ўтираверсам, бекорга вақт сарфлайман, холос. Жами егулик ўрмон ичкарасида бўлади. Тезроқ ўша ёққа етиб олишим керак!

Обиджон мажбуран ўрнидан турди-да, йўлида давом этди.

* * *

Ўрмон ичкарасига кириб борган Обиджон, энг аввало, пайпасланиб егулик қидиришга тушди. Унинг кўзларига ҳеч нарса кўринмас, айна дамда нима учун бу ерларга келгани ҳам, адашиб қолиши муқаррарлиги ҳам, хуллас, ҳеч нарса кўринмасди. Фақат нимадир топса-ю, қорнини тўйдирса!

Лекин ичкарироқ кириб боргани сари юрагидаги ваҳима баттар ортиб борар, турли ёқимсиз товушлар, нималарнингдир “був-був”лаши бадига ура бошларди.

“Аямнинг гапига кирмай бекор қилган эканман, ўйлади у қоронғилик қаърига кириб бораркан. Бу ўрмонда ажина деганлари бир дунёга ўхшайди. Був-бувлаган товушлар тобора яқинлашиб келяпти! Ҳозир кўзимга кўринса-я? Э, нималар деяпман? Қанақа йигитман ўзи? Қандайдир товушлардан кўркиб ўтирсам! Мен кўркмайман!”

У нордон мевалардан тўйгунича еди ва майсалар устига чўзилди.

- Ҳозир йўл қидириш ғирт аҳмоқлик бўлади! - деди ўзича. - Нима бўлса, пешанамдан кўрдим! Мана шу ерда ухлаб дам оламан. Эрталаб йўл излай бошлайман!

Обиджон “був-був”лаган товушларга анча пайт қулоқ тутиб ётиб охири кўзи илинди.

* * *

- Ҳой, кимсиз? Тирикмисиз? - Обиджон кимнингдир ёқимли овози қулоғига чалиниб кўзларини очди.

Тепасида ўн саккиз ёшлар атрофидаги, малла сочлари елкасига ёйилиб тушган, ингичка қош, оппоқ бир қиз ваҳима аралаш тикилиб турарди.

Обиджон шошиб ўрнидан турди ва атрофни кўздан кечирди.

Аллақачон тонг ёришиб кетибди. Ҳаммаёқ дарахт. Эллик-юз қадамлар нарида поёнсиз ботқоқлик.

- Сен кимсан? - сўради у қиздан.

- Маринаман. Ўзингиз-чи? Ўзингиз кимсиз? Нима қилиб ётибсиз бу ерда?

- Тунда мени поезддан тушириб юборишганди, - деди Обиджон. - Менга қара, қишлоқ яқинми бу ерга?

- Албатта. Икки чақирим ҳам келмайди.

- Ўзинг эрта тонгда нима қилиб юрибсан?

- Менми? Мана, кўринг, мева, ёнғоқ териб юрибман. Олинг, энг!

Обиджон қизнинг қўлидаги саватчадан бир нечта ёнғоқча олиб еган бўлди.

- Илтимос, мени қишлоққача олиб бор! - қизга умидвор термилди Обиджон. - Балки, одамлар борадиган еримни кўрсатиб юборишар?

- Жоним билан, - қаршисидаги келишган, барваста, қора қош, қора кўз йигитга ноз билан боқиб жавоб қилди қиз. - Юринг, қишлоққа кетдик!

Обиджон шоша-пиша уст-бошини қоқиб, қўлига дипломатини олди ва қизга эргашди.

* * *

Обиджон қишлоқда ўсиб қизларнинг бу қадар шаддод эканини билмаган экан.

Бироз йўл юрганларидан сўнг Марина унга саватини тутқазиб қўйди ва йўлини тўсди.

- Нима? Тинчликми? - ҳайрон бўлиб сўради Обиджон. - Бирор нарса эсингдан чиқибдимми?

Қиз бирпас унга қулимсираган кўйи тикилиб тургач, ерга боқди.

- Йўқ, ҳеч нарсани эсимдан чиқармадим. Кетдик!

Обиджон елка қисиб қизнинг ортидан эргашди.

- Агар анови тарафга кетиб қолганингизда, - йўл-йўлақай уни ўрмон билан таништира кетди Марина. - Ботқоқликлар орасида қолиб кетардингиз.

- Ботқоқлик чуқур бўладими? - соддаларча сўради Обиджон.

- Бўлмаса-чи! Оёғингиз бир четига тушиб қолса, тамом! Устини майсалар қоплаган бўлсаям, барибир тортиб кетади.

- Менга қара, Марина, - деди Обиджон. - Кечаси “був-був” деган овозларни эшитдим. Нима у?

Қиз беихтиёр қулиб юборди.

- Кўрдингиз-ку, биз ботқоқликнинг ёнгинасидан ўтиб кетдик. Сиз ўша ботқоққа яқин ерда ухлагансиз. Товушлар ана шу ботқоқликлардан чиққан. Биласизми, ботқоқликларнинг гази бўлади. Ўша газлар худди сиз айтгандек товуш чиқариб туради.

- Демак, худди шу газлар одамни ичкарига тортиб кетаркан-да? - сўради Обиджон.

- Ҳа, топдингиз. Ана, қишлоққаям етиб келдик.

Обиджон ўрмон четига тахтадан қурилган қатор уйларга боқди.

- Марина! - бир уйнинг эшиги очилиб, остонада пайдо бўлган барваста, сариқ мўйловли, ёши элликларга борган эркак улар томонга қараб кичқирди. - Қаерларда санғиб юрибсан? Ким у ёнингдаги?

Марина эркакка яқин боришгунича ғинг этмади. Йўл-йўлақай Обиджонни тортиб “отам” деб қўйди, холос.

- Ким бу йигит? - каталакдек ҳовлига киришгач, Обиджонга ўқрайиб қараб қўяркан кизидан сўради эркак. - Кимларни етаклаб юрибсан?

- Ота, аччиғингиз келмасин! - деди Марина босиқлик билан. - Бу йигит узокдан келибди. Ўрмонда адашиб қолган экан.

- Адашиб қолса, бизга нима? - тўнғиллади эркак. - Дуч келган одамни уйга бошлаб келавераркансан-да!

- Балки, севиб қолгандирман? - қаҳ-қаҳ отиб кулганича меваларни ичкари уйга олиб кета бошлади Марина. - Хўш, отажон, арзийдими, куёвликка?

- Жинни бўпсан! - қичқирди эркак. - Одамнинг қанақалигини билмай туриб етаклаб юрибсан! Хўш, йигит, кимсан? Нима қилиб юрибсан бу ерларда? - эркак ниҳоят сал шаштидан тушгандек Обиджонга яқин келди.

- Кечаси мени поезддан тушириб юборишганди, - қизга айтган гапларини такрорлади Обиджон. - Тушадиган бекатимдан ўтиб кетибман. Қаттиқ ухлаб қолибман.

- Тушунарли. Қаерга кетаётгандинг?

- Тўғриси, қандай аталишини ўзим ҳам билмайман. Янгам Сибир тарафларга келиб, қайтиб бормади. Топа олмаяпмиз.

- Шунақами? - эркак лаб буриб нари кетди ва қўлига болта олди. - Ишинг пачава экан унда. Сибир катта. Бир умр айлансанг ҳам поёнига ета олмайсан.

- Мен йўлни топиб олсам бас, - деди Обиджон. - Уёғига амаллардим.

- Хўп, сени катта йўлга олиб чиқиб қўяман. Ҳозир юр, ичкарига кириб нонушта қиламиз! Очикқандирсан?

Обиджон индамади. Итоаткорлик билан эркакнинг ортидан юриб пастқам уй ичкарисига кирди.

* * *

- Сенлар ўтириб туринглар, - эркак Обиджонни стол қаршисига ўтказгач, ўзи ташқарига йўл олди. - Мен ҳозир келаман.

Бир четда қимтинибгина ўтирган Марина Обиджонга юзланди:

- Менга қаранг... Сиздан илтимос, уйимиздан кетиб қолманг!

- Нега? - ҳайрон бўлди Обиджон. - Тинчликми?

- Отам... Ойим ўлиб кетган. Отам эса ичишдан нарига ўтмайди. Кайфи ошиб қолгандан кейин менга бақирришга тушади. Гўёки, ойимни мен ўлдирганмишман!

- Ичмаса, индамайдими?

- Йўқ, индамайди.

- Шунақа дегин? - секин ўрнидан турди Обиджон. - Афсуски, иложим йўқ! Режалаштириб қўйган ишларим кўп. Бормасам бўлмайди.

Қиз бу гапни эшитиб пиқиллаб йиғлай бошлади. Сўнгра ташқарига боқиб отасининг вино кўтариб келаетганини кўрди-ю, эшикка ишора қилди.

- Кетасизми? Ана, катта кўча, кетаверинг! - деди Обиджонга алам билан термулиб. - Нега турибсиз? Кетмайсизми?

Обиджон эркак ичкарига кириб келгунича индамай қараб турди.

- Амаки, менга йўлни кўрсатиб юборсангиз! - деди ниҳоят. - Шошиб турибман.

- Тўхта, аввал бирга қиттай-қиттай қиламиз. Ана ундан кейин хоҳлаган тарафингга кетаверасан!

- Мен ичмайман. Умуман ичмаганман.

- Шунақами? На илож! Қани, юр-чи! Аммо бу ерларда эҳтиёт бўлгин! Қайсидир йили йўлнинг нариги тарафидаги ўрмон четида бир одамни ўлдириб кетишган. Роса қидир-қидир бўлганди.

- Тушунарли, - орқада ҳамон қовоқ уйиб келаетган Маринага маъноли қараб қўйди Обиджон. - Эҳтиёт бўлишга ҳаракат қиламан!

Катта йўл қишлоқдан олти чақиримча нарида экан. Етиб келишгач, эркак Обиджоннинг елкасига қоқди.

- Шу ерда турсанг, машиналар ўтади. Биронтасини тўхтатиб шаҳаргача етиб олаверасан.

- Раҳмат сизга! - деди Обиджон. - Марина, сенгаям раҳмат! Ҳеч қачон бу яхшилигингни унутмайман!

Қиз жавоб ўрнига кўз ёшларини рўмолининг бир учи билан артиб олди-да, ерга боқди.

Обиджон машиналар келишини кутмоқчи эмасди. Шоша-пиша хайр-маъзур қилиб шахдам қадамлар билан олдинга кета бошлади.

Қанча юрди, билмайди. Бирдан тўхтаб орқасига қаради. Не кўз билан кўрсинки, Марина йигирма қадамча нарида йиғлаб турарди.

- Нега изимдан келяпсан? - турган ерида сўради Обиджон. - Нега индамайсан?

- Сиз шафқатсиз экансиз! - деди қиз. - Юрагингиз тош экан!

Обиджон ҳеч нарсага тушунмай қизга яқин келди.

Ҳа, қиз юракдан силкиниб-силкиниб йиғлар, узун киприклари пирпираб-пирпираб кетарди.

Йигитнинг юраги ҳаприкиб, ўзи ҳам сезмаган ҳолда Маринанинг сочларига қўл чўзди.

- Кечир мени, - деди эшитилар-эшитилмас. - Сен жуда яхши қиз экансан. Кўриниб турибди. Бироқ нима қилай, қишлоқдан бир мақсадни кўзлаб чиққан эдим. Ишон, мен ишларимни битирсам, албатта, ёнингга қайтиб

келаман. Ўшанда ҳеч қачон қишлоғингдан кетмайман. Отангни ҳам ичкиликдан қайтарамиз. Хўпми? Ишонасанми?

Марина истар-истамас бош ирғаб қўйди.

- Ана энди хайрлашайлик! Ўзинг эсли қизсан-ку!

- Хайр! - деди Марина. - Биз сизни кутамиз! Интизор бўлиб кутамиз!

Обиджон шартга орқасига ўгирилди-ю, йўлида давом этди.

Анча нарига боргач, яна тўхтаб ортга ўгирилди.

Марина кўринмасди.

* * *

Шу қўйи Обиджон икки чақиримча йўл босди. Бир маҳал узоқдан катта тезликда келаётган “Жигули”га кўзи тушиб таққа тўхтади ва астойдил қўл силтай бошлади.

Машина унинг рўпарасига келиб тормоз берди. Салонда ҳайдовчи билан яна бир рус йигити ўтирарди.

- Илтимос, шаҳаргача олиб кетинглар! - Обиджон ойнадан ҳайдовчига сўз қотди.

Ёнидагиси гап-сўзсиз орқа эшикни очди.

- Ўтир!

Обиджон хурсанд бўлиб машинага ўрнашиб олди. Аммо ҳеч қанча юрмай, ҳайдовчи рулни ўрмон томонга бурди. Аввалига Обиджон нима дейишни билмай хайрон бўлганди. “Ўзларининг ишлари бўлса керак”, деб хаёл қилганди. Тобора ичкарилаб боришавергач, олдиндаги йигитни туртиб сўради:

- Қаерга кетяпмиз ўзи?

- Катта холангникига! - кулиб жавоб қилди йигит. - Сенга нима фарқи бор?

Бу орада ҳайдовчи машинани тўхтатди.

Қалин ўрмон. Атрофда ҳеч зоғ кўринмасди.

Икковлари ҳам машинадан тушишди ва ҳайдовчи орқа эшикни очди.

- Туш пастга, етиб келдинг!

- Нима? - Обиджон юраги ғаш тортиб секин машинадан тушди ва ортга тисланди. - Мен... шаҳарга кетаётгандим!

- Мана шу ер сенинг шахринг! - деди бошқа бир йигит. - Қани, буёққа юр! Юр дедим сенга!

- Қаерга? Мен ҳеч қаёққа бормайман!

- Нима? - йигит кутилмаганда Обиджоннинг юз-кўзи аралаш мушт туширди. У зарбанинг кучлилигиданми, ағанаб тушди.

- Тур ўрнингдан, тирранча! - буюрди йигит Обиджоннинг тепасига келиб. - Эркакмисан? Тур, дедим!

Обиджон турди. Ҳайдовчи унга яқин келиб, қўлига белкурак тутқазди.

- Мана шу ерни ковла! Тез бўл!

Кўпчилик кўпчилик-да! Агар яккама-якка муштлашишса, Обиджон енгилмаслигини биларди. Афсуски, бу барзангилар икки киши.

Индамай белкуракни қўлига олди-да, кўрсатилган ерни ковлай бошлади.

Чамаси ярим соат ичида икки метрли чуқур қазиди.

- Қани, энди пастга туш! - буюрди йигит ҳайдовчига кўз қисиб. - Агар тушмасанг, шу чуқурга тириклай кўмиб кетамиз! Туш дедим!

Обиджон яна ожиз қолди ва чуқурга тушди. Икки барзанги унинг қўл-оёқларини йўғон арқон билан чандиб боғлаб ташлашди.

- Агар ажалинг етмаган бўлса, - деди кетаётиб ҳайдовчи. - Ўз кучинг билан арқондан бўшалиб оларсан. Мабодо ўлиминг яқин бўлса, сени Худо раҳмат қилсин!

Умрида бу тахлит муносабатга рўбарў бўлиб кўрмаган йигит учун ҳозирги ҳолати жуда аламли эди.

Обиджон кетиб бораётган машина ортидан лабларини тишлаганича боқиб бир-икки силкиниб олгач, овозининг борича қичқирди:

- Аблаҳлар! Ҳезалаклар!

* * *

Бегона кимсалар арқонни жуда маҳкам бойлашган экан. Обиджон қанча уринмасин, барибир бўшала олмади. Соатлар алмашиб, ниҳоят тун ҳам чўқди. Қалин ўрмонни бойқушларнинг беўхшов ув тортишлари босди.

Бир томондан қорни очлиги, иккинчи томондан оёқ-қўлларининг симиллаб оғриши Обиджонни ҳолдан тойдирганди. Урина-урина арқонни еча олмагач, у ҳаётини тақдир қўлига топширишдан бўлак чора топа олмади.

Бир маҳал шу яқин орада кимларнингдир шивир-шивирлари, оёқ товушлари эшитилгандек бўлиб Обиджон кўзларини катгароқ очди ва секин ўрнидан турди.

Ҳақиқатан сал наридан икки нафар эркак ўзаро гаплашганча ўтиб боришарди.

- Ҳой, ёрдам беринглар! - қичқирди Обиджон. - Буёққа келсаларинг-чи!

Икки эркак тўхтади. Бир муддат атрофга аланглаб олишди-да, у томонга юра бошлашди.

- Кимсан? - чуқурга яқин келиб сўради улардан бири.

- Мени... боғлаб кетишди, - деди Обиджон. - Илтимос, ечишга ёрдамлашиб юборинглар!
Икки эркак бир-бирига қараб олгач, энгашиб Обиджонни юқорига тортиб чиқаришди.
- Тўхта, - деди калбош, кенг елкали эркак шеригига. - Ечишга шошилма! Ҳой йигит, кимсан? Қаердан келгансан?

- Мен узоқдан келганман, - жавоб қилди Обиджон. - Шаҳарга кетаётгандим. Машина тўхтатдим. Машинадагилар эса шу ёққа олиб келиб боғлаб ташлаб кетишди.

- Уларга ёмонлик қилган бўлсанг керак-да!
- Ҳеч нима қилганим йўқ. Танимайман ҳам уларни.
- Шунақами? Мабодо бўшатсак, сотиб қўймайсанми?
- Нега? Нима учун сотишим керак?
- Малла, нима қиламиз буни? - кенг елкали эркак шеригига юзланди.
- Ўзимиз билан бирга олиб кетамиз. Керак бўлиб қолади.
- Яхши, мен ҳам шу ҳақда ўйлаб тургандим. Қани, йигит, орқага ўгирил-чи!
Малла деганлари чўнтагидан пичоқ чиқариб арконни кесиб ташлади.

Обиджон гўё узоқ йиллар кишанда ўтирган одам каби увишиб қолган кўл-оёқларини қимирлата-қимирлата турган ерида сакрай бошлади.

- Бас қил, вақтимиз зиқ! - дея уни елкасидан ушлаб тўхтатди Малла. - Манови аканг Сергей. Огоҳлантириб қўй, биз турмадан қочганмиз. Ҳозир биз билан бирга шаҳарга борасан. Нима десак, ўшани қиласан. Ортиқча саволлар бериб бошимизни қотирмайсан. Агар чув туширсанг, ўласан, уқдингми?

Обиджон бош ирғаб Малланинг сўзларини тасдиқлади.
- Қани, кетдик унда! Эрталабгача манзилга етиб олишимиз керак!

* * *

Учовлон ўрмон бўйлаб узоқ йўл юришди. Охири эркаклар чарчашди, шекилли, биринчи бўлиб Малла, кетидан Сергей ўзини майсалар устига ташлади.

- Бирпас дам оламиз, - деди Сергей. - Оёқларда мадор қолмади.
Уларнинг ёнига Обиджон ҳам чўзилди.
- Узоқдан келдингми? - сўради Малла Обиджонни туртиб.
- Ҳа.
- Тўғриси, сендақаларни ёқтирмайман.
- Нега? - Обиджон бу гапни эшитиб даст ўрнидан туриб ўтирди. - Нима учун ёқтирмайсиз?
Малланинг ўрнига Сергей жавоб қилди.
- Чунки, битта келгиндининг дастидан бизни турмага тикишган.
- Сотганми? - сўради Обиджон негадир юраги увишиб.
- Соттиш ҳам гапми? Ундан баттарини қилган. Ҳа, майли, бунинг аҳамияти йўқ. Ишқилиб, сен сотқинлик қилиб қўймагин. Акс ҳолда ўша ҳамюртингнинг ўчини ҳам қўшиб сендан оламиз.
- Умримда сотқинлик қилмаганман. - деди Обиджон. - Қолаверса, сизлар мени қутқариб қолдинглар!
- Ана шунинг учун ҳам энди бизга хизмат қиласан, тушунарлими?
- Тушунарли.

Шу тобда узоқдан итларнинг вовиллаган товушлари эшитилди. Иккала эркак ҳам сапчиб ўрнидан турди.
- Қидириб келишяпти, - шивирлаб қулоғини динг қилди Малла. - Аниқ, қидириб келишяпти. Эшитяпсанми?
Бу овчаркаларнинг овози!

- Қочдик! Тезроқ бўлинглар!
Улар энди яна орқага қараб қочишди.
Олдинда Сергей, ортидан Малла чошиб борар, Обиджон уларга сира ета олмасди.

- Тўхта! Қимирлама! - энди итлар овозига кимларнингдир бақир-чақирлари қўшилди. - Қимирламанглар!
Кутилмаганда автоматларнинг тариллашлари ўрмонни тутди.

Жон ширин. Қўрқиб кетган махбуслар ўзларини қалин майсалар устига отиб жим қолишди. Обиджон ҳам беркинишга мажбур эди. У дарахтлар панасига ўтиб олди.

Афсуски, кеч эди. Кўз очиб юмгунча етиб келган бир гуруҳ ҳарбийлар учовини ҳам тутиб қўлларига кишан уришди.

- Икки киши дейишганди-ку, лейтенант! - дея Обиджон томонга ишора қилди бир ҳарбий.
- Бизга бунинг аҳамияти йўқ. Демак, уч киши экан! Қани, юринглар, қочоқлар! Бу ишларинг учун карцерда адабларингни беришади! Юринглар, тезроқ, тезроқ!

Шундоқ ҳам кун бўйи турли қийноқлар туфайли ҳолдан тойган Обиджон елкаси оша келиб тушаётган автомат кўндоғи зарбидан зўрға тишини-тишига босиб борар, афсус чекишга, ўй суришга сира имкон йўқ эди.

* * *

Тахминан уч чақиримча итлар, ҳарбийлар таъкиби остида йўл босишгач, катта йўлга чиқишди. У ерда ҳаммаларини турма машинаси кутиб турарди.

- Хўш, топилдими дезертирлар? - хохолаб кулганича сўради ҳайдовчи.

- Топилмай гўрга борармиди булар? Уч киши экан ярамаслар, - деди лейтенант.
- Уч киши? Бизга фақат икки киши дейишганди-ку! Учинчиси ким бўлди?
- Мен қаердан билай? Балки, бошқа турмадан қочган-у, булар билан топишиб олгандир?
- Бўлиши мумкин. Бўпти, кетдик! Уйку босяпти одамни!

Машина ўрнидан кўзгалди.

Обиджон ўзини нималар кутаётганини ҳозирча тўлиқ идрок эта олмасди. Фақат билардики, ҳозир турмага олиб боришади. Сўроқ қилишади. Унинг маҳбус эмаслигини аниқлашади-ю, яна қўйиб юборишади.

Ўйлаганидек, икки маҳбусни қайсидир турмада қолдириб, Обиджонни милиция бўлимига олиб боришди.

- Хўш, буни қаердан топдиларинг? - кулди майор кийимидаги бир милиционер соқчиларга Обиджонни кўрсатиб.

- Қочоқ маҳбуслар билан бирга экан. Қўнғироқ қилувдик, турмадагилар буни тасдиқлашмади.

- Тўппа-тўғри, - деди майор. - Қандай қилиб тасдиқлашсин? Бу ярамас қанча вақтдан бери бизга чап бериб юрибди. Қани, ўтир курсига!

Обиджон индамасдан буйрукни адо этди. Майор стол тортмасидан бир сурат чиқарди-да, унинг олдига ташлади.

- Бу аёлни танийсанми?

Обиджон суратга яхшилаб тикилиб қаради. Кейин юрак уриши тезлашди. Кўзларига ишонмай қаттиқроқ тикилди расмга.

- Ахир... бу менинг янгам-ку! - деди хонадаги милиционерларга жавдираб. - Ҳа, янгам! Мен уни қидириб юрибман!

- Қидириб юрибсанми? - майор ўрнидан туриб Обиджоннинг тепасига келди ва елкаси аралаш мушт туширди. - Ўлдиришга ўлдириб қўйиб, энди қидириб юрибсанми?

- Нима? Н-нималар деяпсиз? Қ-қанақасига у ўлади? У киши ўлмаган. Шунинг учун қидириб юрибман!

- Шунақа дегин? - майор қайтадан жойига ўтиб тортмадан эскириб кетган жилд чиқарди ва очиб ичидан кимнингдир бармоқ излари туширилган оқ қоғоз олди.

- Мана бу-чи? Буям сеники эмасми?

- Меникмас, - деди Обиджон қатъий оҳангда. - Сизлар мени ким биландир адаштиряпсизлар!

- Сержант, буни ўзингиз гапиртирмасангиз бўлмайдиганга ўхшайди, - майор эшик олдида турган соқчига юзланди.

- Шунақами? - сержант илдам юриб келди-да, Обиджоннинг ёқасидан тутиб ўрнидан турғазди ва орқасига тепди. Кегидан чарм таёқ бели аралаш бир-икки маротаба келиб тушди. Умрида бу қадар кучли зарбага дуч келмаганиданми, Обиджон букчайганича деворга бошини тираб инқиллай бошлади.

- Яна уринг! - буюрди майор. - Бўйнига олмагунча уравринг!

Мана буниси ортиқча эди.

Кетма-кет келиб туша бошлаган зарбалар охир-оқибат Обиджонни полга кулатди ва у ҳушидан кетди.

- Мен... Ахир... Мен ҳеч кимни ўлдирмаганман! Янгамни қидириб келганман бу ерга! Мен... умримда одам ўлдирмаганман! - титраб сўзлашда давом этарди Обиджон. - Нега ишонмайсиз?

- Соқчи, олиб чиқинг! - навбатдаги сўроқдан ҳам натижа чиқмагач, буюрди терговчи. - Бу билан пачакилашиб ўтирадиган аҳмоқ йўк! Эртагаёқ турманинг ўзида суд қиламиз ярамасни!

Терговчи сўзининг устидан чиқди. Обиджонни одам ўлдирганликда айблаб ўн йил муддатга қамоқ жазоси белгилашди ва турмага олиб бориб камерага қамашди.

Камерада йўғон, баланд бўйли, ёши олтмишга яқинлашиб қолган, серсоқол бир грузин ўтирарди. Янги меҳмон кириб келиб бир четга ўтиргач, секин каравотидан тушди-да, Обиджонга яқин келди:

- Ҳа, эркак, ишлар қалай? - сўради у қаршисидаги йигитнинг савлатига ҳавас билан боқиб. - Нега индамайсан? Оғзингга талқон солволганмисан?

Обиджон жавоб ўрнига тепасидаги қарияга ер остидан тикилиб қаради ва афтини бужмайтириб қўйди.

- Тухматчилар! - қўлларини мушт қилиб каравот четига урди у ниҳоят. - Тухматчилар!

- Тўппа-тўғри! - Обиджоннинг сўзини маъқуллаган бўлди грузин. - Сен нима деб ўйловдинг? Ҳақиқат бор деб ўйлармидинг? Ҳақиқат осмонда, ҳа! Мана, мен ҳам йигирма йилдан бери шу камерада ўтираман. Очипқа чиқаришмайди. Чунки, ойига тартибни бузаман. Кимнидир калтаклайман ёки соқчиларни бўралаб сўкаман.

- Сизни нега қамашган? - сўради Обиджон.

- Мана бу бошқа гап, - деди грузин жонланиб. - Тилинг бор экан-ку! Ахир, бу ерда одам қон бўлиб кетади. Ким биландир гаплашгиси, дардлашгиси келади. Сен бўлсанг, киришданок қовоқ-тумшугингни осилтириб олдинг. Кел, аввал танишайлик.

Грузин йўғон қўлларини Обиджонга узатди.

- Гоги Савилашвили! Сен оддий қилиб Гога амаки деб чакиравер!

- Обиджон.
- Ўзбекмисан?
- Албатта.

- Ҳа-а, ўзбеклар ажойиб халқ. Ўзим-ку, у ёқларга бормаганману аммо бир дўстим Тошкентда бўлганди. Кишлоққа келиб роса мақтаган. Ўзбеклар ҳар куни уйларига олиб кириб меҳмон қилишаркан. Кейин... Анови зорманданиям қалаштириб ташлашаркан. Ишонасанми, шаҳардан чиқиб самолётга ўтиргунимча ҳар куни бош оғриқ дори ичишга мажбур бўлганман, деганди дўстим.

- Ҳа, бизнинг одамлар меҳмондўст, - деди Обиджон ғурур билан. – Кейин... Мановиларга ўхшаб тухмат қилишнияма билишмайди.

- Бе, бу гапларни қўй, бола! Тухмат қилишган бўлишса, бир куни миси чиқади.

- Сизни нега қамашган? - саволини такрорлади Обиджон.

- Меними? Мен бира тўла учтасини тинчитганман. Жаҳлим ёмон. Сал ёқмайдиганроқ гап қилишса, тамом, қутуриб кетаман. Лекин у одамлар нафақат жаҳлимни чиқаришганди. Хотиним раҳматлининг... номусига тегишганди.

- Ҳа-а, тушунарли, - бош ирғаб қўйди Обиджон. – Хотинингиз оламдан ўтганми?

- Ўтган. Унияма жаҳл устида ўлдирганман. Биласанми, менинг табиатим шунақа. Мабодо товоғимдаги овқатдан кимдир чўкилаб едими, мен ўша таомга қайтиб қарамайман. Энди тушунгандирсан?

Обиджон индамади. Сўнгги гапидан қариянинг қандай одам экани маълум бўлганди.

* * *

Эртаси куни камералардаги маҳбуслар ўзларига олиб келинган ярим бўлакдан қора нон, биттадан косада фақат сувдан иборат, устида пахта ёғи сузиб юрган, бир-иккита пиёз топилса топиладиган, бўлмаса ҳеч вақоси йўқ нонушта аталмиш овқатни тановул қилишгач, барчаларини соқчилар марказий майдонга олиб чиқишди. Умрида жиноятчилар билан ош-қатик бўлиб кўрмаган Обиджон учун бир тарафдан ваҳимали, иккинчи тарафдан аянчли туюларди бу маҳбуслар. Уларнинг бирортаси одамбашара эмасди. Кимнингдир юзларида пичоқ излари қолиб кетган, бошқа бировининг лаблари ёрилган, кимдир бўйнигача игна билан алланималарни ўйиб ёздирган. Ҳеч кимнинг кўз қарашлари самимий эмас. Қандайдир аламли ва совук. Бунинг устига анчагина муддатни ўтаб қўйган маҳбуслар янги келганларга масхараомуз муносабатда бўлишар, иложи борича уларни руҳан синдиришга, бўйсундириб устларидан қулишга интилишарди.

Сафда кетаётган иккинчи қатордаги паст бўйли, озғин, қиррабурун, лаблари учиб-учиб қўяётган маҳбус юриб кетаётган кутилмаганда Обиджонни чалиб юборди.

Бу қандай содир бўлди, Обиджон пайқашга улгурмади. Бошқаларнинг оёқлари остига ағдарилиб тушди ва даст ўрнидан туриб айбдорни қидира бошлади.

Қиррабурун эса очикчасига ўзини ошкор қилган қўйи Обиджонга менсимаган назар билан боқиб совук тиржайиб қўйди.

- Хўш, “салага”, маза қилдингми? - соқчиларга эшиттирмай шивирлади у Обиджоннинг рўпарасига келиб. - Лат емадингми, ишқилиб?

- Бошқа ерда бўлсанг, сенга кўрсатиб қўярдим, - тишларини ғижирлатиб жавоб қилди Обиджон.

- Яхши, ҳозир “развод” тугасин, бошқа ерга ўта қоламиз...

* * *

“Развод”дан сўнг маҳбусларнинг барчасини сигарет чекиладиган махсус майдончага олиб боришди. Бу майдонча турманинг чеккароғида жойлашган эди. Гарчи баланд деворнинг ҳар-ҳар ерида соқчилар юқоридан туриб маҳбусларни кузатаётган бўлишса-да, устунлар ортига ўтиб енгил-елпи баҳсларни бемалол ташкил этиши мумкин эди.

Қиррабурун униси-бунисини турта-турта Обиджонга яқин келди ва унга бошдан-оёқ тикилиб ўзича ҳиринглаб қўйди.

- Хўш, ўтамизми бошқа жойингга? - сўради у юқоридаги қурол тутган соқчиларга, сўнгра сал нарида чарм таёқларини қўлларини ўйнатганча маҳбуслардан кўз узмай турган соқчиларга кўз ташлаб.

Обиджон атрофга ўғринча кўз югуртириб чиқди. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Фақат камерадошидан сал нарида турган новча, ингичкадан келган, деярли ўзи тенги бир йигит унга тез-тез қараб қўяр, қўлидаги сигаретини чўзиб-чўзиб тортарди.

- Бу ер тўғри келмайди, - деди Обиджон. - Агар қўлингдан келса, камерага кир, ўша ерда гаплашамиз!

- Шунақами? - қиррабурун ўзини кузатиб турган ҳамтовоқларига кўз қисиб қўйди. - Кут мени!

* * *

Кеч тушди. Обиджон кунни Гога амаки билан суҳбатлашиб ўтказди ҳисоби. Шу баҳонада қариянинг кимлигини, қандай одам эканини билиб олди. Гарчи совуққон, жаҳлдор, шафқатсиз туюлса-да, ҳаётга холис баҳо бера олар, юраги тош эмаслиги сезилиб турарди.

- Шу гапимни эсингда тутгин! - тайинлади у вақт хуфтонга яқинлашиб қолганида. - Сен билан ёқалашмоқчи бўлган йигит ўзининг энг яқин дўстларини қаёқдаги сассиқ пулларни деб ўлдирган. Шунда ҳам тинчимай, мурдаларни ёқиб юборган. Жуда ярамас бола у.

- Сиз ундан кўрқасизми? - болаларча соддалик билан сўради Обиджон.

Бу саволни кутмаган Гога амаки кулиб юборди.

- Умрингда ҳеч грузин билан яқиндан гаплашганмисан? - сўради ниҳоят жиддий тортиб.

- Армияда дўстларим бор эди.

- Унда билишинг керак. Грузин ҳаётда бировдан кўрқмайди. Кўрқиш унга хос эмас. Мен қўйиб беришса, унга ўхшаганларнинг эллик-юзтасини ер тишлатишим мумкин. Аммо қариб қолдим. Қолаверса, турмадаги қилиқларим ҳам етиб ортади. Омон бўлсанг, кўрасан қанақа қилиқлар чиқаришимни! Бўш келма, кучинг етади. Қара, савлатингни! Шу бўй, шу гавда билан агар ўша мишиқидан кўрқсанг, сенга тан бермайман!

* * *

Кутилган онлар яқинлашиб ташқарида кимларнингдир оёқ товушлари кулоққа чалиниб қолди.

Обиджон ҳали турма қоидаларини билмасди. Соқчиларни кўндириб, бемалол бегона камерага кириб келишларига ишонмасди. Аммо шундай бўлиб чиқди. Кундузи чекаётганларида уни бир четдан томоша қилган тенгдош йигит қиррабурунга шерик бўлиб кириб келди.

Қиррабурун олдинига Гога амаки билан кучоқ очиб (турмада қариялар билан шу тахлит кўришишга одатланишганди) кўришди ва ҳурмат юзасиданми ё унинг иштирок этишини истамадими, қўлтиғидан олиб қаравотига ўтқазиб ўзи Обиджонга юзланди.

- Хўш, мана, биз келдик!

Обиджоннинг қишлоқча тўпорилиги кўзиб, лабларини тишлади ва қиррабурунга яқин борди. Бир неча сония рақибининг кўзларига тикилиб турди-да, кутилмаганда қорни аралаш мушт туширди.

- Их! - қиррабурун қорнини чангаллаганича камерани бир айланиб чиқди. Оғриқ сал пасанда бўлди, чоғи, гавдасини кўтариб Обиджонга ташланди.

Аммо уддалай олмади. Ундан анча новча, бақувват йигитнинг гоҳ тепкиси, гоҳ муштлири қиррабуруннинг дуч келган ерига бориб тушар, Гога амаки ўтирган жойида қарсак чалар, шерик бўлиб келган йигит эса ҳамон четдан туриб кузатишда давом этарди.

- Бўлди, бўлди! - икки кўлини кўтариб ортга тисланди қиррабурун. - Тан бердим! Тан бердим! Керакмас!

Обиджон уришдан тўхтаб нари кетди ва умрида биринчи маротаба қариянинг сигаретидан бир донасини олиб тутатди.

У соқчиларнинг муштлашувга аралашмаётгани, камерага кириб келишмаётганидан ҳайратда эди.

- Яна бир марта ўша сассиқ гапингни қайтарсанг, ўзингдан кўр! - деди Обиджон сигарет тутунидан бир-икки йўталиб, унитазга ирғитиб юборгач. - Мени ўзбек деб қўйибди! Ўзбеклар меҳмондўст, аммо жаҳлини чиқарса, ким эканинга қараб ўтиришмайди!

Қиррабурун шеригини ёнига олиб камерани тарк этди. Афсуски, улар узоқ кетиб улгурмай, камерага тўрт нафар соқчи кириб келди ва Обиджонга ташланиб қўлларини қайирган кўйи деворга тирашди.

- Биз сен зўравонга кўрсатиб кўямиз! - деди бири Обиджоннинг қўлларига кишан солиб. - Кеча келиб муштлашишни бошладингми?

- М-менмас! - дерди Обиджон силтаниб. - Нега кўрмасдан туриб менга ёпишяпсизлар? Ўзи бостириб кириб келди-ку!

Қария ҳам унинг ёнини ололмасди.

Соқчилар Обиджонни судраб ташқарига чиқиб кетишди.

* * *

- Хўш, бу нусха нима ҳунар кўрсатибди? - кенг кабинетга кириб келишгач, ўртадаги стол қаршида ўтириб астойдил қаҳва ичаётган захил юзли турма бошлиғи соқчилардан сўради.

- Муштлашаётган экан камерада, - жавоб қилди соқчилардан бири.

- Шунақами? Келганига икки кун бўлмай-а? Муддатига олти ой қўшиб кўямиз. Ҳозир уни қарцерга олиб боринглар! Бир адабини еса ақли кириб қолади.

- Хўп бўлади! - соқчилар Обиджонни итара-итара ташқарига олиб чиқиб кетишди.

Ҳаётида турма нима эканини эндигина кўрган Обиджон қарцерни қаердан билсин!

Бир неча соат гоҳ қайноқ ҳаводан нафас олди, гоҳ бадбўй ҳид уфуриб турган камерани қаҳратон қишдаги каби совуқ эгаллаб уёқдан-буёққа титраб-қақшаб чопди. Муддат тамом бўлди, шекилли, эшикни очиб унинг қай аҳволда эканига ҳам қараб ўтирмай бошқа тарафга қоронғилиқда олиб кетишди.

Обиджонга сўнги пайтларда ҳаммаси барибирдек туюла бошлаганди. У бир нарсадан умидвор эди. Осмонданми, ер остиданми, ишқилиб, қаердан бўлмасин яхши одам пайдо бўлса-ю, уни турмадан озод этса! Янгасини қидириб топиб қишлоққа олиб борса, кейин тоғасининг ўлими сирларини аниқласа! Ана шу кунлар келишига астойдил умид қилганлиги учун ҳам чидар, чидашга мажбур ҳам эди.

- Мана, етиб келдинг! - дея чарм таёқ билан енгилгина Обиджоннинг елкасига тушириб қўйди бир соқчи зулмат қўйнида ҳовузни тўлдириб турган кўм-кўк сувга ишора қилиб. - Ҳозир сени шу ерга тушириб юборамиз. Зўрлигингни шу сувда кўрсатасан!

* * *

Обиджон кимдир “сувга туш” дея буйруқ беришини кутиб совуқ камерада музга айланиб қолаёзган оёқларини ерга тап-тап урганича турарди. Негадир жимлик ҳукм сура бошлагани унинг юрагини ғаш тортириб, секин орқасига ўгирилиб қаради. Не кўз билан кўрсинки, ўн-ўн беш қадам нарида, прожекторлар ёруғида тагин кеча, бугун кундузи уни узокдан кузатиб чарчамаган озгин йигит турарди.

“Бунга нима керак экан ўзи, кўнглидан кечирди Обиджон. Ким ўзи? Намунча менинг орқамдан соядек эргашиб юраверади? Нега унга манови соқчилар ҳам индашмаяпти? Ахир, ярим тун бўлса! Махбусларга ташқарида юриш тақиқланган. Бу нега юрибди?”

Обдон ўйлаб бош қотиришга улгурмади. Орқада турган соқчилардан бири шеригининг имоси билан Обиджонни сувга итариб юборди.

Бу ҳовуз оддийсидан буткул фарқ қиларди. Кенглиги етмай, суви худди қайсидир тарафга оқаётганга ўхшайди. Бунинг устига чуқурлигидан унча-мунча юраги кучсизроқ одамни ваҳимага солиб юборади.

Обиджон қўллари кишанланган ҳолда сув қаърига шўнғиди. Бир-икки сув юзига чиқди ҳам. Аммо қирғоқда турганлар яна бир марта сузиб чиқса, автоматдан ўқ узишларини айтиб огоҳлантиришди.

“Булар мени шу ерда ўлдириб юборишмоқчи экан-да, армияда сузиш машқларини ўтаган Обиджон чуқур нафас олган ҳолда ўзича ўйларди. Ўйлашадики, мен бир-икки дақиқадаёқ сув ютиб оламдан ўтаман. Кўрамиз, ким ғолиб келаркан!”

У бор кучини, идроки-ю, имкониятини ишга солди. Ҳовуз тубига оёқ қўйиб олган ҳолда иложи борича ҳозирги аҳволи ҳақида эмас, бошқа яхши нарсалар тўғрисида ўйлашга интилни.

Шу қўйи беш дақиқани амал-тақал ўтказди.

Бундан ортиғига қурби ҳам, нафаси ҳам етмасди. Таваккал сув юзига чиқди.

- Чиқ энди, хой ит! - кичкирди қирғоқда турган соқчи. - Бундан ажал ҳам юз ўғирди, шекилли! Қани, чиқ сувдан!

“Худога шукур, ўлим ортга чекинди, ўйлади Обиджон оёқлари ёрдамида темир нарвон қаршисига сузиб келаркан. Бу ифлослар мақсадларига эриша олишмади”.

Юқорига чиқиб беихтиёр прожекторлар нури тушиб турган тарафга қаради.

Бояги йигит шовилмасдан камералар жойлашган бино томон кетиб борарди.

* * *

Обиджон бир аҳволда камерага кириб келди. Оёқ-қўллари ҳамон карцердаги совуқ ҳаво, қолаверса, ҳовуз суви туфайли увишиб оғрир, ўзи зўрға нафас оларди.

Гога амаки негадир каравотида чалқанча ётганича хириллаётган экан. У кириб келса-да, ўрнидан кўзгалмади. Бир-икки йўталиб қўйди, холос.

- Сизга нима бўлди, амаки? - сўради Обиджон совуқдан тарашадек қоғи қолган кийимларини ечиб бир четга ташларкан. - Мазангиз йўқми?

Гога амаки унинг овозини эшитиб секин қимирлади.

- Ҳ-ҳа, келдингми? - сўради у сал ёнбошлаб олган бўлиб. - Адабингни беришдимми?

- Беришди, - деди Обиджон каравотга чўзилиб оғир хўрсиниб оларкан. - Сувга чўктириб юбормоқчи бўлишди.

- Чўкмадингми?

- Армияда сузиш тўғарагига қатнашганман.

- Ў, зўрсан-ку! Маладес, ўғил бола!

Бу гапдан Обиджон сал жонланди. Қарияга хурмати бир карра ошиб жони оғриб турганини-да унутди. Оҳиста ўрнидан туриб, Гога амакининг тепасига келди.

- Нега ётибсиз? Турмайсизми?

- Тура олмайман, - деди қария.

- Нега? Бирор ерингиз оғрияптими?

- Оғриш ҳам гапми? Итфеъл соқчилардан бирининг юзига сигаретимни ирғитгандим, ўласи қилиб уришди ифлослар!

- Уф-ф! Нега ундай қилдингиз-а, амаки? Шартмиди?

- Сени ноҳақ олиб кетишганига жаҳлим чиқди, бола! Жаҳлим чиқди. Тонг отсин, ўша қиррабуруннинг...

- Кераги йўқ, - Обиджон елкалари, билақларигача чарм таёқ зарбидан кўкариб кетган қариянинг қўлидан тутди. - Мен ўзим... Ҳали ҳисоб-китоб қилволаман.

- Йўқ, сен ортиқча ҳаракат қилма! Ҳали ёшсан. Умрингни қамоқда ўтказма! Яхшиси, бу ерлардан чиқиб кетишнинг йўлини қидир!

Обиджон беихтиёр қариянинг ўнг билагидаги игнали ёзувни кўриб қолди.

- Амаки, буни қаерда ёздиргансиз? - сўради ёзувни бармоқлари билан сийпалаб кўриб.

- Қаерда бўларди? Шу турмада ёздирганман-да!

- Ёмон ёзган экан. Қаранг, қинғир-қийшиқ!

- Бунисини билмадим-ку-я, занғар роса жонимни оғритган ўшанда. Ўлиб қолсам керак, деб ўйлагандим.

- Хоҳлайсизми, бу билагингизга зўр қимиб ёзиб қўяман? - Обиджон кулимсираб қарияга тик боқди.

- Сен-а? Бу хунарни қаердан биласан?
- Расм чизишга қизиқаман. Шу баҳонада игна билан ёзишним ўзлаштирганман. Ишонинг, жонингиз оғримайди. Сезмай ҳам қоласиз!
- Майли, у ҳолда катта-катта қилиб “Грузин-ўзбек=дўстлик” деб ёзиб қўй!
Обиджон қария кўрсатган кичик бир сумкачадан игна топди ва эски-туски қоғозларни йиғиб олов ёқди-ю, игнани куйдира бошлади.

* * *

Тонг отди. Одатга кўра маҳбусларни уйқудан уйғотиб ташқарига сафлантирдилар, жисмоний машқларни бажаришга мажбурлашди. Шу ерда ҳам узоқ вақтдан бери қамокда ўтирганлар йўлини топиб ҳийла ишлатар, ҳар бир дақиқада ўзларича “маишат” уюштиришга уринишарди. Маишат эса оддий сигаретни бемалол, шошилмасдан чекиб олиш ёки бўлмаса, кимнингдир устидан мириқиб кулиб олишдангина иборат эди.

Жисмоний машқлардан сўнг уч қатор бўлиб саф тортган ҳар бир маҳбуснинг тўғрисида биттадан офицер кўлида чарм таёқ билан туриб олди.

Ҳамма бараварига давлат мадҳиясини ижро қилиши шарт эди. Мабодо шунчаки оғзини қимирлатиб турган маҳбусга кўзлари тушса, сафда турган ерида аёвсиз калтакланар, сўнгра қарцерга олиб кетиларди.

Бу ёқимсиз машғулотлар ниҳоя топгач, ошхонага олиб киришди.

Бугунги нонушта бошқаларидан бироз фарқ қиларди. Қандайдир байрам эканини айтишди. Стол устида бир юмалоқдан сариёғ, бир шишадан минерал сув қўйилибди. Темир косадаги овқат ичида эса ўрта бармоқнинг ярмича келадиган гўшт.

Буни кўрган маҳбуслар “ура, ура!” дея қичқира бошлашди.

Обиджон ҳали столига яқинлашиб улгурмаганди. Украин бўлса керак, кенг елкали, бўйи шифтдек келадиган, малла бир маҳбус айнан Обиджон ўтириши лозим бўлган стол қаршисига келди-да, олдини унга бир қараб совуқ кулимсиради. Кейин овқат тўлатилган косага энгашиб тупурди.

- Оббо, ифлос-ей! - тутақиб кетди Обиджон. Лекин шошилмади. Чунки, украин кетишга шошилмас, унинг жавобини кутарди.

Обиджон олдиндагиларни турта-турта столига яқин келди ва украинга тик боқди.

У ҳамон кулимсирашда давом этарди.

- Хўш, жавоб қайтармайсанми? - лаблари асабий тишланган Обиджонга шивирлади у. - Кўрқасанми?

Шу пайт нариги столга келиб ўтирган Гога амаки секин ўрнидан туриб Обиджонга яқинлашди.

- Қўй, бола, - деди у ҳар ер-ҳар ерда елкаларида автоматлар билан маҳбусларни кузатаётган соқчилар томон ўғринча қараб қўйиб. - Қизишма! Ҳозир мавриди эмас. Ана, менинг овқатимни ичавер! Негадир иштаҳа йўқ. Бу барзанги билан кейин ҳисоб-китоб қиласан!

Обиджон қариянинг гапидан тушундики, башарти, қизиққонлик қилиб муштлашишни бошласа, тагин қарцерга олиб кетишади.

Бўшашиб орқага ўгирилди ва қариянинг столи томон юрди.

Шу тобда қайтадан озғин йигитга кўзи тушди. У овқатини емасдан Обиджонга тикилиб турарди.

* * *

Кечки сайр вақтида украин маҳбусларни оралаб Обиджонга яқин борди ва бурнини намоёишкорона енгига қоқди-да, унинг кийимига артмоққа тутинди. Аммо шу орада орқадан Гога амаки келиб қолди-ю, украиннинг билагидан тутди:

- Сен йигит бунақанги жирканч қилиқларингни бошқаларга қил! Бу йигит кимлигини биласанми, ўзи?

- Ким бўларди? “Салага”-да!

- Бекорларни айтибсан! Мана, менинг билагимга бир қара!

Қария билагадаги жимжимадор ёзувни кўрсатди.

- Хўш, сенга ёқдими?

- Ёмон эмас.

- Шу йигитнинг иши. Ишонасанми, мановинисини бир “ит”га ёздирганимда туни билан иситмалаб чиққандим. Буям етмагандай хунук ва кулгули чиққанди ёзуви. Шунинг дастидан у ярамасни бошлаб дўппослаганман. Унитазни ялашга мажбур қилганман. Бу йигит эса ҳақиқий рассом экан.

Гога амакининг гапларини эшитган бошқа маҳбуслар бирма-бир келиб унинг билагадаги ёзувни кўздан кечира бошлашди.

- Сен манови суратни менинг кўкрагимга чиза оласанми? - сўради узун бўйли бир татар йигити Обиджондан.
- Агар қўлингдан келса, тан берардим сенга!

- Чизсам чизаверман, - деди Обиджон суратга бир кўз ташлаб олгач.

- Йўқ, сен суратни олиб қўй, эсингдан чиқиб кетиши мумкин.

- Агар ўхшата олмасам, юзимга тупуриб ташла! - ишонч билан жавоб қилди Обиджон. - Суратингни кўрдим. Энди бошимга урамани?

- Ў, - деб юборишди бошқа маҳбуслар. - Зўрга ўхшайди-ку! Қани, четга ўтайлик!

- Ҳозир мавриди эмас, - деди қария соқчиларга ишора қилиб. - Кеч тушсин, иложини топамиз!

Кечки овқатдан сўнг ҳаммани камера-камераларига киритиб қамашди. Бироқ маҳбусларнинг беш-ўн нафари соқчиларга пича-пичадан узатиб бўлса-да, шовқин кўтармаслик шарти билан хуфиёна тарзда Гога амакининг камерасига йиғилди. Обиджон энг шимариб ишга киришди.

Қарийб бир соатлар ўтгач, сурат тайёр бўлди. Ундаги аёл маҳбуснинг кўксини безаб турарди.

- Йўқ, буни шундай қолдириб бўлмайди! - дея ҳайқирди украин Обиджоннинг елкасига қоқиб. - Ота, агар уни “пахан” билан таништириб қўйсам, нима дейсиз?

- Бунга арзийди йигит, - деди Гога амаки. - Шундай қобилияти борлигини билса, “пахан” ҳам хурсанд бўлади. Балки, унинг ҳам қандайдир буюртмаси бордир?!

- Яхши, мен бугуноқ унга маълум қиламан, - украин кулиб татарнинг кўксидаги қиз суратига боқаркан. - Вей, бу ким ўзи, татарин?

- Буми? - татар йигити ачишиб қўяётган кўксига пуфлаб жавоб қилди. - Севган қизим! Энди у нақ юрагимда яшайди!

Бу гапни эшитган маҳбуслар қотик-қотиб кулишганча камерани тарк этишди.

* * *

Ҳамма чиқиб кетгач, Гога амаки Обиджоннинг ёнига ўтириб елкасига қўлини қўйди.

- Сенга фурсат борида бир гапни айтиб қўймоқчиман, - деди у.

- Қулоғим сизда.

- Тўғриси айтсам, анча қариб қолдим. Энди бу ифлос жойлардан чиқиб кетиш менга насиб этмайдиганга ўхшайди. Шундай экан, манови қоғозни олиб қўй.

- Нима бу? - ҳайрон бўлиб қоғозга кўз югуртирди Обиджон. У ерда Гога деган ёзув ва унинг остида қандайдир манзил ёзилганди.

- Бу менинг қишлоғим, - тушунтирди қария. - Гога эса қўшним ва яқин дўстим эди. Адашмиз. У йигит мафиячилар билан алоқа қилиб туради. Ўзиям жуда бойвачча йигит. Агар шуни қидириб топсанг, сенга ёрдам бериши мумкин.

- Мен қамокда бўлсам, қаердан ҳам қидириб топишим мумкин, - қўл силтади Обиджон.

- Адашяпсан. Украин сенга қойил қолди. У, албатта, “пахан” билан сени таништиради.

- “Пахан” дегани... уям бизга ўхшаган маҳбусми?

Гога амаки оғир тин олди.

- Э, бола, у катта одам. Тўғри, сену менга ўхшаб шу турмада ўтирибди. Аммо йўриғи бошқа. У йигитни узоқдан кўрганман. Фақат яқиндан мулоқот қилмаганман. Ёши қирқларда бор-ов! Очикда юрганида жуда кўпларнинг бошига етган. Пул деганининг саноғи йўқ унда. Қолаверса, милиса дейсанми, суд дейсанми, ҳаммаси билан ош-қатик. Шунинг учун ҳам турмада худди курортдагидек яшайди.

- Нега унда қўйиб юборишмайди? - қизиқсиниб сўради Обиджон. - Шундай хурматли, бой одамни нима сабабан турмада ушлаб туришибди?

- Бунинг сабаби шундаки, сен ва менга ўхшаган маҳбуслар милиса, соқчиларга кўп ҳам қулоқ солишавермайди. Ундан бўлса, ажалдан кўрққандай кўркишади.

- Нимага?

- Уф-ф, ўзингиз жа майдалашдинг-да! Нимага бўларди? Айтдим-ку, “пахан” очикда юрганида жудаям кўп одамни ўлдириб юборган. Турмага ҳам тартиб бўлиши учун, ҳам яна бегуноқ одамларнинг ёстиғи қуримаслиги учун ўтказиб қўйилган. У шу ердаям очикдагидан яхши яшайди.

- Шунчалик кўрқинчли одамми?

- Танишганингизда кўрарсан ўзингиз!

- Бўпти, ота, яхши ётиб туринг!

Обиджон ортиқ савол бериб қариянинг жиғига тегмаслик ниятида қаравотига чўзилиб кўзларини юмди.

* * *

Эртаси куни кечкурун Обиджонни соқчилар ҳамроҳлигида “пахан” ётган камерага олиб боришди. Бу камера ҳам бошқаларидан деярли фарқ қилмасди. Фақат эшик очилиб ичкарига кириб борганида ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Полга гилам тўшалган, чап бурчакда музлаткич, ўнг тарафга катта магнитофон қўйилган. Дарча остида диван, ёнида телефон. Унитаз жойлашган ерга маҳсус парда тутилган. Хуллас, темир эшикни, кичкинагина дарчани ҳисобга олмаганда, одатий хонадан фарқ қилмасди.

Эшик очилган заҳоти диванда китоб ўқиб ётган ўрта бўйли, соқол қўйган, билаклари игнали ёзувларга тўла, кўзлари чакнаб турган, юзларининг икки-уч ерида пичоқ излари қолиб кетган рус йигити секин ўрнидан туриб қаршисидаги Обиджонга совуқ тикилиб қаради.

- Сенми, рассом? - худди шундай совуққонлик билан сўради соқчилар эшикни ёпиб чиқиб кетишгач.

- Ҳа, мен, - тап тортмай жавоб қилди Обиджон.

- Ўтир диванга! - буюрди “пахан”.

Обиджон ўтирди.

- Сенга бир топшириқ бор, - мақсадга ўтди у ковоқларини уйиб. - Бажара оласанми?

- Билмадим, - Обиджон елка қисди. - Олдин топшириқни кўришим керак.

- Сен белимга манови дохийнинг суратини чизасан, - “пахан” диван остидан иккита сурат олиб биттасини Обиджонга тутказди.

- Бўлди, мана, олиб қўйишингиз мумкин, - Обиджон суратни қайтариб бериб тескари қаради.

- Шунақами? - мийигида жилмайган бўлди “пахан”. - Унда бунисини кўр.

Навбатдаги сурат қайсидир черковники эди.

- Бу черков, - тушунтирди у. - Уни кўксимга чизасан.

- Тушунарли.

- Энди манови стол устига қара, - диваннинг бир ёнбошига кичик стол ўрнатилган эди. Устида чет элдан келтирилган игна, спирт, дока ва шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар турарди.

- Булар сенинг ишинг учун, - деди “пахан”. - Фақат огоҳлантириб қўйай, агар нотўғри ёки хунук, ўзига ўхшамаган қилиб чизсанг... ё баданим хаддан ортиқ шишиб азоб берса, мендан яхшилик кутма!

- Биламан.

- Унда бошла ишингни! Ҳунарингни кўрсат!

Обиджон секин ўрнидан туриб чойнакдаги совуқ сувда қўлларини чайди-да, оппоқ сочиққа артиб игнани қўлига олди. Игна махсус куйдирилган экан. У “пахан”ни диванга ётқизиб, ручка билан суратларнинг хомаки нусхасини чиза бошлади...

* * *

Ишни тамомлагач, унинг санъатига қойил қолган “пахан” яхшигина стол тузаб Обиджонга зиёфат берди. Стол устида чет элдан келтирилган товуқ гўшти-ю, арман коньякларигача бор эди.

- Сен булардан тўйгунигча еявер! - кўзгуда кўксидаги, белидаги суратларга тикилиб мамнун жилмайди “пахан”. - Буларнинг ҳаммаси сенинг шарофатингга қўйилган. Маладес, зўр қобилиятинг бор экан. Менга ёқиб қолдинг. Хўш, нима тилагинг бор? Тортинмасдан айтавер!

- Тўғриси, сал нокулай, - деди Обиджон хижолат тортиб.

- Тортинма! Айт тез!

- Мени ҳар куни бир нусха кузатиб юради, - деди Обиджон овозини хийла пасайтириб.

- Ким экан? Нега айнан сени кузатади?

- Бунисини билолмадим. Муштлашсам ёки мени соқчилар кийноққа сола бошлашди, дегунча ўша турган бўлаверади.

- Яхши, бунини аниқлаймиз. Агар ёмон ниятда кузатаётган бўлса, жазолаймиз. Сен энди кўркмасдан, бошингни баланд кўтариб яшайвер! Тез орада озодликка чиқариб юборишим ҳам мумкин. Бу ўзингни қандай тутишингга боғлиқ бўлади.

- Қанийди! - оғир хўрсиниб қўйди Обиджон. - Аслида менга тухмат қилиб қамашди. Мен бу ерларга янгамни кидириб келгандим.

- Бўпти, аниқлаймиз. Сен овқатдан ол! Манови зормандадан ич! Кайф қил, ўғил бола, кайф қил! Айтганча, мановинга қалайсан?

“Пахан” кўрпанинг бир четини кўтариб бир дона папиросга ўралган наша чиқариб Обиджонга узатди.

- Э, йў-ўқ, мен бунақа нарсалар чекмаганман! - деди Обиджон кулимсираб. - Менга тўғри келмайди.

- Майли, зўрлашни ёмон кўраман. Унда коньякдан ич, сал дам олдиради!

Обиджон турмада шундай меҳмондорчиликлар бўлишини кутмаган эканми, тўйгунича еди, ичди.

“Пахан” кузатаётгани унинг қўлига бир кути “Мальборо” сигаретини тутказди ва ордидан эшикни ёпди.

Камера томон негадир биргина соқчи уни олиб борар, бунинг устига у тобора орқада қола бошлаганди.

Тўғрига юриб, ўз камерасига олиб борадиган йўлакка бурилгач, ним қоронғиликда боши аралаш келиб тушган зарба Обиджонни полга қулатди. Йиқилиши билан зарбалар кетма-кет гоҳ бошига, гоҳ белига келиб туша бошлади. Орадан ҳеч қанча ўтмай, уни дўппослаганлар ғойиб бўлишди.

Орқада қолиб кетган соқчи эса югурганича келиб аллақачон ёлғиз қолган беҳуш Обиджонга ёпишди.

- Нима бўлди? Ким урди? Кўзингни очсанг-чи! Нима бўлди ўзи?

Шовқин-суронни эшитган бошқа соқчилар ҳам чопиб келишди. Сув пуркаб ҳам, юзларига шапателиб ҳам ўзига келтира олишмагач, Обиджонни кўтариб қамоқхона шифохонасига олиб кетишди.

Воқеани бир четдан туриб кузатган озғин йигит шу заҳотиёқ ўзига ажратилган алоҳида камерага кирди-да, қўлига рацияни олиб керакли рақамларни терди.

- Алло, қабулдаман! - деган овоз келди рациядан.

Йигит хотиржамлик билан баён қилишга ўтди:

- Объектни қаттиқ калтаклашларини таъминладим. Эндиги навбат госпиталнинг ўзида танланган дориларни бериш-у, уни тинчйтиш қолди. Хотиржам бўлинг, бу иш ҳам узоғи билан уч-тўрт соат ичида амалга оширилади.

Шу пайт камера эшиги очилиб, ичкарига тўрт нафар басавлат маҳбус кириб келди. Эшикни ичкаридан тамбалаб олдилар.

Йигит тезда рацияни ўчириб, орқасига яширди.

- Сизларга нима керак? Нега сўроқсиз кирдингиз? - сўради у ҳеч гап бўлмагандек.

Маҳбусларнинг икки нафари эшик олдида қолиб, қолганлари йигитга яқин боришди.

- Разведкачи! - дея совуқ тиржайди улардан бири. - Шунақами? Тўғри топдикми?

- Сенга нима? - орқага тисланди йигит. Аммо камера тор, узокқа бориб бўлмасди. У деворга суянганича маҳбусларга бир-бир қараб чиқди.

- Сени ким ёллаган? - сўради оқ-сарикдан келган, калбош маҳбус. - Сендан сўраяпман!

- Сенга нима? - такрорлади йигит. - Камерани бўшатиб қўй!

- Шунақами?

Калбош маҳбус кутилмаган ҳаракат билан йигитнинг бўйнига чанг солиб бир зарбада уни тиз чўктирди. Шериги эса куч билан орқасига тепди.

- Биламиз, сен бунақанги қийноқларга ўрганиб кетгансан, - деди маҳбус. - Бироқ бизнинг қийноқни барибир татиб кўрмагансан! Биз қийнай бошласак, ҳам кайф қиласан, ҳам жонинг оғрийди. Қани, Миша, бошла!

Маҳбуслар танлаган қийноқ усули даҳшатнинг ўзи эди. Улар йигитнинг оғзига латта тикиб, овози чиқмайдиган даражага етказишди. Кейин кўз очиб юмгунча камерани қонга тўлдиришди.

Орадан бир соатча шу ўтгач, йигит нафас олишдан тўхтади.

Маҳбуслар эса соқчилар билан келишилганидек, уни қопга жойлаб, яширин йўллар орқали ахлатхона томон олиб кетишди.

* * *

Орадан икки кун ўтди. Обиджон анча ўзига келиб яралари бита бошлаганди. Эрта тонгда палатага "пахан"нинг шахсан ўзи икки шериги билан кириб келди.

Аввалига қаршисидаги Обиджонга бошдан-оёқ разм солиб олгач, мийиғида кулганича каравотга чўкди.

- Хўш, ярамаслар сени майиб-пайиб қилиб қўйишмадимми, ишкилиб? - сўради у Обиджоннинг елкасига қоқиб.

- Майиб қилишмаган кўринади, - деди Обиджон. - Мана, оёқда тура олаяпман-ку!

- Сенга янгилик бор.

- Қанақа янгилик? - Обиджон "пахан"га тикилиб ундан жавоб кута бошлади.

- Орқангдан соядай эргашиб кузатган, қолаверса, манавинақанги аҳволга тушишингни ташкиллаштириб берган ифлосни ўйиндан чиқардик, - деди "пахан" ҳамон кулимсираб. - Кимни назарда тутаётганимни англадингми?

- Демак...

- Энди буёғини эшит, - "пахан" қаршисида қаддини ғоз тутиб турган икки маҳбус шериғига маъноли қараб олди-да, давом этди. - Сен зудлик билан турмани тарк этишинг керак.

- Нима? Қандан қилиб?

- Қандай қилиб бўларди? Бошқалар қандай чиқиб кетишади? Сен ҳам худди шу йўл билан чиқиб кетасан.

- Мен энди узок вақт бу ердан чиқиб кета олмасам керак, - ерга боқди Обиджон. - Бўйнимга яна бир йилми, олти ойми илиб қўйишган.

- Бунисидан хавотир олма. Бугун тунда бир яқин дўстим машинасида мени кўргани келади. Ўша машинага беркитиб қўямиз сени. Озодликка чиқиб олганингдан кейин мен берган манзилга борасан. У ерда сенга бошқа хужжат тайёрлаб қўйган бўлишади. Оласан-у, ана ундан кейин ишларингни охирига етказаверасан.

- Раҳмат сизга, - деди Обиджон "пахан"га мамнун боқиб. - Менга катта яхшилик қиляпсиз. Унутмайман.

- Ҳа-а, унутмасанг бўлгани. Йўл-йўлакай бизнинг ишларниям бажариб берасан, хўпми?

- Хўп.

- Бўпти, тунда одам келади сени олиб кетишга. Тайёргарлигингни кўриб тур. Айтганча, уёққа борганингдан кейин дўстларимдан бири сендан худди меникига ўхшаган суратни елкасига чиздирмоқчи!

- Қўлимдан келганича.

- Хўп, омон бўл!

"Пахан" секин ўрнидан турди-да, чўнтагидан бир конверт чиқариб Обиджонга узатди.

- Бунинг ичида пул ва сен борадиган манзил ёзилган. Пулларни эҳтиёт қилиб ишлат. Тағин қизларга сарфлаб юборма. Қизлар шайтоннинг қули. Кўчанинг қизи сен-у менга ҳеч қачон яхшилик келтирмайди.

* * *

Обиджон турмадан бу қадар осон йўл билан қочиш мумкинлигини етти ухлаб тушида кўрмаган эди.

Қоронғи кечада қандайдир номаълум кимсалар уни деразадан пастга тортиб олишди. Сўнгра айлана йўллар билан кўчага олиб чиқиб, қор-қора "Волга"га яқин олиб бордилар. Машина рўпарасида баланд бўйли, соқол қўйган, эллик ёшлардаги бир грузин уларни тоқатсизлик билан кутиб турарди. Яқин келишлари билан юкхонани очди. Обиджонни ўша ерга ётқизишди ва устига унчалик оғир бўлмаган қоғоз қутиларни териб чиқиб эшигини ёпишди.

Энди шаҳардан ташқарига чиқиб олмагунларича у шу тахлит кетишга мажбур эди.

- Туш, етиб келдинг! - машина қаердадир тўхтагач, грузин юкхона эшигини очиб Обиджонни туртди.

У эҳтиёткорлик билан пастга тушди-да, увишиб кетган оёқларини ерга гурс-гурс уриб атрофни кўздан кечирди.

Улар нотаниш йўлда туришарди. Йўлнинг икки чети дала. Қоронғида нима экилганини ҳам кўра олмади.

Фақат бир нарсани пайқадик, бу ер шаҳардан узоқ. Акс ҳолда машина тўхтамаган бўларди.

- Ҳозир ёнимда ўтириб ўн чақиримча йўл босасан, - уқтирди грузин. - Бир қишлоқ келади. Ўша ерда сенга ҳужжат килиб берадиган одам яшайди.

- Тушундим, - деди Обиджон.

- Унда машинага ўтир! Буёғи энди хавфдан холи. Қўрқма!

Обиджон машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб, хотиржам ҳолда кўзларини юмди.

* * *

Айтилган қишлоқ ўзи яшаб ўтган қишлоқларга ўхшамасди. Уйларнинг деярли барчаси тахтадан омонатгина килиб қурилган, Бухородагига ўхшаб итлар ҳам кўчаларда дайдиб юришмас экан. Ҳаммаёқ сув куйгандек жимжит. Ҳатто, ўткинчилар ҳам "сен кимсан, кимни қидириб юрибсан?" дея тўхтатишмайди.

Обиджон тахтадан ясалган эшикларга ёпиштирилган рақамларни кузата-кузата охири конвертдаги қоғозга битилган "15" рақамини топди.

Эшик яшил рангга бўялган бўлиб, бошқаларникига нисбатан анча бақувват эди. Қолаверса, эшик тепасига кўнғироқ ҳам ўрнатиб қўйишибди.

У иккилана-иккилана кўнғироқ тугмачасини босди. Икки-уч босганидан сўнг ҳовлидаги чироқ ёнди ва кимдир эшик томон юриб кела бошлади.

- Ким у? - эркак кишининг йўғон овози эшитилди ичкаридан.

- Бу - мен. Сизга тайинлашган экан... Турмадан...

- Сенга нима керак? - сўради овоз соҳиби эшикни очишга шошилмай.

- Ҳужжат масаласида юборишганди. Танишларингиз...

- Қанақа ҳужжат?

Шу тобда Обиджон "пахан" тайинлаган сўзларни эслади ва тилига кўчирди.

- Игнали ёзув! Елкангизга!

- Ҳа-а, шунинг олдинроқ айтсанг ўласанми? - шу гапдан кейингина уй эгаси келиб эшикни очди.

Ичкарига кирган Обиджон қаршисидаги паст бўйли, юмалоқ эркакнинг қўлидаги милтиқни кўрди-ю, бироз саросимага тушиб қолди.

Эркак ҳам унинг кўрққанини сизди шекилли, милтиқни пастга туширди ва сўрашиш учун қўл узатди.

- Ваня! Отинг нима?

- Ҳозирча Обиджон.

- Шунақа дегин? Бизнинг "паноҳ"имиз қалай?

Обиджон Ваня амаки "пахан"ни назарда тутаётганини идрок этиб, жавоб қилди.

- Сизга кўпдан-кўп салом айтиб юборди, у киши.

- Саломат бўлсин! Қани, ичкарига кир! Бу ерда узоқ туришнинг хосияти яхши бўлмайди.

Обиджон Ваня амаки кўрсатган хонага кирди.

Хона одмигина таъмирланган, бурчақда катта голланд печкаси. Хона ўртасида стол-стуллар. Стол устида эса бир шиша ароқ ва тузланган помидор солинган коса.

- Ичасанми? - сўради Ваня амаки Обиджондан.

- Йўқ, раҳмат, ичмайман!

- У ҳолда иш битиришинг қийинроқ кечади.

- Нега?

Ваня амаки ялт этиб Обиджонга қаради.

- Чунки, мен ичмайдиганларни жинимдан ёмон кўраман. Мезбоннинг ҳурмати учун ичмайдиганлар ғирт соткин бўлишади.

Обиджон хижолат тортди:

- Сизнинг сўзингизни икки қилиб бўларканми?! Қуйинг!

Икковлари шишадаги ароқни сукут сақлаган ҳолда бўшатишди. Кайфи ошиб қолган Ваня амаки эндигина мулойимлашди.

- Мен ўша сен қочган турмада йигирма беш йил ўтирганман, - дея гап бошлади у. - Лекин бирор марта қочишга уринмаганман.

- Нега? - ҳайрон бўлиб сўради Обиджон.

- Ўша "пахан" деб атаётганинг ярамас одам. Сен ниманиям билардинг? Ментларга сотилган, ўша аблах.

- Бўлиши мумкин эмас, - Обиджон жиддий тортиб Ваня амакига совуқ тикилди. - Мен бундай деб ўйламайман. Сиз нотўғри гапиряпсиз.

- Сен қаердан билардинг? Танишганингга бир ҳафта бўлибди-ю, унинг ёнини оласан-а!

- Албатта, ёнини оламан, - деди Обиджон. - Ўша одам мени турмадан қутқариб, кўзлаган ишларимни давом эттиришимга имкон яратиб берди. Агар ёмон одам бўлганида...

- Баракалла, - Ваня амаки кулиб ўрнидан турди ва Обиджонни бағрига босди. - Сен ажойиб йигит экансан. Тўғриси, ичингдагини билмоқчи эдим. Шунинг учун атайин ёмонлаб гапиргандим. Аслида биз қиёматли ўртоқмиз у билан. Шундай пайтлар бўлганки, турманинг қора нонини бўлишиб еганмиз. Бўпти, энди сенга ёрдам бермасам бўлмайди. Эртага кечкурун йўлга чиқасан. Тўғри Грузияга борасан. Ажаб эмаски, ишларинг ўнгидан келса! Энди юр, ёт, дамингни ол!

* * *

Иш бошланишида хамирдан қил суғургандек бита бошлади. Хужжат тайёр бўлди. Обиджон янги паспортда Берди Раҳмонов дея кўрсатилганди. Бу, албатта, милиционерларни чалғитиш учунгина қилинганди.

Бироқ Грузия чегарасига етганида, навбатдаги "дум" унинг ортидан тушди.

Кенг елкали, бўйи икки метрча келадиган, қора соч, ёши йигирма етти-йигирма саккизлар оралиғидаги бир йигит оқ "Жигули"да нукул Обиджонни таъқиб этди.

Мана, чегарада ҳам рўпарасидан чиқди. Қаердан етиб келди, қандай топди, бу Обиджонга қоронғи. Фақат сездики, ўзини кузатяпти.

“Менга деса, ўлиб кетмайсанми, хаёлан сўзланди Обиджон. Кўрамиз, қаергача илакишиб бораркансан!..”

Машина уни Гога исмли эркакнинг маҳалласигача олиб боргач, ортга қайтди.

Бўёғи анча хавфсиз эди. Негаки, икки ён бағри баланд тоғлар билан ўралган қишлоқ кўчасида уёқдан-буёққа ўтиб бораётган ҳар бир ёш-қари танимаса-да, Обиджонга салом берар, ҳатто баъзилари атайин яқин келиб алоҳида саломлашиб ҳам кетишарди.

“Бизнинг қишлоқ одамларига ўхшаб кетишаркан, ўйлади Обиджон тоғларга, ёнбошида шариллаб оқаётган сойга суқланиб тикиларкан. Сира бегонасирашмайди-я! Аёлларини, қизларини қара! Узун қўйлак, қора рўмолларда юришибди! Саломлашишмаяпти! Бир қараб қўйишяпти-ю, индамай ўтиб кетишяпти!”

Обиджон қишлоқ ўртасига етгач, қоғозда ёзилган манзилдаги дарвозани қидириб топди. Бу ҳовлига ўхшагани қишлоқда йўқ эди. Дарвоза хашаматли, икки қаватлилигига қараганда, Гога дегани жуда бой.

“Албатта, бой бўлади, ўйлади Обиджон. Мафиячи бўлади-ю, бой бўлмайдами? Деворлариниям пишган ғиштдан кўтариб чиқибди. Фақат бир нарса ўйлантиряпти. Қанақанги одам экан, ўша Гогаси? Жаҳлдормикан, ё мулойимми? Қандай кутиб оларкан?”

Ўйлашга, бош қотириб ўтиришга фурсат йўқ эди. Обиджон қишлоқдагиларнинг саломлашиш асносида хайрон қараб ўтишаётганидан хижолат торта бошлаган эди. Дарвоза олдидаги тоқларга, дарвозанинг чап томонида жойлашган ертўлага ва ниҳоят чет эл машинасига бир-бир назар солиб олгач, қўнғирроқ тугмачасини босди.

Орадан икки дақиқача ўтиб дарвоза очилди. Қўлида баҳайбат итни етаклаб олган оқ сочли, ёши деярли турмадаги Гога амакига яқин бир эркак чиқиб Обиджонга савол назари билан боқди.

- Келинг, меҳмон! - дея итни тоқ устунига боғлаб яқин келди у. - Сизга ким керак эди?

Қаршисидаги бошига саватдек қора кепка кийган, белига камар боғлаб, ўнг ёнбошига ҳақиқий ханжар осиб олган эркакка бир муддат қараб қолган Обиджон тезда ўзини қўлга олиб сўрашиш ниятида қўл чўзди.

- Мени Гога амаки юборди! - деди сал қимтиниб.

- Гога? Гога менман-ку! - кулимсираб елка қисди уй эгаси.

- Турмадаги Гога амаки. Адашингиз.

- Ҳа-а, шуни дарҳол айтавермайсанми? - сенлашга ўтди эркак. - Оғайним қалай? Ҳали тетикми ёки мазаси кочдими?

- Тетик, - жавоб қилди Обиджон. - Ҳали-бери ён берадиган эмас.

- Шунақа дегин? Эҳ, биз у билан нималар қилмаганмиз-а! Нима ишлар қилмаганмиз! Хайрият, тетик экан. Ҳақиқий грузин токи ўлмагунича оёқда туриши керак.

- Сизга хат бериб юборганди, - Обиджон чўнтагидаги конвертни олиб Гогага тутқазди.

- Хат бериб юбордимми? Ҳа, айб менда. Анчадан бери ундан хабар ололмадим. Ишларим кўпайиб кетди. Қара-я, гап билан бўлиб уйга таклиф қилишнIAM унутибман. Қани, меҳмон, ичкарига марҳамат қилсинлар!

* * *

Ҳовли жуда кенг ва гўзал эди. Томорқага қадар бетонлаб чиқилган. Томорқа ҳам Обиджонларникидан буткул фарқ қилади. Чамаси йигирма сотихлар келадиган ер фақат узумзордан иборат. Ҳар бири калладай-калладай келадиган қора-қизил узум бошлари кўзни қувнатади.

Ҳовлида эса ўзи тенги бир неча йигит уёқдан-буёққа чопиб, турли юмушларни адо этишарди.

Обиджоннинг кўзи хоналардан бирига кириб кетаётган узун бўйли қизга тушиб такқа тўхтади. Қиз ҳам кўчадагилар каби қора, узун қўйлакка ўралган, бошида ҳам қора рўмол ўралганди.

Унинг хаёлини уй эгаси бўлиб юборди.

- Манови ерга кел, меҳмон! - деди Гога бассейннинг рўпарасига ишора қилиб.

Обиджон кўрсатилган ерга бориб турди.

- Ваню! - бақирди Гога омбор томонга қараб.

Шу заҳоти ичкаридан бошига Гоганики сингари саватдек кепка қўндириб олган бир грузин йигити чиқиб келиб салом берди.

- Таниш, бу дўстимнинг олдидан келибди! - деди Гога. - Ваноменинг хизматчи йигитларимдан. Қиличбозликни қотириб қўяди!

Обиджон йигит билан саломлашиб, Гогага юзланди.

- Бизда меҳмон келса, албатта, оёғи остига қўй сўйилади, - тушунтирган бўлди Гога. - Шунинг учун мана шу ердан қимирламай турасан. Қани, Ваномени, бор, қўйларнинг зўрини олиб кел!

Ҳай-паш дегунча қўй келтирилди.

Бу ернинг қўйлари Ўзбекистондагилардан сал фарқланаркан. Думли қўйлар!

Оёқ-қўллари маҳкам боғланиб ерга - Обиджоннинг оёқлари остига ётқизилгач, Гоганинг ўзи Ваномени келтирган қилич билан қўйнинг бошини кесди.

Шундан кейингина Обиджонни полига қип-қизил чўғдек гиламлар тўшалган хонага таклиф этишди.

* * *

Уч-тўрт йигит дарҳол столга майда-чуйда егулик келтириб қўйди. Хотини шекилли, қип-қизил қўйлақ, бошини рўмол билан танғиб олган ўрта яшар бир аёл патнисда юпқа, катта-катта нонларни келтириб ийманибгина саломлашди-да, хонадан чиқиб кетди.

- Бу бизнинг нонимиз, - қўлига патнисдаги нонлардан бирини олиб Обиджонга кўз-кўз қилди Гога. - Лаваш! Жуда мазали. Бироқ ҳали ҳаммаси олдинда. Ҳозир сенга қандай грузинча кабоб қилишни кўрсатаман.

У йигитлар тоғорада келтирган қўй гўштини пичоқ билан катта-катта қилиб тўғрагач, стол устидаги хумни қўлига олди.

- Қара, - деди кулимсираб, - мана бу грузинча вино. Зўридан. Бундай винони фақат меҳмон келгандагина қўйишади бизда. Ҳозир шу винодан гўшт устига қуямиз. Ундан сўнг пиёз, қўкатлар тўғраб, ҳаммасини аралаштираемиз. Мана бундай қилиб... - Гога иштиёқ билан вино ичида қолган гўшлар устига бир дунё пиёз, турли қўкатлардан тўғради ва қўллари билан узоқ вақт эзгилаб аралаштирди. Сўнгра устига тахтача ёпиб, устидан тош бостириб қўйди. - Камида ярим тунгача шу ҳолда туриши лозим. Ундан сўнг кабоб қилсак, ҳил-ҳил бўлиб пишади. Оғзингда эриб кетади. Э, сен бунақа кабобни емагансан. Ё, ўзбеклардаям шунақасидан тайёрлашадими?

- Нега вино билан аралаштирдингиз? - қизиқсиниб сўради Обиджон.

- Гўшт юмшайди. Тўғри, сирка қўйсам ҳам бўларди. Аммо винога тўйинган гўштнинг кабоби бошқача бўлади. Қани, энди манови шохдаги винони қўлингга ол!

- Й-йўқ, мен ичмайман!

- Хафа бўламан-а! Шунча жойдан келасан-у, ичмайсанми? Биз - грузинларда шундай одат бор. Агар меҳмон ичишдан бош тортса, демак, уй эгасини хурмат қилмас экан, деб ҳисоблашади. Нима, сен мени хурмат қилмайсанми?

- Йўғ-э, бу нима деганингиз? - Обиджон хижолат тортиб Гоганинг қўлидаги вино тўлдирилган шохни олди.

- Қани, кўтар, йигит! - деди Гога ўзининг қўлидаги шохни кўрсатиб. - Кўрдингми, сени аяб ўзимга каттароқ шохни олдим! Фақат охиригача оласан. Қолдирсанг, жаримасига яна тўлдириб бераман.

Обиджон кўзларини чирт юмди-да, шохни кўтарди.

Шу қадар ширин ва мазали эдики, бу ичимликнинг винолигига ҳам ишониб бўлмасди. Обиджон шохдаги ичимликни охиригача ичиб Гога ўргатганидек шохни тўнкариб қўйди.

* * *

Тунда Гоганинг дўстлари ҳам меҳмон шарафига ташриф буюришди. Улар узоқ вақт вино ичиб қўлбола кабобдан тановул қилиб ўтирдилар. Сўнгра биргалашиб грузинча қўшиқ қуйлашди. Кайфи ошиб қолган Обиджон бу тилни тушунмагани сабаб хайрон тикилиб ўтирар, қўшиқ оҳанги қишлоғини, онасини эслатгандек бўлиб ўпкаси тўлиб борарди...

Вино Гога айтганидан ҳам кучли экан. Обиджон тушга яқин базўр бошини кўтариб ҳовлига чиқди.

Негадир Гога кўринмасди. Хизматчи йигитларгина ҳовлида айланиб юришарди.

Обиджон келтирилган нонуштадан тотинган бўлиб ҳеч кимга сўз демасдан кўчага чиқди. Бирор нарса сўрашнинг фойдаси ҳам йўқ эди. Йигитлар барибир рус тилида яхши гапира олмасликларини пайқаган эди.

Шу пайт катта кўчадан ўтиб кетаётган ўн саккиз ёшлар орасидаги грузин қизига кўзи тушиб қолди. Қиз ҳам унинг қараётганини сездими, қўлидаги сув тўлдирилган хумчани ерга қўйиб қаддини ростлади.

Сочлари узун, бошидаги рўмоли ҳам, эгнидаги яшил ранг узун қўйлақ ҳам ўзига ярашиб, хуснига ўн чандон хусн қўшган. Обиджон уёқ-буёққа ўғринча қараб олди-да, айтарли ҳеч ким келмаётганига амин бўлгач, қизга яқин борди.

- Рус тилини биласизми? - секин сўради қиздан.

- Бўлмасам-чи? - майин жилмайиб жавоб қилди қиз.

- Отингиз нима?

- Тамара, - деди қиз ерга боқиб.

- Ў, зўр исм экан! Биз томонлардаям бор шундай исмлар. Аммо сизга ўхшаган гўзал қизни кўрмаганман!

- Наҳотки? - бошини кўтарди қиз. - Алдаяпсиз. Чиройли қизлар ҳамма ерда бор.

- Йўқ, сиздақаси бўлмаса керак, - қалби эҳтиросга тўлиб бораётган Обиджон қизга янада яқинроқ бориб беихтиёр билагидан ушлади.

- Вой, бу нима қилганингиз? - қиз сесканиб ўзини нари тортди ва қўлига хумни олди. - Уятсиз экансиз!

- Й-йўқ... Мен...

Обиджон гапиришга, ўзини оқлашга улгурмади. Қиз аллақачон уйи томон кетиб борарди.

Бир маҳал эндигина Гоганинг уйи томон бурилган эдики, икки уй наридаги очик дарвозадан тахминан ўн икки-ўн уч яшар бир болакай чиқиб келиб Обиджоннинг қаршисида тўхтади. Унинг кўзлари чақнар, лаблари учиб-учиб кўярди.

- Нима қилиб кўйдинг? - рус тилида сўз қотди болакай овозини ҳийла пасайтириб.

- Нима қилибман?..

- Ҳозиргина ўзим кўрдим. Сен қиз бола билан гаплашдинг.

- Нима бўпти? - елка қисди Обиджон.

- Энди ўша қизга уйланишинг керак.

- Нима? Нега энди?

- Чунки, сен у билан гаплашиб кўйдинг! Бизда ким қиз бола билан гаплашса, ўшанга уйланиши шарт.

- Мен ҳали ваъдалашиб ҳам улгурмаган бўлсам, қандай қилиб уйланаман?

- Агар уйланмасанг, у қизнинг қариндошлари сени ўлдириб юборишади.

- Нима?!.

Гапини айтиб шартга орқасига бурилганича югуриб кетган боланинг ортидан қичқирди Обиджон:

- Нега ўлдиришади? Мен, ахир, ёмон иш қилмадим-ку!

Барибир юрагини ваҳима босгани аниқ эди. У армияда пайтида грузинларнинг ўч олишга қанчалар интиқ халқ эканини кўрган. Аммо бу одатни қаердан билсин? Худо кўрсатмасин, ўлдириб юборишса нима бўлади? Ҳали олдинда қанча ишлар турибди. Йўқ, тезроқ бу ерлардан кетмаса бўлмайди! Шошилиши керак!

Обиджон тез-тез юриб ҳовлига кирди-да, ўзига ажратилган хона томон йўл олди.

* * *

Обиджон пешингача кўрпага ўраниб қимирламай ётди. Тик этган ҳар бир товуш уни ҳушёр торттирар, хаёлида гўё Тамаранинг қариндошлари кириб келиб жанжал кўтарадигандек туюлаверарди.

Йўқ, ҳеч ким келмади. Ҳовлида Гоганинг кимгадир бақиргани қулоғига чалинган Обиджон айнан шу одамдан паноҳ қидиргандек секин ўрнидан туриб ҳовлига чиқди.

Гоганинг ёнида тўрт нафар барваста йигит қўл қовуштирганича турарди.

Уй эгаси эшик очилиб, Обиджон чиққанини кўрди. Бироқ негадир кимнидир грузинчалаб сўкишда давом этди.

- Қизиқ, - ўйлади Обиджон ҳеч гап бўлмагандек у томон юриб бораркан. - Нима бўлди бу одамга? Сўрашгисиям келмаяпти. Ёки мен бирор нотўғри гап гапирганмидим кеча?

- Сен бола, қайси қиз билан гаплашдинг? - дўқ аралаш сўради Гога, Обиджон яқин келиб йигитлар билан сўрашгач.

Бу саволни эшитган Обиджоннинг ранги оқариб миясида оғриқ турди.

- Мен одатларингни қаердан билибман? - деди ниҳоят совуққонлик билан. - Биз тарафларда қизлар билан бемалол гаплашилаверарди.

- У сен томонда! - деди Гога жаҳл билан. - Келиб-келиб менинг жияним билан гаплашибсан. Эҳ!.. бўлар иш бўпти! Майли, энди унга уйланасан, тамом!

- Қ-қандай қилиб? - ортга тисланди Обиджон.

- Кўркма, сен, йигит, менгаям ёқиб тушгандинг ўзи! Ўзим тўйларингнинг бошида тураман!

Обиджон унга жавобан ҳеч нима демади.

Гога йигитларга нималарнидир ўз тилида уқтирганича ташқарига чиқиб кетаркан, ўзининг келгусида мана шу тўпори грузинлар орасида яшадини ҳис этиб ич-ичи музлаб, қизга бир оғиз мактов сўзлари айтганидан минг пушаймонлар чекарди.

* * *

Тун чўқди. Гога ҳали уйга қайтмаган, Обиджонга унинг хизматчи йигитлари мулозамат кўрсатишда давом этишарди.

Шу пайт хонаси эшиги секин очилиб остонада кундузи ўзини грузин одатларидан огоҳ этган болакай пайдо бўлди.

Обиджон юраги ғаш тортиб ўрнидан турди.

- Буни сизга Тамара опам бериб юборди, - дея Обиджоннинг қўлига конверт тутқазди болакай.

- Буни нима қиларканман?

- Ие, - кулимсиради бола. - Хат ёзган сизга. Ўқиб кўрасиз-да!

- Сен бола жа "шустрий"га ўхшаб қолдинг-ку-а? - деди Обиджон боланинг қўлидан мактубни қабул қилиб оларкан.

- Нима бўпти? Келажакда поччамиз бўласиз. Хизмат қилсам қилибман-да!

Болакай пиқиллаб кулганича ўзини ташқарига урди.

* * *

“Нотаниш йигит. Ҳозир сизга бу мактубни уй қамоғида ўтириб ёзяман. Бизда одат шунақа. Башарти, қиз бола бегона йигит билан гаплашса, уни уйидагилар қамаб қўйишади. Қиз то тўй куни белгиланмагунича ташқарига чиқарилмайди. Тоғам айтибдилар. Сиз рози бўлибсиз тўйимизга. Сизгандим. Билгандим. Кўринишингиздан жуда мард йигитга ўхшагандингиз. Менга шу жихатларингиз ёқиб тушганди. Ишонинг, Тамара сизга ҳеч қачон хиёнат қилмайди. У сизни бир умр ардоқлаб яшайди. Фақат фикрингиздан қайтиб қўйманг! Чунки, сизни акаларим, тоғаларим бекорга қурбон қилиб юборишларини истамайман. Жавобингизни интизор бўлиб кутиб қолувчи Тамара”.

* * *

Обиджон хатни ўқиб тош қотиб қолди. Нима қилади энди? Булар ўзларича ҳаммасини ҳал қилиб қўйган бўлишса! Ҳатто, унинг ўзидан бир оғиз сўраб ҳам ўтиришмабди. Нега? Ахир, тақдири ўзининг қўлида бўлиши керак эмасми? Қолаверса, бир-икки кун аввал таниб турган йигитни қандай қилиб куёвликка муносиб кўришди? Қиз-чи? Атиги бир марта кўрди, нари борса беш дақиқа гаплашиб турди. Буларда калб борми ўзи, йўқми? Ўзи нима учун ўша қизга ялтоқланди, тавба?!

Йўқ, бундай бўлмайди. Ҳали тоғасининг ўлими сирларини аниқлаши керак. Шу мақсадда уйдан чиққан. Уйланиб қишлоғига кириб борса, одамлар нима дейди? Устидан қулишмайдими? Онаси-чи? Бечора онаси шундоқ ҳам яқинларининг қўйида қуйиб адо бўлаёзган. Тўйсиз-нетсиз ҳовлисига кириб борган ажнабий келинга кўзи тушса, қай аҳволга тушади?

- Бу ердан қочиб кетмасам бўлмайди, - деди ўзига-ўзи Обиджон. - Ёрдам бермаса бермасин. Бир амаллаб қочиб олсам бас. Худо бир йўлга бошлар!

Обиджон шошилишч қочиш режасини туза бошлади.

* * *

Гога ўз юмушлари билан бўлса керак, қаергадир жўнаб кетган, кетишидан олдин ўз хизматчиларига Обиджондан хабардор бўлиб туришни қаттиқ тайинлаганди.

Мана, ниҳоят қишлоққа яна тун чўқиб, кўчада юргувчиларнинг қадамлари тинди. Гоганинг ҳовлисида ҳам аҳён-аҳёнда кимлардир кириб-чикиб қўяр, узун-қиска суҳбатлар бирпас эшитилиб турарди-ю, тагин жимлик ҳукм сура бошларди.

Обиджон гўё хожатхонага чиқмоқчи бўлган каби бемалол, кериша-кериша томорқа томонга юрди.

Бундан бўлак иложи ҳам йўқ. Дарвоза орқали кўчага чиқса, кетидан тушишлари аниқ. Чунки, Гога аҳмоқ эмас. Ўз юртида ҳар қалай ҳукмронлардек ҳурмат-иззати бор.

“Агар шу балодан ҳам қутула олсам, уйга қайтиб кетаман, ўйлади Обиджон узумзорлар оралаб кетиб бораркан. Бу ишлар менинг қўлимдан келмайдиганга ўхшайди. Нима қиламан, ўзимга ортиқча бало орттириб?! Ундан кўра, ўз уйимда, ўз қишлоғимда маза қилиб яшаганим яхши эмасми?”

Узумзорлар тугаб, кичик ариқдан ўтилса, у ёғи кенг яшил майдон экан.

Обиджон таваккал майдонни ёқалаб сувоқар тарафга кета бошлади. Адашмабди. Пича юрилса, қўшнининг узумзори, уни айланиб ўтилса, қишлоқ кўчасига чиқса бўларкан.

- Худо асрагани рост бўлсин! - шивирлади Обиджон. - Жиннига ўхшаб қиз болагаям гап сотаманми, бўлмаса?! Не юмуш билан келдим-у, нимага эришдим? Одатларинггаям...

У қоронғи кўчага чиқиб олгач, қадамини тезлатди.

Шу тобда орқадан қандайдир машина катта тезликда кела бошлади. Обиджон нима қилишни билмасди. Қочай деса, шунчаки ўткинчилар бўлиши мумкин. Ё устидан қулишади, ё хавфсираб қувлашга тушишади. Қочмай деса, юраги ҳаприқиб кетяпти.

У секинроқ юриб, худди кўчада сайр қилиб юрган кимса каби олдинга кетаверди.

Машина эса рўпарасига етганда қаттиқ тормоз берди.

Обиджон шошиб машина томон ўгирилди.

Машинанинг олд ва орқа эшиклари очилиб, ичкаридан тўрт нафар барваста-барваста йигит тушди.

Барчасининг юзига қора ниқоб тортилган.

Улар ҳайрон боқиб турган Обиджонга яқин келиб, ўраб олишди.

- Сизларга нима керак? - сўради сал ўзини қўлга олиб Обиджон.

Йигитлар жавоб беришга шошилишмасди. Бир муддат уни бошдан-оёқ кузатиб туришгач, ўртада тургани юзидаги ниқобни олиб ташлади.

Обиджон не кўз билан кўрсинки, қишлоққа жўнаб кетаётган маҳал орқасидан тушган йигит қаршисида кулимсираб турарди.

- Ниҳоят, кўришдик! - деди йигит. - Жуда усталик билан қочаркансан-а?

- Сен ким бўлибсанки, қочсам? - бўш келмади Обиджон. - Мен ўз ишларим билан юрибман! Йўлимни тўсма, шошиб турибман.

- Бизлар ҳам шошиб турибмиз. Атайин сени олиб кетиш учун шу ёқларга олишдан келганмиз. Нима, биз сенга ўйинчоқмидик? Қани, машинага ўтир! Ё ўзимиз ўтказиб қўяйликми?

- Сенларга нима керак ўзи? - саволини такрорлади Обиджон. - Кимсанлар? Нега менинг ортимдан қувлайсан?
- Кимлигимизни тегишли жойга боргандан сўнг айтамыз. Ҳозир буйрукни бажар! Ё қўрқяпсанми?
- Мен-а? Келиб-келиб сенлардан қўрқаманми?
- Унда ўтир, машинага!

Обиджон индамай машинага чиқиб ўтирди. Икки ёнбошига икки йигит, олдинга ниқоб ечгани жойлашишди. Машина жойидан қўзғалди.

Обиджон индамай кетиб борар, олдинда ўзини нималар кутаётгани билан қизикмас, энг асосийси, грузинлар таъкибидан осон қутулгани унга таскин берарди.

Ярим соатлар чамаси йўл юрилгач, ҳайдовчи машинани бирдан тўхтатди. Обиджонни маҳкам қўлтиғидан тутиб ўтирган икки йигит оғир хўрсиниб икки қўлларини баланд кўтарганича керишиб олишди.

- Туш машинадан! - буюрди ҳайдовчи Обиджонга.

Йигитлар унинг тушишига "ёрдамлашиб" юборишди.

Ҳаммаёқ зим-зиё, фақат баланд тоғ чўққиларигина кўзга ташланар, ҳаво жуда салқин эди.

Шу тобда орқадан кимдир Обиджоннинг бўйни аралаш мушт туширди. У қутилмаган оғриқ зарбидан ерга энгашиб бир жойда айлана бошлади.

- Оғридими? - кулди йигитлардан бири. - Оғридими, деб сўраяпман!

- Сениям кимдир туширганида билардинг, - деди Обиджон ҳамон бўш келмай.

- Вей, намунча керилмасанг? - икки йигит уни даст ўрнидан турғазди. Улардан бири иягидан тутиб маҳкам қисиб олди. - Кимсан ўзинг? Нега бировларнинг ишига бурнингни суқиб юрибсан?

- Мен ҳеч кимнинг ишига бурнимни суққаним йўқ.

- Унда Кавказда нима қилиб юрибсан?

- Танишларимникига келгандим.

- Менга қара, сен бизни гўл деб ўйлаётган бўлсанг, хато қиласан. Биз сени қанча вақтдан бери кузатиб юрибмиз. Турмада бўлганингиям, қаерларга кириб, кимлар билан хуфиёна гаплашганларингиям биламиз.

- Нима бўпти? Билсанг билавер!

- Ҳозир сени... Агар қўйиб беришганида, ўз қўлларим билан бўғизлаб қўя қоладим, - тишларини ғижирлатди ҳайдовчи. - Афсуски, ҳақким йўқ-да! Йигитлар, буни яхшилаб "меҳмон" қилинглар! Ундан кейин айтилган жойга ташлаймиз-у, уй-уйимизга кетамиз. Тўғриси, роса чарчаганман! Бошланглар!

Йигитлар буйрукни адо этишга астойдил киришиб кетишди. Обиджон гоҳ бели, гоҳ бош қисмига ҳар тарафдан келаётган зарбаларни қабул қилиб олар, алам қиладигани, йигитлар жавоб қайтаришга сира йўл беришмасди.

Беш-ўн дақиқа калтаклаш давом эттирилгач, Обиджон орқа миясига келиб тушган сўнгги мушт туфайли ҳушидан кетди. Шундан кейингина улар уришдан тўхтаб, Обиджонни судраклаганича машинага ортишди.

* * *

- Ў-ҳў, роса бошлашибди-ку!

Обиджон кимнингдир дўриллаган овозини эшитиб кўзларини очди. У қандайдир торгина хонага ўрнатилган темир каравотда чўзилиб ётар, тепасида сочлари оппоқ, олтмиш ёшларга борган бир эркак жилмайиб турарди.

- Хайрият, ўзингга келдинг, йигит! - деди эркак Обиджон кўзларини очгач. - Ҳеч қаеринг оғримаяптими?

- Қаердаман ўзи? - сўради Обиджон хонани кўздан кечириб. - Сиз кимсиз?

- Менми? - кулди эркак. - Валерий Ивановичман! Сени бу ерга мен олиб келдим.

- Нега?

- Чунки, сен бизга кераксан. Хўш, ҳозирги аҳволингда саволларимга жавоб қайтара оласанми?

- Қайтараяпман-ку! - деди Обиджон шивирлаб. - Ўлиб қолмасам, қайтаравераман.

- Баракалла. Хўш, нега Ўзбекистондай жойлардан бу ёққа келиб қаёқдаги бўлар-бўлмас ишларга илакишиб юрибсан?

- Сиз аввал кимлигингизни айтинг. Ундан кейин жавоб бераман.

- Шунақами?

Валерий Иванович бирпас ўйланиб тургач, қўл силтади.

- Майли, айтсам айтай. Мен жосуслар ташкилоти раҳбари генерал Михайловман. Бўлдими? Жосуслар - турли хавфли жинойтларни очишда давлатга ёрдам берадиган одамлар. Улар кўмагида ўта хавфли, ҳайвондан баттар тусга кириб қолган жинойтчиларни тутишади.

- Тушунарли, - деди Обиджон.

- Хўш, энди бояги саволимга жавоб бер.

- Мен тоғамнинг қотилларини кидириб келганман, - жавоб беришга киришди Обиджон.

- Тоғанг ким? - сўради генерал.

- Мадали... Мадали Марайим ўғли.

- Ҳм-м...

Генерал бош қашиб хонанинг уёғидан-буёғига юриб ўзича нималарнидир мулоҳаза қилган бўлди-да, Обиджоннинг тепасига қайтди.

- Мен танийман тоғангни.

- Нима?

- Тоғанг бизнинг жосуслар мактабимизда таҳсил олган ва кўплаб жиноятларни фош этишда иштирок этган.

- Нималар деяпсиз? Тоғам... жосусмиди?

- Албатта. Сен у билан фахрланишинг керак.

- Унда нега ўлди, деб эълон қилишди? Нега темир тобут ичига темир солиб бизни алдашди? Кимнинг иши бу? Нега тирик одамни ўлдига чиқаришади?

- Сен ҳали кўп нарсаларни билмайсан. Қўй, ортиқча саволлар бериб бошимни қотирма. Ундан кўра, менга яхшилаб кулоқ сол. Сени кўп вақтдан бери бизнинг йигитлар кузатиб юришди. Қанчалар пишиқ-пухта, чайир ва оғзи маҳкамлигингни намойиш этдинг. Қисқаси, сен бизга ёқиб қолдинг. Айт-чи, ташкилотимизда ишлашни хоҳлармидинг?

- Сизларга-я? Қандай қилиб?

- Бу жуда оддий. Сени рўйхатга оламиз. Ўша кундан бошлаб бизнинг вакил ҳисобланасан. Ўзинг танимаган, умрингда кўрмаган одамлар орқали топшириқ олиб турасан ва бажарган ишинг ҳақида махсус код орқали бизга хабар бериб борасан. Эвазига катта миқдорда маош ҳам оласан.

- Билмадим, - деди Обиджон бошини чангаллаб. - Ўйлаб кўришим керак.

- Йигит, сен агар тоғанг билан ростдан ҳам фахрлансанг, у охирига етказа олмаган ишларни давом эттиришинг керак.

- Нима, сиз тоғамнинг ўлганидан хабардормисиз? Айтинг, уни ким ўлдирган?

- Ўзингни бос! - Обиджоннинг елкасига қўлини қўйди генерал. - Уни ҳеч ким ўлдиргани йўқ. Нимаям қилардик, касали тузалмайдиган хилидан экан. Шу касал олиб кетди, бечорани.

- Нега давлатга хизмат қилса-ю, уни даволашмади?

- Агар ўзи вақтида бориб кўрсатса, албатта, даволашарди. Касаллик кучайиб кетгунича хотиржам юраверган. Одам соғлиғига нисбатан хушёрроқ ҳам бўлиши керак-да, ахир! Хўш, давом эттирасанми тоғангнинг ишларини?

- Ўйлаб кўришим керак, - жавобни такрорлади Обиджон.

- Бир ой муддат етадимми?

- Ҳа, етади.

- Яхши, мана сенга пул, ўзингга шу яқин орадан ижарага квартира топ. Биз билан шартнома тузганиндан сўнг ўзимиз сени тегишли жойга жойлаштирамиз. Пул бир ой мустақил яшаб туришингга етади.

Обиджон истамайгина пулларни олди-да, чўнтагига солди.

* * *

Бир ой вақт ҳам ҳаш-паш дегунча ўтиб кетди. Бу орада Обиджон кўп бора онасига хат ёзиб почта қутиларига ташлади. Аммо жавобдан дарак бўлмасди.

Алоқа бўлимларига бориб суриштирди ҳам. Улар эса бундай хат қўлларига тушмаганини айтиб ҳар гал елка қисишарди.

Обиджон бир-икки маротаба юртига қайтиб кетмоққа шайланди. Афсуски, на самолётга, на поездга чипта ола билди. Унга кимлардир яширинча халал беришармиди, эндигина касса рўпарасига келганида тешиқчаларни ёпиб қизлар қаергадир ғойиб бўлишарди.

Уйини соғинган, онаси ҳар кеча тушига кириб юрагини ўртаб юборган йигит дод солиб кассадагиларга бақиргиси, аламдан чиққунича уларни бўралаб сўққиси келарди. Бунга ҳам йўл йўқ эди. Чунки, беш дақиқа туриб қолди дегунча, вокзал ёхуд аэропорт ходимлари кийимидагилар яқин келиб уни ташқарига чиқишга мажбур этишарди.

Охири бўлмади. Ўйлай-ўйлай, Обиджон вакил бўлиб ишга жойлашишга ва шу йўл билан тоғаси Мадалининг ишларини давом эттиришга аҳд қилди. Сўнгги кунни ҳам одатига кўра ёлғиз, хаёл суриш билан ўтказгач, генерал қоғозга ёзиб берган манзил томон йўл олди.

Бу жой кўринишидан жосуслик ташкилотига сира ўхшамасди. Бир қаватли кўримсиз бино. Эшикларининг бўёқлари кўчиб, абгор ҳолатга келиб қолган.

Обиджон ҳеч ким йўқлигидан ҳайрон бўлиб ичкарига қадам қўйди. Йўлакдаги пол ҳам илма-тешиқ экан. Хушёрлик билан бутун жойларини босганича йўлак охиригача борди. Барча хоналарга кулф осилган. Биргина хонанинг эшиги очик эди.

Секин хонага мўралади. Дераза остига каравот қўйилган, каравотда ўрта яшар бир эркак ётган ерида бурқситиб сигарет чекарди. Обиджоннинг мўралагинини сездими, даст ўрнидан туриб сигаретини дераза орқали ташқарига ирғитди.

- Сенми, Обиджон? - сўради у ковоғини уйиб.

- Ҳ-ҳа, мен, - деди Обиджон елка қисиб. - Лекин...

- Лекин-пекини йўқ. Сен билан мен гаплашаман. Ичкарига кириб каравотга ўтир!
Обиджон итоаткорлик билан хонага кирди ва кўрсатилган жойга чўкди.
- Хўш, ўйлаб кўрдингми? - сўради эркак ҳамон совуқ оҳангда.
- Ҳа, ўйлаб кўрдим.
- Қандай қарорга келдинг?
- Розиман.
- Жуда яхши. У ҳолда биз сен билан шартнома тузамиз. Мана бу қоғоз билан яхшилаб танишиб чиққин-у, имзо чек!

Обиджон эркак тутқазган қоғозга кўз югуртирди. У ерда агент бажариши ва бўйнига олиши лозим бўлган барча шартлар кўрсатиб ўтилганди.

Секин дераза тоқчасидаги ручкани кўлига олди-да, имзо чекиб эркакка узатди.

- Жуда соз, - ниҳоят кулимсиради эркак. - Энди яхшилаб эшит. Сен бугундан эътиборан Обид эмассан. Мана, паспортинг. Сен энди Сарсенбой Қозоқбоевсан. Агар аслида ким эканинингни сездириб қўйсанг, биз сени қутқариб олиш мажбуриятини олмаймиз. Қандай оғир кунга тушсанг, ўзинг вазиятдан чиқиб кетишинг керак. Бизнинг ташкилот, ташкилот раҳбарлари ҳақида ҳеч кимга оғиз очмайсан. Акс ҳолда давлатга хиёнат қилганликда айбланиб қамаласан. Ёки сирли равишда ўлиб кетасан. Ўлигингни ҳеч ким топа олмайди.

- Менга қандайдир енгиликлар ҳам борми? - сўради Обиджон.

- Биз сенга иш берамиз ва ишинг эвазига маош тўлаймиз. Бу маошни ҳозирги кунда оддий одам, ҳатто тушидаям кўрмайди. Тушунарлими?

- Тушунарли.

- Эртага сенга биринчи топшириқ берилади. Сен марказий банкка боғбон бўлиб ишга жойлашасан. Буниям ўз кучинг билан эплайсан. Қўлингга махсус ёзув ускунаси берилади. Вазифанг - банк корчалонларининг жинойатларини очиш ва бизнинг код рақамимизга махсус алоқа қутичаси орқали етказишдан иборат бўлади.

- Яхши, - деди Обиджон.

- Билиб қўй, ҳар қадамнинг бизнинг йигитлар назоратида бўлади. Милиционерлар тўхтатган маҳаллар ҳеч қачон ортиқча гапларни гапирма. Қўлингдаги паспортдан бўлагини ошкор этма.

- Айтганингиздай қиламан, - Обиджон беихтиёр эркакка тикилиб қаради. - Кечирасиз. Сиз Мадали Марайим ўғлини танийсизми?

- Йўқ, танайман, - жавоб берди эркак совуққонлик билан. - Танишним истайман.

- Майли, мен кетдим.

- Омадингни берсин! Мен берган конверт ичида қайси манзилдаги квартирага жойлашинг кўрсатилган. Пулларнинг орасида турибди. Ўша ерда яшайсан, бугундан бошлаб.

Обиджон кўлидаги янги паспортга, шу билан бирга эркак тутқазган конвертдаги пулларга бир-бир қизиксиниб қараб олди-да, чўнтагига жойлаб ташқарига йўл олди.

* * *

Эртаси куниёқ Обиджон марказий банк дарвозаси ёнига етиб борди. Ҳамма у ёқдан, бу ёққа кириб чиқар, Обиджон ишни нимадан бошлашни, кимга мурожаат қилишни билмасди.

Охири таваккал милиционерлардан бирига яқин борди.

- Сизга ким керак? - мулойимлик билан сўради милиционер ундан.

- Мен... Ишга кирмоқчийдим, - деди Обиджон.

- Қанақа ишга?

- Боғбонликка одам керак экан, деб эшитгандим.

- Ҳа-а, боғбонликками? Ҳозир...

Милиционер телефон орқали кимларгадир кўнғироқ қилиб гаплашгач, Обиджонни ичкарига етаклади.

- Ҳов анови яшил бино ичига кирсангиз, биринчи қаватда кадрлар бўлими бор, - деди у ичкаридаги икки қаватли бинога ишора қилиб. - Бемалол кириб қизларга мақсадингизни айтаверасиз.

- Раҳмат сизга! - Обиджон мамнун бўлиб ичкарига кирди-да, яшил бино томон йўл олди.

* * *

Эрта тонг эди. Обиджон биринчи иш куни бўлганлиги сабабми, эрта туриб нонушта қилди ва кийина бошлади. Шу пайт кутилмаганда эшик кўнғироғи чалинди.

У ҳайрати ошиб секин бориб эшикни очди. Не кўз билан кўрсинки, қаршисида ўзига пуллар ва конверт бериб, шартнома тузган эркак тиржайиб турарди.

- Сизмидингиз? - кулди Обиджон. - Қани, ичкарига марҳамат!

- Сарсенбой, қалайсан энди? - елкасига қоқди эркак. - Ишга жойлашибсан, табриклайман!

- Раҳмат.

- Энди гап бундай, - эркак йўлакда турган кўйи чўнтагидан қандайдир қора, тўртбурчак қутича чиқариб Обиджонга узатди. - Мановини олиб қўй. Ичида ускуна ва микрофон бор. Сен эртагаёқ микрофонни бошлиқнинг кабинетига ўрнатиб қўйишинг ва эшитиш мосламасини қулоғингга тутиб, барча суҳбатларидан воқиф бўлишинг талаб этилади. Хавотир олма. Агар микрофонни усталик билан столи остига ёпиштириб қўя

олсанг, уёғи силлиқ кечади. Ускунанинг ўзи суҳбатларни хотирасига ёзиб олаверади. Сен қизил тугмачасини босиб қўйиб эшитишни бошласанг бас. Тушундингми?

- Тушундим.

- Мана бу пулларни ҳам олиб қўй. Аванс. Ўзингни овқатдан қисма. Дам олиш кунлари бемалол дискотекаларга бориб қизлар билан кўнгил ёзавер. Айтганча, ҳар сменадан сўнг ёзилган суҳбатларни манови ерда кўрсатилган алоқа қутисига ташлайсан. Сенга бошқа ускуна ўша ерда қолдириб кетилган бўлади.

- Микрофон-чи? - сўради Обиджон.

- Микрофон бир марталик эмас. Токи ўзимиз айтмагунимизча столга ёпишиб тураверсин.

- Тушунарли.

- Бўпти, Сарсенбой, мен кетдим! Яхши кунларда учрашгунча!

- Кечирасиз. - деди Обиджон бироз иккиланиб, - бундоқ танишмадик ҳам.

- Кўп билсанг, тез қарийсан, - эркак ташқарига чиқди. - Кузатма мени. Хайр!

* * *

Обиджон энди-энди жосуслик нима эканини тушуниб ета бошлаганди. Ҳа, унга ишониб шунча пул беришяпти. Бу пулларни қишлоқда ўнта сигир сотиб олиш мумкин. Ўнта сигир эса деярли ҳеч бир қишлоқдошида йўқ. Демак, шу пулларни иш учун ҳам ишлатиши лозим.

- Мен ҳам тоғамдай зўр жосус бўламан, - ўзича фикрлаб қўйди Обиджон банк ҳовлисига кириб олгач. - Мана кўради, шу кеча микрофонни қандай бўлмасин ўрнатиб чиқаман, ўша бошлиқнинг хонасига. Тўхта, қандай қилиб? Ахир, боғбон ичкари хоналарга кириб дайдиши мумкин эмас экан-ку! Кўриб қолишса-чи? Фаррошларни ишга солиш керак. Пул олмайдигани бор эканми? Маоши етмиш сўм бўлса! Уларга юз сўм берсам, мени ичкарига киритишлари тайин.

Кун ҳам кўз очиб юмгунча ўтиб банк ҳовлисида сукунат ҳукм сура бошлади. Обиджон шошилмасдан бино ичига кириб борди.

Бошлиқнинг хонасини ёши ўтиброк қолган, ўзи кувноқ, ҳазилкаш татар аёли Соня хола тозаларкан.

У билан Обиджон кундузи ҳам ҳазил-хузул қилиб кўрганди.

- Хола, бир нарсани илтимос қилсам, йўқ демайсизми? - сўради у аёлдан эҳтиёткорлик билан.

- Нимани сўрайсан, болам?

- Ичкарига кириб чиқсам майлими?

- Ичкарига? Нима қиласан у ерда?

- Боя биттаси қоғоз ташлаб кетганди. Шуни бошлиқнинг столига шундоқ қўйиб чиқаман.

- Бер, ўзим қўйиб чиқа қоламан.

- Йўқ, буни фақат мен кўришим керак экан. Ўша одам, бошлиқнинг яқин кишисиман, сиздан бўлак одам билмасин, деб тайинлаганди.

- Мен билиб бўлдим-ку! - кулди Соня хола.

- Оғзингизни маҳкам қилишингиз учун манови юз сўмни олиб қўйинг! - Обиджон битта юзталикни фаррошнинг қўлига тутқазди. - Шу гап орамизда қолса, эртага яна юз сўм бераман.

- Вой, менга қара, - аёл юзталикни ҳеч қачон кўрмаган эканми, шошиб қолди. - Ўғри-пўғримасмисан, мабодо? Бунча пулни қаердан олдинг?

- Э, ўша одам бериб кетди, - деди Обиджон. - Сизгаям пичаси насиб қилган экан. Хўш, энди кириб чиқаверайми?

- Эртага аниқ юз сўм берасанми?

- Албатта. Мен алдашни ёмон кўраман.

- Бўпти, келишдик. Бор, бемалол кириб чиқавер! Менга деса, ухламамайсанми ўша хонада!..

Фаррош шунча пулга эга бўлганидан боши осмонга етиб нари кетди.

Обиджон эса бу вақтда айни бошлиқ ўтирадиган стол остига елимланган микрофонни ўрнатиб улгурди ва секингина ташқарига ўзини урди.

* * *

Эрта тонг. Обиджон бирпас боғдаги ишларни саранжом қилган бўлди-да, соатига қаради. Тўққиздан ошибди. Демак, вақт етган. Энди ускунани ишга солиб бошлиқларнинг гапларини эшитиб кўрса ҳам бўлади.

У қўлидаги ўроқни бир четга ирғитиб юборди-да, боғнинг кўздан панароқ қисмига ўтиб, чўнтагидаги ускунани олди ва яшил тугмачани босди.

Бир-икки бор ту-тулаган товуш эшитилгач, ниҳоят кимнингдир буйруқ оҳангидаги овози қулоғига чалина бошлади.

- Варвара, ўринбосарни ҳузуримга чақиринг!

- Хўп бўлади!

Шундан сўнг овоз бир муддат тиниб қолди. Қандайдир шитир-шитирлар, кулгу товушлари эшитилиб турди. Яна бояги товуш соҳибининг ўзаро гап-сўзлари бошланиб кетди.

- Николай Алексеевич, келинг, ўтиринг!

- Тинчликми, Григорий Михайлович?

- Ҳа, кеча катта миқдорда ссуда олмоқчи бўлган киши ҳақида гап очгандим. Нима бўлди, ўша масала? Гаплашиб кўрдингизми?

- Ҳа, гаплашдим. Рози бўлди.

- Нимага рози бўлди?

- Нимага бўларди? Мен, “юз минг сўм олмоқчи экансиз, бунинг учун шахсан ўзимга ўн минг олиб келиб топширасиз, ана ундан кейин ҳужжатларни расмийлаштирамиз”, деб айтдим.

- Олиб келдимиз?

- Ҳа, марҳамат, олиб қўйишингиз мумкин.

- Йўқ, йўқ! Бу нима қилганингиз? Ярмини беринг, ярмини! Қолгани сизнинг улушингиз!

Шу пайт ускунадан "ш-ш-ш-ш" деган товушларгина эшитила бошлади. Обиджон анча вақтгача ускунани кавлаштириб кўрди. Бироқ қайтиб банк бошлиғининг товуши эшитилмади. Энди яна бошлиқнинг хонасига қачондир вақт топиб кириб микрофонни кўздан кечиришга тўғри келарди. Умуман, давомини эшитишнинг қизиғи йўқ эди. Негаки, асосий суҳбат ёзиб олинди ҳисоб. Агар микрофон ишдан чиқиб қолган бўлса, уни тўғриласа бўлади.

- Тўхта, - ўйлаб қолди Обиджон. - Ссуда дедими? Ҳа, юз мингдан гапирди. Демак, кимгадир катта пул қарз беришмоқчи бўлишган. У ҳолда ўн мингга нега тилга олди? Тушунарли, иккови ярмидан бўлиб олди. Бу, агар адашмаётган бўлсам, пора бўлса керак. Ҳа, майли, буни ташкилотнинг ўзи ҳал қилиб олар. Мен бу ёзувларни шу бугуноқ алоқа кутисига етказишим ва бошқа ускунани олиб келиб улгуришим лозим.

Обиджон тушлик вақтигача астойдил ишлади. Аммо банк бошлиғининг сўнгги сўзлари ҳамон қулоғи остида жаранглаб, бу одамдан нафратланиб вақт ўтказди.

* * *

Эртаси куни шанба бўлгани сабаб Обиджон дам олишга мажбур эди. Унга алоқа кутисига ташланган алоҳида мактубда дискотекага бориш буюрилганди. Аввалига ҳайрон бўлди.

- Наҳотки, бу жосуслик ташкилотидегилар дам олишингача ўзлари белгилашса? - ўйлади кийинаётиб. - Балки, менинг маза қилиб ухлагим келаётгандир? Нега энди дискотека? Демак, қизлар билан танишиб айш қиларканман-да! Майли, борсам бора қолай.

Обиджон яқиндагина сотиб олган кийимларини кийди-да, хушбўй атирдан сепиб йўлга тушди.

Умрингда кириб кўрмаган жойларга ташриф буюриш ҳар қандай одамни олдинга пича доводиратиб қўяди. Обиджон ҳам худди кишлоқдаги тўйларда бўлгани каби ўртада ернинг чангини чиқариб рақс тушаётган йигит-қизларга бир муддат ҳайрат билан тикилиб турди. Уларнинг деярли барчаси рус. Ахён-ахёнда бошқа миллат йигитлари кўриниб қоларди, холос.

Хўш, нима қилади? Русча рақс тушишни билмас, бировни танимаса! Тўхта, ана, йигитлар бир четда турган қизларнинг олдига бориб уларни рақсга таклиф этишяпти. Ҳойнаҳой, улар ҳам Обиджонга ўхшаб қизларни танишмасе керак. Қани, хов анови келишган қизга яқин бориб кўрсин-чи, нима бўларкан!

Обиджон сочлари қизғиш рангга бўялган, калта юбкали, думалоқ юз қизга яқин бориб тўхтади. Ва бошқаларда кўрганидек ўнг қўлини қизга узатиб сўради:

- Бўшмисиз?

- Ҳа, бўшман, нимади? - Обиджонга ҳайрон бўлиб термудди қиз.

- Нима десам экан? Рақсга...

- Ўзи рақс тушишни биласизми? - сўради қиз.

Шу тобда Обиджоннинг ҳам шўхлиги тутди.

- Билишга-ку, билмайман. Сиз ўргатиб қўйсангиз...

- Бу ерлик эмасмисиз? - қиз энди бироз жиддийлашди.

- Йўқ, бу ерлик эмасман, - жавоб қилди Обиджон.

- Унда. Мени бирор қаҳвахонага таклиф этмайсизми? Тўғриси, бу ерда туравериш жонимга тегиб кетди.

Қаранг, ҳаммаёқ чангга тўлиб ётибди.

- Жоним билан, - деди Обиджон. - Фақат қаҳвахонани ўзингиз танлайсиз-да!

- Хўп бўлади. Қани, кетдик!

Обиджон умрида биринчи марта бегона қизни қўлтиқлаганича ташқарига йўл олди.

* * *

- Сиз бу ерга нима мақсадда келгансиз? - сўради қиз қаҳвахонага кириб ўтиришгач.

- Менми? Ишлаш учун.

- Отингиз нима?

- Сарсенбой. Сизники-чи?

- Меникими? Наталья.

- Жудаям чиройли экан исмингиз, - хушомадга ўтди Обиджон. - Менга шунақа исмлар жуда ёқади.

- Ростданми? - Наталья кўзлари чакнаб Обиджонга янада каттиқроқ, ўтлироқ боқди. - Сизам менга ёқиб тушдингиз.

- Раҳмат. Қани, коньякдан ичайлик, бўлмаса!

- Танишганимиз учун! - Наталья қадахни кўтариб оғзига яқин олиб борди.
- Илтимос, энди тез-тез учрашиб турсак! - деди Обиджон. - Менинг бу ерда сиздан бўлак яқин танишим йўқ.
- Дарров учрашув таклиф этмоқчимисиз? - хандон отиб кулди қиз.
- Нима десам экан...
- Майли, мен розиман, - қиз Обиджоннинг ўнғайсизланганини кўриб вазиятни юмшатишга уринди. - Албатта, учрашиб турамыз. Биласизми, бирор кун уйимизга таклиф қилсам борасизми? Масалан, яқинда дадам иш билан бир жойга кетади. Ўша куни боришингиз мумкин.
- Сизларникига-я? Дадангиз ким бўлиб ишлайди ўзи?
- Дадам шаҳардаги марказий банк бошлиғи.
- Банк бошлиғи? - Обиджоннинг бирдан ранги ўзгариб сал қолса ўрнидан туриб кетаёзди. - Григорий Михайловичми?

- Вой, сиз дадамни қаердан танийсиз?
Хўш, бундай вазиятларда қандай жавоб қилинади? Афсуски, Обиджонга бу ҳақда ҳеч нима дейишмаган. Лекин шу лаҳзаларда нимадир дейиши шарт. Нима десин? Боғбонман, ўша банкда, деб тўғриси гапирсинми? Қиз бориб отасига айтса-чи? Унда нима бўлади? Кейинчалик... Кейинчалик у отасининг орқасидан тушиб жинойатларини фош қилганини сезиб қолса-чи? Ҳайдаб солиши аниқ. Юз ўгиради, албатта. Юзига тупуриб кетиб юбориши ҳам мумкин. Нима қилиш керак-а? Шундай ўтираверадими?

- Эшитганман, - дея жавоб қилди Обиджон ниҳоят хаёлига келган ягона фикрдан жонланиб. - Кўп гапиришади, дадангиз ҳақида.

- Тўғри, менинг дадам шаҳарда керакли ва машҳур одам, - мактана кетди Наталья. - У кишининг дунёнинг ҳамма бурчагида таниш-билишлари бор.

- Бўпти, унда қачон уйингизга чақирасиз? - сўради Обиджон гапни қисқароқ қилиш учун.

- Яқинда, - деди Наталья бошини хиёл бир тарафга қийшайтириб. - Ўша куни ўзим айтаман.

- Яхши, келишдик!

Улар етаклашганича ташқарига чиқишди. Афтидан, Натальянинг тезда хайрлашиб кетгиси йўқ эди. Буни ўз вақтида пайқаган Обиджон қизни истироҳат боғига олиб кирди ва негадир кўққисдан тўхтаб қолди. Қиз эса... Қиз ерга боққан кўйи жим турарди. Улар шу қадар яқин туриб қолган эдиларки, Обиджон димоғида ёқимли ва вужудни қитиқловчи бир ҳидни туйиб юраги тезроқ ура бошлади.

Бу тахлит жим туришга йигит кишининг ҳаққи йўқ, дея ҳисоблаб барибир ўзини тутиб тура олмади. Қизни оҳистагина кучиб, лабларидан авайлабгина бўса олди. Қиз энтикиб кетди. Обиджон худди оғир гуноҳга йўл қўйган одам каби ўзини нари тортишга уринди. Аммо қизнинг нозик билаклари аллақачон бўйнига ўралиб олган эди...

* * *

Ҳаш-паш дегунча орадан бир ой ҳам ўтиб қўйди. Обиджон жуда бахтиёр эди. У Наталья билан деярли ҳар куни учрашар, ғунча янглиғ лабларидан бўсалар олиб, шириндан-ширин суҳбатлар қуриб тўймасди. Гўёки қаерлардадир баланд-баланд осмонларда парвоз қилган қушдек ўзини эркин ҳис этарди. Кечалари ястаниб ётиб олганича Натальяни кўз олдига келтирар, унинг қалин лабларини, сочидан таралиб кўнглига бир олам хузур бахш этган хушбўй ҳидларни ўйлаб оҳ тортарди.

“Мен уни севиб қолдим шекилли, ўйларди у кўзларини юмиб. Жуда оқила ва маданиятли қиз экан. Бизнинг қишлоқда бундай қизларни учратиш қийин. Ҳар бир гапни ўйлаб гапиради. Ўпсанг, уришиб бермайди, ўзини олиб қочмайди. Аксинча, ўзи бўйнингга осилиб, нари кетишга қўймайди. Қиз бўлса, шунчалик бўлади-да! Ох, Наталья, қанийди сен ўзимники, фақат ўзимники бўлиб қолсанг! Афсуски, меники бўлмайсан! Тўхта, нега энди? Отасини деб шундай қиздан ажралиб қоламанми? Йўқ, бунга истамайман! Бир марта бўса олганимдаёқ ўзига ром этиб қўйди. Нима қилай? Қандай йўл тутай? Нега олдинроқ учратмадим уни? Анови жосуслик деган ярамас ишларига аралашиб ўтирмасдан Натальяни қишлоққа олиб кетардим-қолардим. Энди-чи? Буёғи нима бўлади? Мабодо қилиб юрган ишимни сезса, нима дейди? Билмадим. Яна бир боши берк кўчага кириб қолганга ўхшайман. Худойим, нега бунча омадсизман-а? Нима бўлгандаям Натальядан воз кечмайман! Керак бўлса, унга ҳаммасини тушунтираман. Агар ростдан мени севса, тушунади ва отасига қулоқ солиб ўтирмайди”.

Обиджон шундай хаёллар билан кунларини ўтказиб юрарди.

* * *

Шундай кунларнинг бирида алоқа қутисидан янги хабар олди.

“Сен ўз ишингни чалкаштира бошладинг,— деб ёзилганди мактубда. — Банк бошлиғининг қизига илакишдинг. Энди буёғини эшит. Қиз билан танишиб, яқин бўлдингми, энди унинг кўмагида бошлиқнинг уйига кириб боришинг ва иш столи остига ҳам битта микрофон ўрнатишинг зарур. Қизига зинҳор қилиб юрган ишларинг ҳақида гапира кўрма! Ҳеч гап бўлмагандек, севги ўйинини ўйнайвер! Омадингни берсин”.

- Ярамаслар-ей, - елка қисди ўзича Обиджон. - Бошлиқнинг қизи билан танишганимни қаердан билишди? Ёки ростдан ҳам ортимдан изма-из кузатиб юришибдими? Қанчалар аҳмоқман-а?! Ахир, улар жосуслар-ку! Албатта, кузатишади. Шунча пулни, махфий усқунани қўлимга топшириб қўйишади-ю, кузатишмайдими? Бўпти, бугун яқшанба. Натальяга қўнғироқ қилиб кўрай-чи, нима деркан?

Обиджон керакли ракамларни териб кизнинг гўшакни кўтаришини кута бошлади. Ўзи ҳам кутиб ўтирган эканми, Наталья дарров гўшакни кўтарди.

- Салом, яхши йигит! - қувноқ овозда биринчи бўлиб ҳол сўради у. - Яхши ётиб турдиларми?
- Тўғриси, ухлаганим йўқ, - деди Обиджон.
- Вой, нега? Бирор еринг оғридими?
- Аксинча, сени ўйлаб чиқдим.
- Ў, ростданми? Кўп ўйлаб юбормадингми, ишқилиб?
- Туни билан мижжа қоқмай ўйладим!
- Сени шунчалик қийнаб қўйганим учун кечир! - энди овози ҳазинлашиб сўз қотди киз.
- Бу нима деганинг? Ахир, сени ўйлаб ётиш менга завқ бағишлайди!
- Шунақами? Унда-чи, ҳадеб ўйланавермасдан тез уйимизга кел!
- Ҳозир-а? - атайин талмовсираб сўради Обиджон. - Балки, кейинроқ...
- Кейин-пейини йўқ. Ваъдам эсимда. Дадам бугун иш билан бир жойга кетди. Ўша мен айтган бекатга келсанг, ўзим кутиб оламан!
- Хўп, ҳозироқ етиб бораман.
- Кўришгунча!

* * *

- Мана шу бизнинг уйимиз, - Наталья кенг ҳовлидан ўтиб ичкарига қадам қўйишгач, ичкари хоналар билан Обиджонни таништира кетди. - Қалай, ёқдимми?

- Шоҳона экан уйларинг, - деди Обиджон кизни маҳкам кучганича дид билан безатилган хоналарга ҳавас билан термулиб. - Сен бахтлисан, Наталья!

- Тўғри, бугун бахтлиман. Чунки, бугун сен келдинг уйимизга. Биласанми, менга сенинг очиқ кўнгиллигинг, соддалигинг ёкиб қолди. Сенга ўхшаганлардан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди.

Бу гап Обиджонни беихтиёр хушёр торттирди. Лекин ҳолатини кизга сездириб қўймаслик мақсадида Натальядан кўзларини олиб қочиб хоналарни кузатишда давом этди.

- Қани, ошхонага ўтайлик. Қаҳва ичиб бўлганимиздан кейин қолган хоналарни кўрсатаман. Агар бу ерда зериксанг, залга ўтиб телевизор томоша қилиб тур!

Бу таклиф Обиджон учун айтилган муддао эди. У иложи борича тезроқ микрофон ўрнатиладиган жойни мўлжаллаб олиши зарур.

- Айтганча, - дея Натальянинг елкасидан тутиб сўради у. - Дадангнинг ишлайдиган хонасини кўрмадик-ку!
- Дадамникими? Юр!

Киз уни йўлақдан олиб ўтиб яшилга бўялган эшикка етганда тўхтади.

- Мана шу дадамнинг иш кабинети. Кириб кўравер!

Обиджон эҳтиёткорлик билан ичкарига қадам қўйди. Хона кенг, дераза қаршисига иш столи ўрнатилибди. Деворларга тақаб қўйилган шкафларга турли ҳажмдаги китоблар тартиб билан териб чиқилган. Чапда эса катта магнитофон.

“Хайрият, стол айтилган кўнглимдаги экан,— кўнглидан ўтказди Обиджон ташқарига ўғринча кулоқ тутиб. — Микрофонни тезроқ ўрната олсам, марра меники!”

У энгашиб стол остига қўл чўзди.

Бироқ шу маҳал эшик охишта очилиб кимдир ичкарига киргандек бўлди-ю, шоша-пиша бошини кўтариб эшик томон ўгирилди.

Не кўз билан кўрсинки, қаршисида банк бошлиғи Григорий Михайлович унга еб қўйгудек совуқ тикилиб турарди.

Обиджон қаршисидаги басавлат эркакни кўрди-ю, қотиб қолди. Қўлидаги микрофонни ҳали стол остига ўрнатиб улгурмаганди. Кафтлари орасига маҳкам қисганича қаққини ғоз тутиб уй эгасининг сўз қотишини кутди.

Аммо шу пайт ошхонада ниманингдир тарақлаб ерга тушгани, кетидан Натальянинг қичқирғи эшитилди.

- Қизим! - Григорий Михайлович югурганича йўлакка отилди. - Наташа! Сенга нима бўлди. Ҳой йигит, буёққа кел тез! Келмайсанми!

Кўрқиб кетган Обиджон шоша-пиша микрофонни чўнтакка урди-да, ошхонага чопиб чиқди.

Не кўз билан кўрсинки, Наталья полда чўзилиб ётар, оғзидан кўпик сачраб, кофтларини булғаб ташлаганди.

- Бор, нариги хонага кирсанг, тортмада яшил қутичада дори бор, олиб чиқ! - буюрди Григорий Михайлович кизини даст кўтариб ётоққа йўл оларкан. - Анқаймасдан тезроқ бўл!

Обиджон кўз очиб юмгунча айтилган дорини олиб чиқиб банкирнинг қўлига тутқазди.

Натальянинг бармоқлари тортишиб, жонҳолатда тишларини ғижирлатарди. Оғзига қошиқ солиб базўр тишларини бир-биридан ажратиб олишди. Григорий Михайлович беҳуш ётган қизга доридан бир донасини ичириб юборди. Шундан кейингина Наталья бир муддат тинчланиб, беш дақиқалардан сўнг кўзларини очди.

- Қачонгача мени кўрқитасан-а? - титроқ овозда қизига сўз қотди Григорий Михайлович ва Обиджонга юзланди. - Қизим қаттиқ шамоллаганди! Иситмаси кўтарилса, ҳушидан кетиб қоляпти! Қизим, кўзингни оч! Мени кўрқитмагин, жон қизим!

- Сарсен! - ҳазин товушда шивирлади Наталья. - Сарсен қани?
- Қайси Сарсен? Кимни назарда тутяпсан? - сўради ота ҳайрат аралаш Обиджонга тикилиб.
- У мени изляпти! - деди Обиджон секин Натальянинг тепасига яқин келиб. - Наталья, мен шу ердаман!
- Ҳ-ҳа. Шу ердამисан? Хайрият! Сени кетиб қолдингми, деб...
- Йўқ, кетганим йўқ. Шу ердаман!
- Дада, - нигоҳларини отасига тикди қиз, - бу йигитни уришманг! У жуда яхши одам!
- Ҳозир ортиқча зўриқаверма! - қизини тинчлантирган бўлди Григорий Михайлович. - Мен уни уришганим йўқ. Уришмоқчи ҳам эмасман.
- Ростданам уришмайсиз-а, дада? - сўради Наталья. - Ҳайдаб солмайсиз-а?
- Ўзимнинг аҳмоққинам-ей! - кулимсираб қизнинг сочларини силаб қўйди Григорий Михайлович. - Сенинг дўстинг экан-ку! Буни билдим. Ҳеч қачон уришмайман. Ҳайдаб ҳам солмайман!

* * *

- Менга қара, йигит, - Наталья ухлаб қолгач, Обиджонни залга олиб ўтиб сўроққа тута бошлади Григорий Михайлович, - қизимни ҳақиқатан яхши кўрасанми? Ё шунчаки, кўнгилхушлик қилиб юришни мўлжаллаганмисан?

- Бу нима деганингиз? Мен уни севаман! Кўнгилхушлик қилиш хаёлимгаям келган эмас.
- Ўзинг кимсан? Қаерликсан? Бу ерларда нима қилиб юрибсан?
- Мен олис ўлкаданман, - жавоб қилди Обиджон. - Ишлаш учун келганман.
- Қўлингдан нима иш келади ўзи? Маълумотинг борми?
- Мактабни битирганман, холос. Лекин ҳар қандай ишни қилиб кетавераман.
- Шунақа дегин? - Григорий Михайлович секин ўрнидан туриб дераза қаршисига бориб тўхтади. - Сенга бир гапни олдиндан айтиб қўяй. Наталья - менинг ёлғиз қизим! Агар алдайдиган бўлсанг, кечирмайман! Сени ернинг остидан бўлсаям топтириб, ўз қўлларим билан ўлдираман. Мен қизим учун керак бўлса, жонимни бераман. Билиб қўй!
- Тушундим, - деди Обиджон ҳамон қизнинг бояги аҳволидан, ўзи олиб чиқиб тутқазган дорини кўз олдига келтириб боши ҳам бўлса-да, таваккалига, - мен Натальяни бахтли қиламан, ишонинг!
- Унда юр, иккаламиз би-ир қиттай-қиттай қилайлик!

* * *

Обиджон энди ростокамига икки ўт орасида қолиб кетганди. Шу куни микрофон ўрнатиш ҳам пайсалга солинди. Аввалига Григорий Михайлович билан коньяк ичиб, келгуси режалар ҳақида гаплашиб ўтиришди. Икки соатча ўтиб, Наталья уйғониб уларнинг олдига чиқди. Григорий Михайлович Обиджонни мақтай-мақтай, қизига тез орада тўй кунини белгилашга ҳам ваъда берди.

Мана шу қарор Обиджонни янада хавотирга солиб қўйди. Ахир, ташкилот берган топшириқлар нима бўлади? Куёв бўла туриб ҳам қайнотага қарши борадими? Улар уйланаётганини эшитишса, қандай йўл тутишади? Ўлдириб юборишмасмикан? Ёки янги топшириқлар беришармикан?

Ана шу саволлар исқанжасида Обиджон эртаси куниёқ махфий алоқа қутиси жойлашган манзилга келиб қутича эшикчасини очди.

Тахмин қилганидек бир эмас, иккита катта конверт ташлаб кетишибди.

Шоша-пиша конвертларни чўнтакка урди-ю, квартирасига келиб эшикни ичкаридан тамбалаб олди. Биринчи конвертни очиб ўқий бошлади:

“Сенинг уйланаётганинг билан ишимиз йўқ. Бизни зиммангдаги топшириқнинг бажарилиши кўпроқ қизиқтиради. Шундай экан, қўлингдаги микрофонни бугун банкирникига бориб, албатта, столининг остига ўрнатишинг лозим. Бугундан кечиктирсанг, жазоланасан ва ишдан четлатиласан”.

Обиджон жон ҳолатда иккинчи конвертни очди. У ерда шундай сўзлар ёзилганди:

“Бугун кеч соат саккизларда муҳим топшириқни бажарасан. Банк бошқарувчиси Григорий Михайловичнинг одамларидан бири банк ҳисобидаги ўғирланган пуллардан маълум қисмини фалон манзилдаги ерости йўлида жойлашган юк сақлаш камерасига жойлаштириш мақсадида боради. Сен қўлингга қизчалар ўйнайдиган қўғирчоқ олиб, уни йўргаклашинг ҳамда эгнингга гадоёй кийимини кийиб худди ўша ерда тиланчилик қилиб ўтиришинг керак. Эсингда бўлсин, ўша кимса қора плашч, қора шляпада. Бўйи узун, тақа мўйлов, “Мальборо” сигарети чекади. Вазифанг шундан иборатки, у пул қўйган камеранинг махфий коддини эслаб қолишинг шарт”.

Обиджон аввалига ҳайрон бўлди. Бу пулларнинг разведкага нима дахли бор-у, нега айнан уни соқчиликка қўйишяпти? Ахир, милиция ҳам эплаши мумкин-ку! Ким билсин? Балки, уларнинг ўз мақсадлари, режалари бордир?

Йўқ, шошилиши керак. Шундоқ ҳам Натальяга бугун эртароқ етиб боришини айтган эди. Шу баҳонада микрофон ҳам қўйилиши керак.

- Эҳ, қандай кунларга қолдим! - қўлларини мушт қилиб каравотга урди Обиджон чиқиб кетаётиб. - Бир қизни севсам-у, яна унинг отасига хиёнат қилсам! Тўхта, Натальяни “шамоллаган” дедими отаси? Нега унда хушидан кетиб оғзидан кўпик сачради? Бизнинг қишлоқдаям Орзи хола деган хотинни кўргандим. Оғзидан худди шунақа кўпик сачратиб йиқилганди. Шайтонлабди дейишганди одамлар. Нахотки, одам шамоллагандаям шунақанги аҳволга тушса? Нега бундай бўлди? Нега банкир менга қаттиқ ишонди? Нега дарҳол тўйга розилик берди? Ахир, узатаман деса, манаман деган бойваччалар ҳам келин қилади-ку Натальяни! Бу ерда бир гап борга ўхшайди! Балки, Обиджоннинг қилиб юрган ишларидан хабардор-у, шу йўл билан уни бу нарсалардан четлатмоқчимиз? Билмадим. Билмадим.

* * *

Обиджон банк бошқарувчисининг квартирасига кириб келганида, Наталья балконда ўтирганча ташқарига маъюс боқар, йиғидан кўзлари қизариб кетганди.

Обиджон секин бориб унинг елкасидан қучди.

Наталья негадир миқ этмади. Шунчаки, унинг билакларига бошини қўйган бўлди, холос.

- Нега хомушсан, севгилим? - сўради Обиджон эркалаган оҳангда. - Нега йиғладинг? Йиғлатган мен эмасми?

- Бу нима деганинг, жиннивой? - деди Наталья ниҳоят ўрнидан туриб Обиджоннинг кўксига бошини қўяркан.

- Нима учун сен йиғлатаркансан? Аксинча, сен мени бахтиёр қилдинг-ку!

- Унда нима сабабдан йиғладинг, айт?

Наталья индамасдан тескари ўтирилди.

- Мен бир нарсадан жуда афсусдаман. Биласанми, ўшанда сенинг олдингда хушимдан кетиб ётдим. Сени ноқулай аҳволга солиб қўйдим.

- Хўш, нима бўпти? Сен айбдор эмассан-ку! Шамоллаган бўлсанг...

- Сен-чи? Афсус қилмайсанми менга уйлансанг? Яхшиси, кел, муносабатларимизни узайлик! Сен, албатта, мендан яхшироғини топасан.

- Аҳмоқлик қилма! - Обиджон бу гап ортида қандайдир сир борлигини билса-да, эҳтиросга берилдими, қизни қаттикроқ қучиб кўзларидан ўпди. - Мен ундайлардан эмасман. Сени севаман! Сенсиз яшай олмайман! Мени хайдама, жоним!

- Ахир, сен...

- Бас, етар! - Обиджон Натальянинг оғзини кафти билан ёпиб олди. - Ортиқ бу сўзларни эшитишни истамайман! Бас!

- Сени жонимдан ортиқ севаман, Сарсен! Сен топилмас йигитсан! Ишон, ҳеч қачон сенга ўхшаган мард йигитни учратмагандим.

Обиджон қизни даст қўтариб олди-ю, ётоққа олиб кириб эҳтиёткорлик билан каравотга ётқизди.

* * *

Наталья ҳар галги тутқаноқдан сўнг икки-уч кунгача ҳолсизланиб юрар, иштаҳаси йўқолиб нуқул ухларди.

Бу сафар ҳам у Обиджоннинг бағрида ухлаб қолди.

Обиджон эса қизнинг пешанасини ушлаб кўриб ростдан ҳам иситма туфайли хушидан кетган экан, анча ҳолсизланибди, деган хаёлга борди ва келгуси режалар хусусида бош қотира бошлади.

Хўш, энди нима қилиш керак? Индамасдан қизга тикилиб ўтираверадими? Йўқ, ташкилотнинг топшириғини адо этиб ҳам қўйиши шарт. Банкирнинг йўқлигидан фойдаланиши ва микрофонни стол остига ўрнатиб улгуриши керак.

“Нуқул ноқулай вазиятлар бўляпти-да, кўнглидан ўтказди Обиджон чойшабни авайлабгина Натальянинг устига тортиб ўрнидан кўзғаларкан. Умримда яқин кишиларимнинг кўзига тик боқиб хиёнатга қўл урмагандим. Наталья қилиб юрган ишларимдан хабар топса, нима бўлади? Юзимга тупуриб ташлармикан-а? Ё отасига қўшилиб қаматиб юборадими? Йўқ, нималар деяпман? Мен, ахир, бу ерларга аниқ мақсад билан келганман. Шуларни эсдан чиқармаслигим керак. Акс ҳолда янгамни тополмайман, тоғам раҳматлининг ўлими сирларидан вокиф бўлмай қоламан. Унинг ишларини давом эттира олмайман. Тоғамнинг руҳини чирқиллатган бўламан”.

Обиджон секингина Григорий Михайловичнинг кабинетига кириб борди.

Аввалига ҳар эҳтимолга қарши чиройли қилиб терилган китобларни кўздан кечирган бўлди. Баъзиларини варақлаб ҳам кўрди. Бу иш мабодо Наталья уйғониб қолса ёки банкир кутилмаганда кириб келиб қолса, баҳона учун амалга оширилганди.

Йўқ, бундай ҳолат юз бермади. Квартира ичкарасида сукунат ҳукм суларди.

Ниҳоят Обиджон чўнтагидаги қоп-қора микрофончани чиқарди-да, стол остига - Григорий Михайлович ўтирадиган жойга ўрнатиб ўрнидан турди.

- Хайрият, ҳаммаси ҳамирдан қил суғургандек битди, - деди ўзига ўзи аста йўлакка чиқиб. - Энди бирпас шу ерда ўтираман. Кеч туша бошлагач, квартирамга бориб зарур кийимларни қияман-да, юк сақлаш камералари жойлашган манзилга жўнайман. Уёғи Худодан!

* * *

Иш битгач, Обиджон Натальянинг хонасига қайтиб кириб унинг ёнига ёнбошлаганича хаёлга берилди. Кўз ўнгида ям-яшил ўтлоқдан иборат далалар, қишлоқдаги қум кўчалар гавдалана бошлади.

Ана, Темир оксоқ деган чол. У икки маҳалла нарида яшаса-да, ҳамма танийди. Чунки, ҳамманинг кўй-молларини кирга олиб чиқиб кетиб боқиб келади. Эвазига унга қишлоқдагилар пул йиғиб беришади.

Темир оксоқнинг барваста, бақувват эшаги бор. Бечоранинг устига ҳар куни қирдан қайтаётиб бир дунё ўт юклаб кўяди. Шунда ҳам эшак миқ этмасдан юриб келаверади.

Ана, аяси. Сочлари оқариб юзларидан кексалик аломати уфура бошлабди.

- Эҳ, аяжоним, - Обиджон Натальяга қараб кўйди-да, оғир хўрсинди. - Сизни шунчалар соғиндим-ки! Қанийди, иложим бўлса, олдингизга қушдай учиб борсам! Ўшанда гапингизга кириб бу ерларга келмасам бўларкан! Йўқ, аяжон, мени биласиз-ку, бир сўзли, қайсарман! Сизга-чи, келин топиб кўйдим. Уришмайсиз-а? Бу кизни кўрсангиз, оғзингиз очилиб қолади. Бухорони икки марта айланиб чиқсангиз ҳам бунақасини топа олмайсиз.

Шу пайт ташқари эшик очилиб кимлардир ичкарига киргандек бўлди.

Обиджон даст ўрнидан турди-да, йўлакка чиқди.

Григорий Михайлович ўринбосари Николай Алексеевич билан келибди.

Обиджон бу тепакал эркакни ишга қираётганида бир мартагина кўрган.

Тез-тез юриб бориб салом берди.

- Бу йигит менинг бўлғуси куёвим! - кулимсираб Обиджонни меҳмонга таништирди Григорий Михайлович.

- Хурсандман! - деди тепакал Обиджонга сирли қараш қилиб.

- Наталья қани? - сўради банкир Обиджондан.

- Ухлаётганди.

- Ҳа-а, ухлаётганмиди? Майли, сен ошхонага кириб бизга қаҳва дамлаб бера оласанми?

- Албатта, - жавоб қилди Обиджон. - Наталья ўргатиб кўйган аллақачон.

Бу гапни эшитиб икковлари ҳам бараварига кулиб юборишди.

- Сен йигит эҳтиёт бўл, - кабинетига кириб кетаётиб ҳазиллашган бўлди банкир. - Аёллар жа айёр бўлишади.

Тагин тўйдан кейин бир умр қаҳва дамлаб кунинг ўтмасин, ха-ха-ха-ха!

Обиджон ҳам кулгига жўр бўлганича ошхона томон юрди.

* * *

Балконга чиққач, Обиджон Наталья ухлаётган хонага яна бир қарра кўз ташлади. Қиз деворга ўгирилган кўйи ухларди.

“Ана энди асосий ишга киришсам бўлади”, ўйлади у ва чўнтагидаги усқунани чиқариб зарур тугмачани босиб, кулоғига эшитиш мосламасини тақди-да, усқунани қайтадан жойига солди.

Шу заҳоти икки ҳамкасбнинг ўзаро суҳбатини бемалол эшитиш имкони туғилган эди.

- Хўш, нима гаплар топиб келдинг? - сўради Григорий Михайлович ўрибосаридан.

- Солиқдан шилиб қолинган пуллар аллақачон сумкага жойланган, - ахборот бера бошлади ўринбосар. - Бугуноқ уларни нақдга айлантириб уйга яшириб кўйдим.

- Жуда яхши. Энди нима қилмоқчисан?

- Чет элдаги ҳисобларимизга жойлаштириш қолди.

- Ишончли одамни топдингми?

- Ҳа, топдим.

- Ким экан у?

- Бир грузин йигити. Шу соҳада кўзи пишган. Бунинг устига ҳар ойда чет элга хизмат сафари билан бориб тураркан.

- Алдаб чув тушириб кетмасин тагин.

- Йўғ-э, юз минг пулни дуч келган одамга берворавериб аҳмоқ эмасман-ку!

- Қачон топширасан қўлига?

- Бугун кечқурун. Бошқа одам пулларни юк сақлаш хонасига жойлаб келади. Орадан ўн-йигирма дақиқа ўтиб эса грузин пулларни олиб жўнайди.

- Яхши ўйлабсанлар. Яна нима гаплар бор? Фақат секинроқ гапир! Уёқда...

- Эсингизда бўлса, сизга ташландиқ аҳволга келиб қолган трактор заводи ҳақида айтгандим, - энди шивирлаб сўзлай бошлади ўринбосар. - Ишонасизми, ўшани Валера сотиб олиш пайида юрганмиш.

- Қайси Валера?

- Ёғ заводи директори бор-ку, ўша!

- Ие, унга ким кўйибди завод сотиб олишни? Биз мўлжаллаб юрмаганмидик?

- Тўғри-да, сиз гапиришга гапирдингиз-у, кейин бу масала ёпиқлигича қолиб кетди. Ана энди...

- Бугуноқ бориб уни огоҳлантинглар! Мен тез кунда Москва билан гаплашиб, ҳаммасини ҳал қиламан.

- Яхши, одам юбориб Валерани чақиртираман.

- Бошқа гап йўқми?

- Ҳозирча шу.

- Майли, унда бора кол! Мен ётиб бирпас дам оламан. Кечкурун иш битгач кўнғироқ қиларсан.

- Албатта.

Обиджон шоша-пиша қулоғидаги симларни йиғиб чўнтакка урди ва ҳеч гап бўлмагандек ошхонага кириб қаҳва дамлади ва патнисда кўтариб Григорий Михайловичнинг кабинетига йўл олди.

- Кечикдинг, Сарсен! - деди кулиб банкир. - Биз қаҳвангни кутавериб зерикдик. Мана, меҳмон ҳам кетаманга тушиб қолди.

Обиджон индамай кулиб қўя қолди.

* * *

Соат кечки тўртлардан ошганида, Обиджон кетишга чоғланди. Аслида Натальянинг ёнидан бир кадам силжишга хоҳиши йўқ эди. Айниқса, бугунги учрашув, тотли бўсалар, эркалалар. Ҳамма-ҳаммаси бўй йигитни буткул маст қилиб қўйган, қизнинг сариқ, хушбўй сочларини хидлаб тўймасди. Бироқ шошилиши кераклиги, квартирага келгач, ташкилотга кундузги гап-сўзлар тўғрисида ахборот бериши, ундан кейин юк сақлаш камералари жойлашган манзилга етиб бориши зарурлиги унга тинчлик бермасди.

- Энди қачон кўришамиз? - йиғлагудек бўлиб сўради Наталья йўлга отлана бошлаган Обиджоннинг йўлини тўсиб.

- Эртага ишни тугатаман-у, ҳузурингга чопаман. - деди Обиджон қизнинг бошидан қучиб. - Сен ўзингни эҳтиёт қилгин. Тагин шамоллашинг қайталаниб юрмасин.

- Ҳаракат қиламан, - маъносиз жилмайди қиз. - Фақат кечикмагин!

* * *

Обиджон квартирасига етиб келиб барча хабарларни ташкилотга етказгач, ўйинчоқлар дўконидан каттагина кўғирчоқ сотиб олди. Сўнгра уйига қайтиб узоқ вақт гадоёй ролини ўзича машқ қилган бўлди. Бу ерда шу қадар усталлик билан иш тутиши керакки, кўлидаги “чақалоқ” кўғирчоқ эканини ҳеч ким сезмасин. Шу аснода грузин келиб кетгунига қадар рол ўйнаши талаб этиларди.

Мана, соат миллари саккизга қараб кетди. Обиджон эгнига йиртиқ-ямоқ кийимларни илди. Бошига ҳам яғири чиқиб кетган телпакни кийиб кўзгуга боқди.

Бу кўринишда унинг тиланчидан фарқи қолмабди. Ҳеч ким шубҳа қилмаслигига кўзи етгач, махсус дурбинни олиб, “чақалоқ”нинг йўрғаги орасига жойлади.

* * *

Ер ости йўли унчалик серкатнов бўлиб чиқмади. Аҳён-аҳёнда уёқдан-буёққа ўтиб қоладиган ёхуд турнактор юк сақлаш камералари томон ўтиб қоладиганларни айтмаса, деярли жимжитлик эди.

Обиджон камералар яхшироқ кўринадиган бурчакка борди-да, эзгиланиб кетган бир шляпани кўйнидан олиб ерга қўйди.

Йўқ, у одамни ачинтирадиган сўзларни айтиб тиланиши шарт эмасди. Шунчаки кўлидаги кўғирчоқни ҳар замонда силкитиб, гўёки аллалаган бўлиб қайсидир кўшиқни хиргойи қилиб турса кифоя.

Шундай қилди ҳам. Ўткинчилар эса унга эмас, кўпроқ кўғирчоққа қандайдир меҳр ва шафқат аралаш боқиб ердаги эски шляпага кўнгилдан чиқарганларини ташлаб кетишарди.

Соат саккиздан ўн дақиқалар чамаси вақт ўтганида баланд бўйли, эгнига қора плашч, бошига ҳам қора шляпа кийган мўйловдор бир эркак ерости йўлига кириб келди. Кўлидаги қора дипломатни ўйнатганича Обиджонга тикилиб қолди. Лекин бир оғиз сўз демади. Бош чайқай-чайқай, чўнтагидан битта 25 таликни олди-да, секин шляпага ташлади ва юк сақлаш камералари томонга ўтиб кетди.

“Шу бўлса керак пул ташлаб кетадигани, кўнглидан ўтказди Обиджон кўз қири билан эркакни текширишда давом этаркан. Агар ҳозир шу дипломатни ё ичидагиларни камерага қўйса, аниқ ўша бўлади”.

У шоша-пиша йўрғак ичидаги дурбинни кўлига олиб, паналаган кўйи эркакни кузатишда давом этди.

Камералардан бири очилди. Кутилганидек, дипломат ичидагилар кўйилди ва эркак камерани ёпиб ўзигагина маълум бўлган рақамларни тера бошлади. Обиджонга эса дурбин орқали ҳар бир рақам ойнадек кўриниб турарди.

У ҳаммасини эслаб қолди. Энди эркакнинг бу ердан узоқлашиб кетишини кутиши ва тезлик билан камерадаги пулларни кўлга киритиб ташкилотга топшириши керак.

Орадан ўн дақиқалар ўтиб кўғирчоқни бир четга ирғитди-ю, югурганча бориб камерани очди.

У ерда ростдан ҳам даста-даста пуллар тахлаб қўйилган эди.

* * *

Аммо бу пулларни яхлит ҳолда махфий алоқа қутисига жойлашнинг иложи йўқ эди. Ҳатто, дипломатсиз ҳам барибир сиғдириб бўлмасди.

“Квартирамга яшириб қўйсам-чи, ўзича мулоҳаза қилиб борарди Обиджон. Олишса олишар, бўлмаса, ўзимга қолдира қоламан-да! Нима қипти? Шунча пул тешиб чиқармиди?”

Умрида бу қадар катта пулни кўрмаган одамнинг шу тобдаги ҳолатини тушунса бўларди.

Обиджон ҳаяжондан юраги қинидан чиққудек бўлиб борар, гўёки оёғи ерга тегмай, ҳавода парвоз қилиб кетаётгандек эди.

Шахарга тун чўккан. Машиналар қатнови ҳам бирмунча камайган. Обиджон кетиб бораётган йўлак бўйлаб гоҳи-гоҳида дўконга ёхуд автобус бекатига шошилаётган кимсаларни учратиш мумкин эди, холос.

Шу пайт қайсидир уй бурчагидан тўрт нафар барваста, ўзи тенги йигитлар чиқиб, тўғри Обиджон томон кела бошлашди.

У юраги ниманидир сезган кўйи дипломат тутқичини маҳкамроқ сиқиб қадамини тезлатди.

Йигитлар яқин келганида ўнг тарафда сигарет чекиб келаётгани кутилмаганда Обиджонга урилиб кетди.

Обиджон қалқиди-ю, тез ўзини тутиб йигитга ўқрайиб кўйди.

Унинг жаҳли чиққанини пайқаган йигитлар бараварига тўхтаб Обиджонни ўраб олишди.

- Ҳа, анграйиб қолдинг? - дўқ аралаш сўради ўртада келаётган жингалаксоч. - Бор, кетавер!

- Бунинг томи кетган, шекилли, - лукма ташлади бошқаси. - Қаерликсан? Нима олиб кетяпсан?

Обиджон йигитларга бир-бир қараб олди-да, вазиятни юмшатиш ниятида кулимсиради.

- Майли, болалар, ҳечқиси йўқ! Кечиринглар, урилиб кетдим! Узр!

- Нима? Узрингни онанга айтасан! - жингалаксоч жиддий тортиб унинг ёқасидан олди. - Нима олиб кетяпсан деб сўради акаларинг! Нега индамайсан?

- Мен, талабаман, - деди Обиджон босиқлик билан. - Дардан келяпман.

- Дардан? Қани, дафтар-китобларингни кўрайлик-чи, неча баҳо олдинг экан бугун!

Йигит тўсатдан дипломатни чангаллаб тортқилай бошлади.

- Кўйвор! - жаҳл билан унинг қўлидан тутиб нари суриб ташлади Обиджон. - Ҳаддингдан ошма!

- Нима? Ҳой, болалар, бу нима деди-а?

- Э, шу келгинди билан пачакилашиб ўтираммизми? Олинглар қўлидагини!

Кўз очиб юмгунча ўртада муштлашув бошланди. Бироқ Обиджон аллақачон ўзини тутиб олган ва бу олишувга тайёр эди. Икки-уч тепки келиб тушганидан сўнг бир қўли билан йигитлардан бирини маҳкам бўғиб олди. Оёғи билан эса рўпарадан келаётганини тепди.

Кўпчилик - кўпчилик экан. Қолган икки йигит унинг орқасидан келиб зарба йўллади. Орқа миясига келиб тушган мушт туфайли Обиджоннинг дипломат тутган қўли бўшашиб тутқични кўйиб юборди.

Йигитларга шу керак шекилли, дипломатни олишди-ю, жуфтакни ростлаб қолишди. Обиджонни бўғиб тургани ҳам олиша-олиша унинг чангалидан чиқиб қочишга муваффақ бўлди.

Махсус топшириқни охиригача уддалай олмаган Обиджон худди боши берк кўчага кириб қолган кимса каби йўлакда қотиб турар, нима қилишни, қаерга чопишни, билмасди.

- Кўй, қайгураверма! - у беихтиёр орқасига ўгирилиб, қаршисида яқин-яқинларда ўзига илк топшириқлар берган ва қўлига ижарада яшаши лозим бўлган квартира калитини топширган эркакни кўрди.

У жилмайган кўйи Обиджонга қаттиқ тикилиб турарди.

- Сен ўз вазифангни адо этдинг! - давом этди эркак. - Яхшигина муштлашаркансан! Баракалла! Пуллар бизнинг кўлимизда, безориларда эмас!

- Нега бундай қилишди? - жаҳл аралаш сўради Обиджон. - Яхшиликча келиб ўзларини таништиришсаям бўларди-ку!

- Тўғри, бўларди. Бироқ бу мумкин эмас. Ташкилотимиз раҳбари тақиқлаб қўйган. Қолаверса, сени бир текшириб кўрмоқчи бўлдик. Бундан ташқари, сен пулларни квартирага олиб борсанг, ҳаётинг хавф остида қолиши мумкин эди. Биз шунинг олдини олдик!

- Хўш, энди мен бўшманми? - сўради Обиджон ёқасини тўғрилаб тимдаланган юзларини дастрўмолча билан арта-арта. - Юртимга кетаверсам бўлар?

- Нима? Қиз-чи? Қиз нима бўлади? - кулди эркак. - Тўй яқин-ку, куёв бола!

- Менга ҳеч нима керакмас. Уйимга етиб олсам бас. Шунинг ўзи етади.

- Йўқ, - деди эркак, - ҳали зиммангда янги-янги вазифалар турибди. Ишингни охирига етказганингча йўқ. Шунинг учун ҳозир квартирангга боргин-да, тўйга тайёргарлик кўравер! Эшитишимча, бўлғуси қайнотанг тўйни шу кунларда бошлаш ниятида эмиш. Айтганча, ҳали қайнотангнинг кирдикорларини тўлиқ очганингча йўқ. Ишни охирига етказиш керак, йигит!

Обиджон индамади. Сухбатни чўзиб ўтиришга хоҳиши қолмаганди.

Эркак билан совуққина хайрлашган бўлди-ю, йўлида давом этди.

Нияти борибоқ Натальяга қўнғироқ қилиш, унинг нима қилаётгани билан қизиқиб кўриш эди.

* * *

Бир маҳал чоррахага етай деб қолганида, икки милиционернинг кимнидир ўртага олиб хужжатларини текшираётганига кўзи тушди ва таққа тўхтади.

Куртка кийган, паканадан келган, сочларини ўстириб олган бу йигит кўзига таниш кўринарди.

Обиджон қизиқсиниб янада яқинроқ борди.

- Ие, бу Йўлдош-ку! - дея югуриб кетди у ҳамқишлоғи эканини таниб. - Нима қилиб юрибди, сувчининг ўғли?

Ҳақиқатан, бу йигит Обиджонлардан уч-тўрт уй нарида турадиган Самин сувчининг ўғли, ўзининг синфдоши эди.

Обиджон бегона юртда якин кишисини кўриб қолгани сабабми, милиционерлар ҳам кўзига кўринмай, хаш-паш дегунча Йўлдошнинг ёнига етиб борди.

- Йўлдош! - дея бақирди у жонҳолатда дўстини кучиб. - Сенмисан?

- Ие, Обид?

Йўлдош ҳам кутилмаган учрашувдан қувониб Обиджон билан кўриша кетди.

Милиционерлар эса ҳайрат аралаш уларни кузатиб туришгач, бири кутилмаганда Обиджоннинг билагидан тутиб нари сурган бўлди.

- Қоч, йигит, халал берма бизга! - деди дўклаган оҳангда. - Кимсан ўзинг?

- Менми? Бу йигит менинг дўстим! Ҳамқишлоғим-ку! Йўлдош, нима бўлди?

- Ҳужжатларимни текширишяпти, - деди Йўлдош қўл силтаб. - Сира келиша олмаяпмиз.

- Илтимос, акалар, - милиционерларга юзланди Обиджон, - дўстимни қўйиб юборинглар! У бизникига меҳмонга келган!

- Нима бўпти меҳмонга келса? - дағдаға қилди иккинчи милиционер.

- Бўпти, сиз бир дақиқага юринг! - Умрида милиция ходимини четга тортиб кўрмаган Обиджон дағдаға қилган ходимни четга олиб бориб қулоғига шивирлади. - Айтинг, канча берсам, уни қўйиб юборасизлар?

- Нима бало, пулинг шунча кўпми, бойваччалик қилиб қолдинг?

- Пулим-ку, кўп эмас. Аммо дўстимни олиб кетмасам бўлмайди. Уйдагилар кутиб қолишди. Шаҳарни яхши билмасди. Ҳеч кимга билдирмай айланишга чиқиб кетиб қолибди.

- Шунақами? - милиционер Йўлдош ва шериги турган томонга кўз қирини ташлаб олгач, қайтадан Обиджонга юзланди.

- Йигирма беш берасан.

- Гап йўқ! - Обиджон бу гапдан мамнун бош чайқаб чўнтагидан битта йигирма бешталик чиқариб секин милиционернинг қўлига қистирди. - Мана, энди олиб кетаверайми?

- Билганингни қил! Фақат дўстингга айтиб қўй, кейинги сафар қадамини билиб боссин!

- Албатта, айтаман!

* * *

Обиджон Йўлдошни етаклаб истироҳат боғига ўтди ва улар ўриндиқлардан бирига ўтиришди.

- Бу ерларда нима қилиб юрибсан? - сўради Йўлдош Обиджонга бошдан-оёқ разм солиб. - Нега уйингга қайтмадинг, хумпар?

- Э, ишларим кўп, - деди Обиджон. - Биласан-ку, тоғам раҳматлининг ўлими сирларини аниқлашиб керак. Кейин янгамнинг жасадини ё қабрини топмасам бўлмайди.

- Сен қанақа шафқатсизсан ўзинг? - Обиджонни уриша кетди Йўлдош. - Қишлоқда сени ҳамма ўлдига чиқариб қўйган. Аянг бечора ўзини кўярга жой тополмайди. Ҳар куни йиғлагани-йиғлаган. Инсофинг борми ўзи?

Обиджон оғир хўрсиниб ерга боқди.

- Биламан, аямга қийин бўлди. Бироқ бу ерда ўзимгаям осон кечаётгани йўқ. Ҳар куни шаҳар кезаман, изланаман. Аммо ҳозирча ҳеч нарсага эришганимча йўқ.

- Бекорга овора бўляпсан, - деди Йўлдош. - Тоғаннинг ким бўлганини қишлоқдагилар аллақачон билишган.

- Нима?.. Хўш, ким бўлган экан?

Бу саволни Обиджон атайин ўртага ташлаганди. Биларди, агар ўзи тилидан илинадиган бўлса, кечирилмайди. Эртами-кечми, ташкилотдагиларга жавоб бериши керак. Шу сабабли гўё ҳеч гапдан беҳабар одам каби Йўлдошнинг оғзига тикилди.

- Тоғанг жосус бўлган экан. - давом этди Йўлдош.

- Сенга ким айтди буни?

- Дадамнинг дўстларидан бири ҳарбий комиссариатдаги танишидан тасодифан эшитиб қолибди. У айтибдики, жосусларнинг ҳаммаси худди сенинг тоғанга ўхшаб хор бўлиб ўлишаркан.

- Менга қара, - кутилмаганда Йўлдошнинг ёқасидан олди Обиджон, - бу гапни иккинчи марта тилингга олмагин, уқдингми? Менинг тоғам хор бўлиб ўлгани йўқ.

- Бўпти, айтдим-қўйдим-да! Сен бунақанги ақллилик қилгандан кўра, аянгдан хабар ол!

- Менга ўргатма, ўзим биламан нима қилаётганимни!

- Шунақами? Унда яхши қол! - Обиджоннинг муомаласидан қаттиқ ранжиган Йўлдош зарда билан дуч келган томонга кета бошлади. - Мен учун милисаларга тўлаган пулингни қишлоқда қайтараман! Тагин кўрқиб юрмагин!

Обиджон уни қайтармади. Чунки, тоғаси ҳақида бу қадар совуқ гапларни эшитиш жуда алам қилганди.

У Йўлдош кетган тарафга маъюс тикилганича қотиб тураверди.

Йўлдош ўнгга қайрилиб, бошқа кўчага кирди.

Шу пайт ниманингдир тарақлагани, кимнингдир баланд овозда бақиргани қулоғига чалиниб дўсти кетган кўчага қараб чопди.

Лекин у ергача етиб бора олмади. Орқадан ўқдай учиб келган машина унинг рўпарасида тормоз берди-ю, ичкаридан икки эркак яшин тезлигида отилиб чиқиб Обиджоннинг икки қўлтиғидан олишди ва машинага тикиб эшикни ёпишди.

Вазият бу қадар тез ўзгариб кетишини кутмаган Обиджон шошиб олд ўриндикда ўтирган кимсага боқди.

Бу махфий алоқа кутиси ёнида қачонлардир учрашиб суҳбатлашган йигит - яъни, ташкилот вакиллари билан эди.

- Сен ошиқма! - деди йигит. - Дўстим деганинг бизнинг ташкилот тўғрисида гапириб қўйди. Бундай қилиши керак эмасди. Энди унинг тақдири сени қизиқтирмай қўя қолсин. Негаки, ундайлар бир кун келиб сениям сотишдан тойишмайди. Менга қара, сен хозирок банкка жўна! У ерда ҳали қиладиган бир талай ишларинг бор! Қадамнингни ўйлаб бос! Энди машинадан туш!

Обиджон худди қарахт кимса каби гандираклаган қўйи машинадан тушиб нари кетди.

У бир нарсага ҳайрон эди.

Қандай қилиб Йўлдош билан ўрталаридаги суҳбатни эшитишди. Қандай қилиб?

Обиджон ҳовлиққанича Натальяникига етиб келди. У қиздан жуда хавотирда эди. Касали қўзғаб қолишидан, кимсасиз уйда бир ўзи беҳуш ётиб нобуд бўлишидан чўчирди. Шунинг учун дарвозадаги қўнғироқни ҳам чалиб ўтирмай югуриб ичкарига кирди.

Ичкарида эса Наталья ёлғиз эмас экан. Банкир аллақачон ишдан қайтган, ошхонада ота-бола бамайлихотир овқатланиб ўтиришарди.

- Қаерларда юрибсан, Сарсен? - Обиджонни кўриб Григорий Михайлович шоша-пиша ўрнидан турди. - Биз сендан хавотир олиб ўтиргандик.

- Ишлар чиқиб қолди, - дея секин бориб Натальянинг ёнидаги курсига ўтирди Обиджон. - Кутдириб қўйган бўлсам, узр!

- Сарсен, дадам сени ўзига ёрдамчи қилиб олмоқчи! - кулимсираб Обиджоннинг сочларини силади Наталья.

- Нима?

- Ҳа, эртадан бошлаб сен банк бошқарувчисининг ёрдамчиси бўлиб иш бошлайсан, - деди Григорий Михайлович. - Қара-я, билмасканман. Сени банкимиз боғида ўт-ўланларни ўриб, дарахт оқлаб юришингдан буткул беҳабар эканман. Бугун тасодифан эшитиб қолдим. Сенга ярашмайди бу ишларга ўралашиб юриш. Энди банк иши билан банд бўласан.

- Раҳмат сизга, Григорий Михайлович! - бош эгди Обиджон. - Бу яхшиликларингизни ҳеч қачон унутмайман!

- Миннатдорчилик билдиришга ҳали эрта. Тўйни ўтказайлик, ана ўшанда айтаверасан раҳматингни, тўғрими, қизим?

Наталья жавоб ўрнига секин ўрнидан туриб бориб отасининг бўйнидан қучоқлаб олди.

- Сизни жуда-жуда яхши кўраман!

* * *

Орадан бир ҳафта ўтди. Обиджон шу вақт ораллиғида банк бошқарувчиси бажариши лозим бўлган барча юмушларни ўрганиб чиқди. Маълум бўлдики, ёрдамчи банкирнинг барча очик-ёпиқ мажлисларида иштирок этаркан. Бу Обиджон амалга ошираётган ишга жуда катта ёрдам бериши мумкин эди. Айниқса, Григорий Михайловичнинг сўнги кунларда трактор заводини пойтахтдаги корчалонлар кўмагида сотиб олиш ва у ерни деярли ўз мулкига айлантириб, катта фойда олиш ҳаракатида юргани жосуслар ташкилоти раҳбарларини қизиқтирарди. Бу ишда энди фақат Обиджонгина уларга катта ёрдам бериши мумкин эди.

Ниҳоят кутилган онлар яқинлашиб, Москвага икки кунлик сафар билан жўнаб кетган Григорий Михайлович банкка қайтиб келди ва ўринбосарини ҳузурига чорлади.

Обиджоннинг кабинетда бўлиши ҳам шарт эмасди. Негаки, эшитиш мосламаси чўнтагида, ичкарида эса микрофон. Улар кириб кетишлари билан гўёки радио эшитмоқчидек мослама симларини қулоқларига тикди.

Биларди, банк ходимлари қабулхонага бостириб кириб кела олишмайди. Оҳиста киришади-да, аввал рухсат сўрашади. Албатта, овозларини кўтармаган ҳолда сўз қотишади.

Обиджон шуни билса-да, барибир эҳтиёт шарт - эшикни ёпиб қўйди ва мослама тугмачасини босди.

- Хўш, Григорий Михайлович, ишлар қалай? - бу ўринбосарнинг овози эди. - Марказдагилар хафа қилиб қўйишмадими?

- Бэ, бу дунёда олмайдигани бор эканми? - қулди Григорий Михайлович. - Ўзимиз ҳам пора олишни, қандай вазиятда, қай кўринишда, қай тартибда олишни ўшалардан ўрганганмиз-ку! Хуллас, уларга юз минг таклиф қилгандим, шошиб қолишди. Қонуниям, қарорлариям, диёнатиям унутишди. Эртаси кунёқ ҳамма ҳужжатларга имзо қўйиб оқ фотиҳа беришди.

- Ў-ў, бунақаси бўлмаган! - қарсақ чалиб юборди ўринбосар. - Баҳоси йўқ, уддабурон одамсиз-да, Григорий Михайлович. Офарин! Офарин!.. Фақат..

- Нима фақат?

- Энди анови ярамасларни нима қиламиз?
- Кимни назарда тутяпсан? - асабий оҳангда сўради Григорий Михайлович.
- Валерани-да! Уям осонликча жон беришни истайдиганлардан эмас.
- Ким марказнинг буйруғига қарши чиқа олади-а?! Ахир, ҳаммасини ҳал қилиб келдим-ку!
- Тўғри, ҳал қилиб келдингиз. Лекин у ярамас сизга қарши фитна уюштиришим мумкин-да! Эшитишимча, ўша Валеранинг тансоқчилариям бор эмиш! Шаҳарда бир нечта, истаган пайтида ёллай оладиган мерганлариям йўқ эмасмиш!

- Сен буни қаердан билдинг?
- Йигитларимиз гап топиб келишди. Шундай экан, биз ҳам хушёр турганимиз маъқулмикан, дейман-да!
- Тўғри айтасан, - курсининг ғирчиллаб қўйганидан Обиджон сездик, Григорий Михайлович ўрнидан турди. - Унда қулоқ сол, бугун Сарсенни ёнингга олгин-у, тўрт нафар тансоқчи ёлла. Ундан кейин биз ҳам ўшанақанги мерганлардан иккитасини топиб қўйсақ зиён қилмас. Нима дейсан?

- Тўппа-тўғри! Ортиқчалик қилмайди.
- Хўп, кечиктирмасдан ҳозироқ Сарсенни олиб ишга кириш!
- Хўп бўлади!

Суҳбат яқун топганига амин бўлган Обиджон тезда қулоғидагиларни олиб чўнтакка тикди-да, курсисига ўрнашиброқ ўтириб, ўринбосарнинг чиқишини кута бошлади.

* * *

- Сарсен, сенда гап бор, - деди ўринбосар ичкаридан чиқиб. - Юр, кабинетимга кирайлик!
Обиджон стол устидаги майда-чуйда қоғозларни тортмага жойлаган бўлиб ўринбосарнинг кетидан эргашди.
- Ҳозир сен билан бир жойга бориб келишимиз керак, - мақсадга кўчди ўринбосар эшикни ичкаридан тамбалаб курсига ўтираркан.

- Қаерга? - атайин сўради Обиджон ўзини гўлликка солиб.
- Бу жуда муҳим топшириқ. Сен билан биз шеф учун махсус тансоқчилар ёллашимиз керак бўлади. Ундан кейин киллер ҳам.

- Ие, киллерни нима қиламиз?
- Буёғи бизнинг ишимиз эмас. Григорий Михайловичнинг шахсан ўзи ҳал қилади.
Обиджон чўнтагидаги овозлар ёзиб олинган усқунани яна бир карра текшириб олгач, ўринбосарнинг ортидан ташқарига йўл олди.

* * *

Улар машинада ярим соатлар чамаси йўл босиб тўққиз қаватли уйлардан бири ёнида тўхташди.
- Мана шу ерда яқин танишларим яшашади, - Обиджонга тушунтирган бўлди ўринбосар. - Пихини ёрган йигитлар. Ғирт босқинчи деса ҳам бўлади.

- Ҳаммаси равшан, - деди Обиджон бош чайқаб. - Демак, Григорий Михайлович ўзлари учун армия тузмоқчи экан-да!

- Бу нима деганинг? Бутун банкни ўйлаб шундай қияпти у киши! Бўпти, юр-чи!
Тўққизинчи қаватга лифтда кўтарилишди ва ўринбосар ўнг томондаги темир эшик қўнғироғи тугмачасини қайта-қайта босиб қўйиб юборди.

- Ким у? - ичкаридан эркак кишининг дўриллаган овози келди.
- Биз, ўзингиларимиз! - деди ўринбосар. - Боря, сенмисан?
Овоз соҳиби жавоб қайтариш ўрнига эшикни очди.

Уларнинг рўпарасида елкалари-ю, билакларигача игна билан турли суратларни чизиб олган, қиррабурун, ўрта яшар эркак ҳозир бўлди.

- Ҳа, сизмидингиз? - ўринбосар билан кучоқ очиб кўришган бўлди у. - Анчадан бери биз ғарибларни йўқламай қўйгандингиз. Шунинг учун овозингизни танимадим.

- Ҳа, Боря, - ўринбосар қаршисидаги эркакнинг сўзларини маъқуллади. - Ишлар кўпайиб кетди! Хафа бўлмайсан!

- Бу ким? - сўради Боря Обиджонга ишора қилиб.
- Бу йигит ўзимиздан.
- Қани, унда ичкарига кирайлик! - Боря эшикни каттароқ очиб ўринбосарни квартирага бошлади.

* * *

Ўринбосар Обиджоннинг гувоҳлигида тўрт нафар тансоқчи ва бир киллерни ёллаб, Борянинг ҳақини ҳам квартиранинг ўзида қўлига тутқазди. Эркак йигитларнинг суратларини унга кўрсатиб, шу кунгача эришган натижалари билан яқиндан таништирди. Шундан кейингина улар хайр-хўшлашиб квартирадан чиқишди.

Обиджон учун буларнинг барчаси ҳам қизикарли, ҳам кўрқинчли эди. Айниқса, "Бўрон" лақабли киллернинг натижаларини эшитганида, шу пайтгача йигирма беш нафар одамнинг ёстиғини қуритганидан воқиф бўлганида, хайрон қолди. Ахир, бу ишлар ғирт жиноят-ку! Нега улар шунақа хавфли ишларга ҳам хотиржамлик билан ёндашишади? Қўрқинмайдимми? Нега? Пуллари кўплиги сабабми?

Обиджон жумбоқли саволлар исканжасида ўзи кириши лозим бўлган подъездга яқинлашиб келганида, уни қора куртқа, қора кепка кийган бир йигит тўхтатди.

- Мен махфий алоқа қутисидан келдим, - ўзини жосусларга хос сирли равишда таништирди йигит.

Бу сўзлар Обиджонга ҳам ёд бўлиб кетган, кўникиб қолган. Сира ўзини йўқотмасдан, йигитдан сўради:

- Нима гап?

- Биринчидан, сиз менинг қўлимга бугунги иш натижаларини топширишингиз лозим.

- Шу ерда-я?

- Хохласангиз, уйингизга киришимиз ҳам мумкин.

- Албатта, ичкарида гаплашмасак бўлмайди. Юринг!

* * *

- Сиз ўзи кимсиз? - сўради Обиджон уйга кириб йигитни ўтиришга таклиф қиларкан. - Ўзингизни таништирасиз, ҳеч бўлмаса?

- Мен резидентман, - жавоб қилди йигит. - Бугундан эътиборан сенинг раҳбаринг ҳисобланаман.

- Исмингиз?

- Исмини билишинг шарт эмас. Юз тузилишимни, товушимни эслаб қолсанг кифоя.

- Тушунарли.

- Энди яхшилаб қулоқ сол. Сен иш олиб бораётган банк раҳбари яна бир катта жинойтга қўл урганидан хабардорман. Лекин шуням унутмагинки, банкир тилга олган ва курашмоқчи бўлаётган ўша Валераям фаришта эмас. Унинг заводида кўплаб жинойтларнинг излари беркиниб ётибди. Сен бир тўла ўша Валеранинг ҳам сирларини фош этишинг керак.

- Қандай қилиб? Ахир, мен...

- Банкир бу ишга сениям жалб этади. Сен бўлсанг, унинг душманларига сотиласан. Яъни, Григорий Михайловичнинг яширинча олиб бораётган ишларидан баъзиларини уларга етказасан. Қарабсанки, уларнинг сенга нисбатан ишончлари ортиб ҳамкорлик қилгилари келиб қолади. Шу баҳонада сен ўз ҳаракатингни амалга ошираверасан.

- Уқдим, - деди Обиджон бошини қашиб. - Бироқ бу анча мушкул иш. Григорий Михайловичнинг кўзларига қандай қарайман?

- Билиб қўй, сенинг ишингда уят, номус, андиша деган майда-чуйда ҳиссиётлар асосий ўринни эгаллашмаслиги керак. Энди мановини олиб қўй!

Резидент сумкачасидан бир даста элликталик чиқариб Обиджонга узатди.

- Буни нима қиламан? - ҳайрат аралаш сўради Обиджон. - Кўп-ку!

- Йўл-йўлақай шундай вазиятлар пайдо бўладик, пулсиз чиқиб кетолмайсан. Ўшанда асқотиб қолади.

Обиджон учун ҳақиқатан бунча пул ваҳимали туюларди. Сабаби оддий: кишлоқда ўсган. Бироқ кишлоқнинг манаман деган бойида ҳам эллик минг сўм пул ҳеч қачон бўлмаса керак.

“Бу нусха жа борса икки-уч ёшгина катта мендан, кўнглидан кечирди Обиджон Резидент чиқиб кетгач. Чўнтаги эса пулга тўла. Тўхта, мабодо шу пулларнинг бир қисмини уйга жўнатиб юборсам-чи! Аям роса хурсанд бўларди. Боргандан кейин уйимизни қаср қилиб юборардик. Э, нималар деяпман? Орқамдан соядай эргашиб юришади-ку булар! Алоқа бўлимларини текширмай қўйишармиди! Майли, омон бўлсам, уйга пул ишлашга имкон топарман. Бировнинг берган пули буюрармиди!”

Обиджон эртанги ишларини хомаки режалаштирган бўлиб, секин залга кирди ва Натальяга кўнғироқ қилиш мақсадида телефон гўшагини кўтарди.

* * *

Эртаси куни Григорий Михайлович ёлланган тансоқчилар ва ўринбосари ҳамроҳлигида ёғ заводи директори Валеранинг дала ҳовлисига йўл олди. Улар орасида Обиджон ҳам бор эди

У авваллари бу қадар хунук манзарани сира кўрмаган. Ўртада банкир, икки ёнида барваста тансоқчилар, орқада эса Обиджон ва ўринбосар шошилмасдан ҳовлига кириб боришарди. Ташқаридан қараган одам қандайдир мафиячилар келяпти, деб ўйлаши турган гап.

Уларни ҳам Валеранинг қўриқчилари кутиб олишгани банкирнинг жаҳлини чиқариб юборди.

- Қара, - деди у ўринбосари томон ўгирилиб, - ҳозирдан қўриқчиларгача қўйиб ташлабди уйига. Шунчалик пули кўпмикан бу нусханинг?

- Пули кўп-озлигини билмадим-у, - жавоб қилди ўринбосар, - лекин ўта муғомбир ва мунофиқлигидан хабарим бор.

- Шунақа дегин? - кибр билан дала ҳовлини кўздан кечирган бўлди банкир. - Кўрамиз, бизни кўрганида қай аҳволга тушаркан!

Аммо Валера уларни кўриб ҳам бир туки ўзгармади. Аксинча, ялтироқ матодан тикилган шалвар чўнтагига қўл солган қўйи олдин барчани бир-бир синчиклаб кўздан кечирди. Сўнгра банкирга юзланди:

- Келинглар, - сўрашиш учун истамайгина қўл узатаётди сўради у. - Қайси шамоллар учирди бизнинг кулбаларга?

- Сен томонларда жуда кучли шамол турди, сезмадингми? - захархандалик билан Валерага сўз қотди банкир.

- Йўқ, негадир пайкамабман.
- Пуллариногача учириб бутун шаҳарни босиб ётибди-ку! Ҳатто, ўша ташландиқ заводгача учириб борибди.
- Ҳа-а, гап буёқдами? - совуқ тиржайди Валера. - Шу гапингиз бор экан, дарҳол айтиб қўя қолмайсизми?
Қани, ичкарига марҳамат қилсинлар!

- Йўқ, - банкир кескин бош чайқади, - вақтимиз жудаям зик. Шу ер ҳам бўлаверади бизга.
- Қаҳва-пахва дамлаб меҳмон қилардим.
- Менга қара, Валера, - мақсадга кўчди банкир. - Сени огоҳлантириб қўяй, трактор заводига бошқа кўз олайтирма! Акс ҳолда йигитларим иккала кўзингним ўйиб олишлари мумкин!

- Ха-ха-ха-ха! - беихтиёр овозининг борица кулиб юборди Валера. - Бу гапни сиздан кутмагандим, Григорий Михайлович, кутмагандим!

Ва бирдан жиддий тортиб банкирга яқин келди.

- Янглишяпсиз, жаноб, янглишяпсиз! Ҳали менинг кўзларимни ўйиб оладигани онасидан туғилган эмас. Ё ишонмайсизми?

Валера секин ортига ўгирилиб, бир марта қарсақ чалди. Шу заҳоти уйнинг иккинчи қаватдаги болаҳона деразалари очилиб, бир эмас, тўртта автоматнинг учи кўринди.

- Кўрдингизми? Агар ҳозир буйруқ берсам, ҳурматли банкир эканингизга қараб ўтиришмайди. Сиз бир нарсани унутманг! Ҳозир мамлакат инқироз ботқоғи тепасида турибди. Башарти отни қамчилаб қолмасангиз, кўз очиб юмгунча бошқа замонлар кириб келади-ю, сизниям, мениям чилпарчин қилиб юборади. Йўқ, сиз мана бу қуролланган йигитлар ҳақидаям ёмон хаёлларга борманг! Милисага бераман, деб ҳам ўйламанг! Овора бўласиз. Милисалар ҳам аллақачонлар ўзгарган. Уларнинг ҳам тирикчилиги бор, шу ҳақда кўпроқ ўйлай бошлашган. Ҳали шундай кунлар келадики, мана шу қуролланган йигитларсиз ҳеч иш қила олмай қоласиз. Завод масаласига келсак, бекорга ўзингизни қийнаманг. Завод меники ва уни мендан ҳеч ким тортиб ололмайди.

- Шунақами? - банкир деразадан чиқарилиб ўзи ва ёнидагиларга тўғрилаб қўйилган автоматларга бир қараб олди-да, қўл силтади. - Яхши, бу гал сен ютдинг. Лекин билиб қўй, биз яна учрашамиз сен билан. Қани, ўшандаям ҳозирги билағонлигингни кўрсата олармикансан?! Омон бўл!

У Обиджон ва ўринбосарга “кетдик” ишорасини қилиб дарвоза томонга юрди.

* * *

Энди Обиджон асосий ишни ҳам унутиб қўймаслиги лозим эди. Валеранинг дала ҳовлисига келиш йўлларини билиб олгач, эртаси куниёқ такси тутиб шу манзилга етиб келди.

Вақт шомдан ошганди. Дала ҳовлисидаги кўча чироқлари ҳам ёқиб қўйилган. Дарвоза ёпиқ.

Обиджон такси билан ҳисоб-китоб қилгач, ўзича бироз мулоҳаза қилган бўлиб дарвозага яқин борди ва кўнғироқ тугмачасини босди.

Шу ондаёқ зулфин суғурилиб кечаги кўриқчи йигит пайдо бўлди.

- Сенга ким керак? - дўклаган оҳангда сўради у Обиджондан.

- Ким бўларди? Валера керак.

- Кимсан?

- Кимлигимни жуда яхши билиб турибсан, - деди Обиджон бўш келмай. - Кеча кўрганинг!

- Нима ишинг бор хўжайинда?

- Бунинг сенга аҳамияти йўқ. Яхшиси, хўжайинингга айт, унга етказадиган зарур хабарим бор!

- Бўпти, шу ерда кутиб тур!

Кўриқчи қайтадан дарвозани ёпди-да, ичкарига кириб кетди.

Бу орада Обиджон гапни нимадан бошлаш муҳимлиги ҳақида бир қарорга келиб ҳам олди.

- Киравер, сени кутяпти хўжайин! - ниҳоят чиқиб Обиджонни ичкарига таклиф этди кўриқчи.

Обиджон дадил қадамлар билан турк гиламлари тўшаб қўйилган мрамар зиналардан кўтарилиб Валера ўтирган хонага кириб борди.

- Сени кеча анови банкирнинг ёнида кўрмаганмидим? - сўради Валера совуққина салом-алиқдан сўнг.

- Ҳа, ўшанинг ёнида эдим, - жавоб қилди Обиджон.

- Хўш, бугун нега бир ўзингни жўнатди банкир?

- Мени у жўнатгани йўқ. - деди Обиджон Валерага тик боқиб. - Ўзим келдим.

- Нима учун?

- Муҳим хабарни етказиш мақсадида.

- Қанақанги хабар?

- Индинга банкир сизни овлоқ бир жойга таклиф этиш ниятида. Лекин тўртта жойга пистирма ўрнатилган.

Улар машиналарингизни портлатиб юборишмоқчи.

- Нима? Шу замонда ўша Гриша портлатишга қандай журъат этаркин? Милисалардан ўлгудай кўрқади-ку!

- Бунисини билмадим, - деди Обиджон.

- Сен қаердан билдинг бу гапларни?

- Чунки, мен унинг ёрдамчиси бўлиб ишлайман.

- Ие, ҳа, ўша сенмисан? - кулди Валера Обиджонга қаттиқроқ тикилиб. – Анови, нимаиди... Гришанинг кизига ошиқу беқарор бўлиб юрган-а?

- Шундай десаям бўлади, - жилмайиб қўйди Обиджон.

- Менга қара, нега энди сен бўлғуси қайнотангинг сирли ишлари ҳақида мени огоҳлантиришга қарор қилдинг? Сабаби борми?

- Сабаблари кўп. Уни кўришга кўзим йўқ. У жуда хасис ва мунофиқ одам.

- Шунақами?

Валера бош чайқай-чайқай, бир муддат Обиджонни зимдан кузатиб қолди. Кузатганда ҳам бошдан-оёқ, кўз қарашларию, пешанасидаги баъзи ўзгаришларгача эринмасдан назар солди. Ва ниҳоят худди уйқудан уйғониб кетган одам каби бир силкиниб бошини кўтарди.

- Шунақа дегин? - шовилмасдан сўз бошлади у. - Вой, Гриша-ей! Оббо, айёр-ей! Ҳа, майли, сен менга яхшилик қилдинг, йигит! Мен яхшиликни унутиб юборадиган одамлардан эмасман. Сенга бир ажойиб таклифим бор.

- Қулоғим сизда, - деди Обиджон иш энгил кечаётганидан қувониб.

- Менга хизмат қилмайсанми?

- Қ-қанақасига? Ахир мен...

- Биламан, сен банкирнинг қўлида ишлайсан. Бу ишингга халал бермайман. Сен бугунгидек Гриша ҳақида ноёб ахборотлар йиғиб келасан. Шундай хабарлар бўлиши керакки, якин орада мен уни синдириб ташлай. Ва қайтиб заводга оғиз сола олмайдиган аҳволга тушсин!

- Яхши пул тўласангиз, розиман! - деди Обиджон ўйлангандек.

- Пул дейсанми? Сенга шундай ҳақ тўлайманки, кечаю-кундуз ичида сузиб юрасан, йигит! Эсингдан чиқарма, мен душманларимни йўқ қилиш йўлида пул аямайман!

- Розиман!

- Жуда соз! - Валера кафтларини бир-бирига ишқалаб Обиджоннинг елкасидан тутди. - Қани, юр ичкарига! Сен билан келишувимизни ювамиз, юр, тортинма! Мен тортинчоқларни ёмон кўраман!

* * *

Обиджон ўзида йўқ мамнун эди. Ахир, у ташкилот олдига қўйган топшириқларни уддалай оляпти. Мана, Григорий Михайлович уёқда қолиб, Валеранинг баъзи сирларини ҳам ташкилотга маълум қилди. Резидентнинг айтишича, қуролли кимсаларни уйида сақлаганининг ўзи жиноятни очишга ва уни қўлга олишга етарли ҳисобланаркан. Бироқ ташкилотдагилар яна қўшимча, бундан-да жиддийроқ ва жамият учун хавфлироқ жиноятларининг ҳам очилиши тарафдори экан. Шу сабабли Обиджонга ҳаракатда давом этиш буюрилибди.

- Сен билан биз ажойиб ҳийла ўйлаб топамиз! - деди Валера Обиджонга.

- Қандай ҳийла?

- Мен сени гаровга олган бўламан. Қани, бунга банкир қандай муносабат билдираркан? Агар, у сени озод этиш учун зарур чоралар кўрмасдан ўз ишини давом эттирса, бошқачароқ йўл тутишга тўғри келади. Хўш, маъқулми?

- Сиздан бир илтимосим бор, - деди Обиджон.

- Айтавер, ҳозирча кўнглим бўшаб турибди.

- Мен бир умр ёғ заводи ичкарасида бўлишни орзу қилгандим.

Валера бу гапни эшитиб бирдан хушёр тортди. Биринчи галда бўлгани каби қаршисидаги Обиджонга сирли қараш қилиб хаёлга ботди.

- Йўқ, - жавоб қилди ниҳоят, - бунинг иложи йўқ.

- Нега? Мен қандай ёғ ишлаб чиқаришларини томоша қилмоқчиман, холос.

- Барибир мумкин эмас. Сен ўз вазифангни бажар, бошқасига бурнингни тикма!

- Хўп бўлади! - бош эгди Обиджон. - Бурнимни тикмаганим бўлсин!

* * *

Бугун Обиджонга резидент тарафидан навбатдаги топшириқ берилди. У тунда ёғ заводи ичкарасига кириб олиши лозим эди.

- Валера ҳар куни биттадан ёғ тўлатилган машинани ўғринча ўз манфаатини кўзлаб сотади, - деганди резидент. - Лекин ҳалигача кимга, қандай йўл билан ёғ сотилаётгани ҳақида ҳеч ким етарли маълумотга эга эмас. Сен шу кеча аниқлайсан!

Обиджон ҳам айёрлик қилди. Бугун зудлик билан Натальяни кўрмаса бўлмаслигини айтиб Валераникида қолишдан халос бўлиб олди. Бир қарра эҳтиёт шарт деб шаҳар айлангач, одатига кўра такси ёллаб ёғ заводининг орқа тарафига келиб тўхтади.

Сабаби оддий эди. Марказий дарвозадан кира олмайди. Биринчидан, уни ичкарига қўйишмайди. Иккинчидан, мабодо бирортаси таниб қоладиган бўлса, Валера қаттиқ ранжиши ва режалар барбод бўлиши мумкин.

Обиджон ўзини худди ўта тажрибали жосуслар каби эркин тутган ҳолда атрофни кузатди. Бу томонда ҳеч зоғ кўринмайди. Девор остларини чанг, ахлат босган. Қолаверса, сўқмоққа ўхшаб кетадиган торгина йўлдан машина ўта олиши ақлга сиғмайдиган гап эди.

У ҳеч ким кўрмаётганига тўлиқ амин бўлгач, бир сакраб деворга чиқди ва завод ҳовлисига ўзини ташлади. Ҳовли шу қадар кенг эдики, ёғ ишлаб чиқарилаётган цехлардаги чироклар анча олисдан кўзга ташланарди. Обиджон эҳтиёткорлик билан олдинга интилди.

Хўш, кузатишни нимадан бошлайди? Албатта, маҳсулот ортилган машиналардан. Лекин, улар қаерда?

“Ҳозир аниқлаймиз, деди ўзига-ўзи Обиджон паналаб-паналаб биринчи цех жойлашган ерга яқин бораркан. Хў-ўш, бу ерда... Йўқ, бу ерда қадокланмайди чамаси. Қадоклаб машинага ортиладиган жой ҳов анави яшил эшик бўлса керак”.

Обиджон яшил эшик томон юриб бориб дарахтлар панасига беркинди.

Ҳақиқатан, бу цех бошқаларига нисбатан ўн чандон катта ва очиқ дарвозадан машиналар кириб-чиқиб турганини аниқ кўрди.

“Шу экан, деди хаёлан. Ана, иккита машина чиқиб кетди. Эҳ, буларнинг қонуний ёки ноқонуний олиб чиқиб кетилишини қандай аниқлайман? Уф-ф! Ўзим ҳам ўтакетган овсар эканман! Бу ерда нима бор эди менга? Ахир, машиналар йўналишини, йўқ, йўқ, нималар деяпман ўзим? Ишчи кийимини топишим, сўнгра...”

Обиджоннинг хаёллари буткул чалкашиб кетганди. У нима қилишни, қандай йўл тутишни билмас, у ёқда эса ўнлаб машиналар ўз маҳсулотларини юклаб заводни тарк этарди.

- Йўқ, бу ишни эплай олмадим, - деди Обиджон ҳафсаласи пир бўлиб. - На униси, на буниси тўғри келади. Майли, пешанамга ёзилганини кўравераман. Қўлидан келса, мени отиб ташласин ўша резиденти. Шундоқ ҳам қанча ишларини қойиллатиб бердим. Битта шу ишни эплай олмадим, десам, ўлиб қолмас!

Обиджон бир қарорга келди. Ҳа, заводдан у кетади. Ҳеч гап бўлмагандек, Валераникига кириб боради-да, ўзи учун ажратилган хонага беркиниб олганча уйқуга кетади. Эртага эса, Худо пошшо!

Обиджон девордан ошиб тушгач, негадир марказий дарвоза томонга боргиси келиб йўналишни ўзгартирди.

- Тўхта, - хаёлига келган тасодифий фикрдан жонланиб турна қатор бўлиб қаергадир ёғ олиб кетаётган машиналарга тикилиб қолди. - Бирортасига чиқиб олиб текширсам қандай бўларкан-а? Майли, дўконларга олиб боришсин, баҳонада ниманидир билиб олармидим!

У тез-тез юриб бориб қоронғироқ жойда тўхтади ва машиналарни қўл силтаб тўхтата бошлади. Олдиндаги ўнтчаси парво ҳам қилмади. Аммо энг сўнгги дарвозадан чиққани қаттиқ тормоз бериб Обиджоннинг рўпарасида тўхтади.

- Ака, шаҳаргача олиб кетмайсизми? - ялинганнамо оҳангда сўз қотди Обиджон ҳайдовчига.

- Мен шаҳарга бормайман-да! - елка қисди ҳайдовчи.

- Майли, олиб кетган ерингизгача кетавераман. Уёғига йўлимни топарман.

- Бўпти, ўтир!

Обиджон эпчиллик билан бир сакраб кабинага чиқиб ўтириб олди.

Ҳайдовчи индамасдан рулни бошқариб борар, баъзан Обиджонга ўғринча кўз ташлаб қўярди.

- Ёғ ташийсизми? - атайин ўртадаги жимликни бузиш ниятида сўради Обиджон.

- Ҳа, ёғ ташийман, - жавоб қилди ҳайдовчи.

- Қаерга олиб борасиз? Қишлоққами?

- Оббо, сен-ей, жа қизиқувчан экансан-ку-а? - кулди ҳайдовчи. - Бу ёғларни катта бир амалдорнинг омборига олиб кетяпман.

- Ие, нима қилишади шунча ёғни? - Обиджон ўзини шу қадар содда кўрсатишга интилардики, бу ролини ўхшата олаётганиданми, ҳайдовчи кулмасдан жавоб бера олмасди.

- Буними? Бунни орқаларига тикишса керак!

Обиджон ҳам унинг кулгусига жўр бўлди. Аммо бошқа ҳеч нима сўрамади.

У аниқ сезганди. Бу машина резидент айтганидек, ўғирлик ёғ олиб кетяпти. Қанийди, ҳайдовчи индамаса-ю, манзилнинг охиригача бориб ҳаммасини ўз кўзи билан кўрса!

Афсуски, бунинг иложи йўқ эди. Обиджон қилиши мумкин бўлган иш машина давлат рақамини ёдда сақлаб қолиш-у, ёғ олиб кетилган йўлни тахминан билиб қўйиш, холос.

Тахмин қилганидек, ҳайдовчи дала йўлга чиқилганидан сўнг ўннга қайрилди-да, машинани тўхтади, Обиджонни тушириб юборди.

* * *

Катта, серкатнов йўлга ўн-ўн беш дақиқалар оралиғида чиқиб олган Обиджон билдики, ҳайдовчи уни айланма йўллар билан олиб келган экан. Аслида Валеранинг дала ҳовлисигача бу ерлардан бир қадам эди.

У машина тўхтадиб ўтирмади. Пиёда, тоза хаводан нафас олиб йўл юришни маъқул топди.

Фақат қоронғи кечада қаерга боришни билмай гаранг эди. Квартирасига боришни истамайди. Натальянинг олдига эса...

- Жуда соғиндим сени, Наталья! - дея сўзланиб борарди у. - Қанийди ҳозир қанотим бўлса-ю, учиб бориб ёнингда бўлиб қолсам! Йўқ, ҳозир борсам-у, банкир сирларимдан огоҳ бўлган бўлса. Э, қай сиримдан огоҳ

бўлади? Валера билан келишганимни эшитган чиқадими? Валера ҳаётда айтмайди. Чунки, улар бир-бирларига душман.

Барибир Валераникига борганим маъқул, шекилли. Нега деганда, биринчи кунданок бормай қўйсам, шубхаланишга тушади. У ярамас кейинчалик банкирга сотиб қўйишданам тоймаслиги мумкин. Ҳа, энг яхши йўл - Валераникига кириб боравераман. Сўраб қолса, бирор баҳона ўйлаб топарман.

Обиджон турли хаёллар билан бўлиб манзилга яқинлашиб келганини ҳам сезмай қолди.

Ана, кейинги бурилиш Валеранинг ҳашаматли ҳовлисига кетадиган йўл!

Обиджон беихтиёр тўхтаб, чўнтагидаги эшитиш мосламасини кўздан кечириб олди.

Ҳаммаси жойида. Энди бемалол, хотиржамлик билан ҳовлига кирса бўлаверади.

* * *

Дарвозада турган қўриқчи уни гап-сўзсиз ичкарига киритиб юборди.

Обиджон одамгарчилик юзасидан бирров саломлашиш ниятида Валера ўтирадиган хона эшигини тақиллатди.

- Кираверинг! - бу Валеранинг товуши эди. - Ким у?

Обиджон секин эшикни очди-да, ичкарига қадам қўйди.

Хонада сукунат ҳукмрон эди. Телевизор қаршисидаги курсида ҳар доимгидек Валера ўтирар, наридаги курсиларни эса тансоқчилар эгаллашганди.

Обиджон кириши билан ҳаммалари ўринларидан туришди.

- Ие, тилла бола, - дея кулимсираб Обиджонга яқин келди Валера. - кутдириб юбордилар-ку-а? Қаерларда юргандилар?

- Мен, шаҳар айланиб...

Обиджон сўзини охирига етказа олмади. Валера гапни илиб кетди:

- Хўш, ёғ заводи сизга ёқдими?

- Қ-қанақа ёғ заводи? - тутила-тутила сўради Обиджон.

- Ўзимизнинг ёғ заводимиз-да, қайси бўларди?! Машиналарда саёҳат қилибсиз, буниям эшитдик! Хўш, ўша машина кетган йўлниям эслаб қолдингизми?

Обиджон индамади.

У ҳаммасига тушуниб етган эди. Демак, Валера унинг орқасидан одам қўйган-у, кузатувчилар етказишган.

- Хўш, эслаб қолсам нима? - энди дадил туриб Валерага савол ташлади Обиджон.

Бу саволи эса ўзига қимматга тушиши мумкинлигини англаб етмабди.

Валера кутилмаганда унинг ёқасидан бўғиб деворга қисиб олди.

- Сен ифлос, мени лаққа туширмоқчи бўлдингми? - кичқирди Валера. - Мени-я? Чучварани хом санабсан, бола! Мен анойилардан эмасман! Сен ё милисаларнинг вакилисан ё... Йў-ўқ, милисалар сендақаларни бошига урадими?! Сени ўша банкир юборган. Менинг нозик тарафларимни аниқлаб боришни буюрган. Сен эса ҳам мендан, ҳам хўжайинингдан пул ундириб қочмоқчи бўлдинг! Йўқ, бунақаси кетмайди! Энди сени қилмишинг учун жазолайман! Биласанми қандай қилиб?

Обиджон бир силтаниб Валеранинг қўлини ёқасидан олиб ҳам ташладик, нарида ўтирган тансоқчилардан бири чошиб келиб қорни аралаш зарба берди.

Обиджон оғриққа чидай олмай, энгашиб қолди.

Валера яна уни силтаб кўтарди:

- Ҳозир манови акаларинг билан бирга банкирникига борасан. Ўзинг севган Натальянгни менинг ҳузуримга олиб келасан!

- Олиб келмасам-чи!

Бу саволи учун тансоқчи яна бир зарба йўллади.

- Сен ўзбошимчалик қилма! - огоҳлантирди Валера Обиджонни елкасидан ғижимлаб. - Акс ҳолда итдай ўлиб кетасан ва ўлигинг тугул арвоҳингниям ҳеч ким топа олмайди. Бор, буйрукни бажар!

На илож! Зўрларга барибир шу тобда бас келиб бўлмаслигини Обиджон ҳам англай бошлади.

Уни икки нафар тансоқчи итара-итара машина турган гаражга олиб киришди.

Обиджон худди шундай тазйиқлар остида салонга кириб ўтирди.

Машинада худди маҳбуслар каби ожиз ва нотавон аҳволда кетиб бораркан, Обиджон хаёлан ўзини-ўзи лаънатлар, ўша уловга чиқиб ўтиргани, ўзбошимчаларча текширув ўтказмоқчи бўлганига минг пушаймонлар ер эди. Аммо энди кеч. Ҳозир манови барзангилардан қочиб ҳеч қаерга кета олмайди. Улар Обиджонни ғажиб ташлашга тайёр. Ортиқча уриниш эса ўлим билан якун топиши муқаррарлигини яхши тушуниб турибди.

Машина шаҳар кўчалари бўйлаб ўқдай учганича ниҳоят дала-дашт, кенг яйловларни босиб ўтиб Григорий Михайловичнинг дала ҳовлисига етиб келди.

Ана, уй чироклари ёниб турибди. Ҳозир ичкарига киришади. Банкир ҳам ҳеч нарса қила олмайди. Чунки, булар курулланган ва туйқусдан кириб боришади. Обиджон эса жондай азиз Натальясининг кўзларига боқа олмаган, бошини эгган кўйи уни машинага олиб чиқиши, ўша ярамас Валеранинг ифлос кўлларига топшириши, қизни қийноққа солишларини ўз кўзлари билан томоша қилиши зарур.

Агар уйга киргач, қочиб кетишса-чи? Масалан, деразадан ошишади-да, дуч келган тарафга югуришади. Етиб олишармикан? Албатта, етиб олишади.

Обиджон юраги орқага тортганича бўшашиб машинадан тушди.

- Билиб қўй, - уқтирди йигитлардан бири, - биз шу ерда - машинанинг ёнида кутамиз. Ўзинг кириб олиб чиқасан ойимчангни! Башарти, қочишни хаёл қилган бўлсанг, огоҳлантириб қўяй, итдай ўлиб кетасан. Ҳали бизнинг қўлимиздан ҳеч ким қочиб кета олмаган.

- Буни ўзим ҳам биламан, - деди Обиджон бўш келмай. - Менга ўргатмай қўя қол!

- Эҳ, - сал нарида турган барзанги Обиджоннинг жавобини эшитиб икки кўлини мушт қилди-да, бир-бирига уриб-уриб қўйди. - Қанийди ихтиёр ҳозир менинг кўлимда бўлса! Бу итдан тарқагани мана шу кўлларим билан бўғиб ўлдирардим.

Обиджон индамасдан дарвозадан ичкарига кирди.

Ҳайрон бўлди. Илгари мана шу дарвоза ёнида икки нафар соқчи, албатта, ўтирган бўлар, ким бўлишидан қатъий назар, хужжатини кўрсатишга, ҳисоб беришга мажбур эди. Ҳозир эса ҳовли хувиллаб қолибди. Нима бўлиши мумкин?

Обиджон секин эшикни очиб уйга кирди. Йўлакда ҳеч ким кўринмасди.

- Наҳотки, Наталья касалланиб, Григорий Михайлович уни шифохонага олиб кетган бўлса? - кўнглидан ўтказди Обиджон. - Унда нега менга хабар беришмади? Нима учун билдиришмади? Кошқийди, шундай бўлиб чиқса!

Обиджон узун йўлакдан тез-тез юриб ошхона томонга ўтди. У ер ҳам бўм-бўш эди.

Ҳовлиққанича ортга қайтиб ўнгдаги йўлак орқали залга ўтди.

Шу хонадан кимнингдир пикиллаб йиғлагани қулоғига чалингандек туюлди ва шошиб эшикни очди.

Телевизор қаршисига қўйилган диван устида Наталья йиғлаб ўтирар, кўз ёшлари юзлари, томоқ остиларигача оқиб тушганди.

- Сенга нима бўлди? - югуриб бориб Натальянинг елкасидан кучмоқчи бўлди Обиджон.

Лекин қиз даст ўрнидан туриб ўзини четга олди.

- Йўқол, сотқин! - йиғи аралаш қичқирди Наталья. - Нега келдинг? Қилғиликни қилиб қўйиб яна нега кириб келдинг уйимизга? Йўқол!

- Мен тушунмадим, - деди Обиджон. - Нега мени ҳайдаяпсан? Сенга нима ёмонлик қилдим ўзи?

- Сенми? Ҳали нима иш қилиб юрганингни билмайди, демокчимисан? Артистлик қиялсан-да?! Бизни аҳмоққа чиқармоқчимисан? Дадамни хонавайрон қилдинг-ку, ярамас!

- Нима қилибман? Мен ахир, эндигина Валераникидан келяпман!

- Ёлғон гапирма! Унда мановилар кимнинг иши? Буниям сен қилмаганмисан?

Наталья стол тортмасидан кичик микрофонлардан иккитасини олди-да, Обиджоннинг юзига ирғитди.

Обиджон шундагина бор ҳақиқатни англаб етди. Демак, банкир қўлга олинган. Демак, у олиб борган ишлар яқун топган-у, милиция ходимлари банкирни қамоққа олишган.

Хўш, энди нима қилади? Натальяга қандай тушунтиради? Қандай йўл тутади? Ёки ҳаммасига тупуриб қизни судраб машинага олиб чиқадими? Шунда тушунадими қиз? Йўқ, тушунмайди. Аксинча, нафрати янада ортади. Ишончини баттар йўқотади.

Яхшиси, ётиғи билан айтиб кўради. Тушунса, тушунар. Тушунмаса, унда Обиджон пешанасидан кўради-ю, тақдирига ёзилганини кўраверади.

- Бу ишларни мен қилганим рост, - деди Обиджон ўксиб-ўксиб йиғлаётган Натальяга сал яқин бориб. - Лекин ўз ихтиёрим билан қилган эмасман, ишон! Мен ҳам давлат топшириғини адо этганман.

- Нега айнан менинг дадамни танладинг? Нега менинг бошимни айлантириб ичимизга илондай сирғалиб кириб олдинг? Шунчалик пасткашмисан? - Қиз ўт ичида сўзланар, ҳар сўзлаганида титраб-титраб кетарди.

- Бўлди, бас, етар! - куч билан қизни кучоқлаб олди Обиджон. - Мени қийнайверма! Ахир, даданг жиноятчи, тушуняпсанми, жиноятчи! Бир кунмас-бир кун шу воқеа содир бўлиши керак эди. Сен менга қулоқ сол, ҳозир иккимиз ҳам боши берк кўчага кириб қолиш арафасида турибмиз! Менга ёрдам бер!

- Сен энди менга ҳеч ким эмассан! - деди Наталья ўзидан Обиджонни нари итариб. - Ҳеч ким эмассан!

- Ҳаммасини англаб турибман. Лекин, биласанми, кўчада Валеранинг йигитлари турибди. Сени олиб кетишга келишган улар!

- Нима? - қиз бирдан хушёр тортиб орқага чекинди. - Ҳали... Сен мениям сотдингми?

- Нега сотарканман? Келиб-келиб сени сотаманми, жоним? Асло ундаймас. Сен нотўғри ўйлаяпсан. Улар мени гаровга олишган. Қочайлик! Уйингда бирор яширин йўл бўлса, айт, сени олиб қочай! Акс ҳолда хароб бўласан, тушуняпсанми, хароб бўласан! Улар дадангнинг ўчини сендан олишмоқчи!

- Олиб бўпсанлар! - дея Обиджонга нафрат билан боқди Наталья. - Биламан, сен ҳам ўшаларнинг шеригисан. Ўшаларнинг буйруғи билан дадамни сотгансан! Энди...

- Э, ғалчалик қилавермасанг-чи!

Обиджоннинг тоқати тоқ бўлди. Натальяни даст кўтариб олди-да, дераза олдига борди.

- Фақат қичқирма! - деди шивирлаб. - Қичқирсанг, ановилар эшитади ва иккимизниям итдай отиб ташлашади.

Обиджон бир қўли билан деразанинг бир қанотини очиб Натальяни охиста пастга туширди ва кетидан ўзи ҳам ерга сакради. Ҳовлининг бу тарафи ҳақиқатан бегона кўзлардан холи эди. Томорқага қандайдир кўкатлар экиб ташланган, тўрт томони тиканли сим билан ўраб чиқилган эди.

Обиджон эҳтиёткорлик билан симларни бир-бирдан ажратиб аввал Натальяни ўтказди. Сўнгра ўзи ҳам ошиб ўтиб қизнинг қўлидан тортқилаганича девор томон чошиб кетди.

Тўғри, девор анча баланд экан. Бироқ Обиджон бунинг ҳам йўлини топди. Тимирскиланиб узун ёғоч топди-ю, иккови ҳам амаллаб бошқа бир кўчага ўтиб олишди.

Энди кўркишмаса ҳам бўларди.

Бу кўчани Валеранинг йигитлари билишмас, билишганида ҳам Обиджон ва Наталья аллақачон дала ўртасига етиб қолган, уёғи бошқа бир қишлоқнинг бошланиши эди.

* * *

- Ҳойнаҳой, уларни чалғитдик, - ҳамон пиқиллаганича унсиз йиғлаб бораётган Натальянинг қулоғига пиқирлади Обиджон. - Бу ерларни яхши биласанми?

- Билсам нима бўпти? - жеркиб берди уни Наталья.

- Ахир, нега тушунмайсан? Худо кўрсатмасин, ўша ярамасларнинг қўлига тушсак, бизга ит кунини кўрсатишади. Шуниям ўйлаяпсанми?

- Сен билан танишганларимга минг марта пушаймонман, - деди Наталья. - Қанийди ўшанда сен билан рақс тушишдан бош тортсам-у, сени умуман танимасам! Афсус, ўзимни ўзим балога йўлиқтирдим. Сенинг дастингдан дадам бечора камалиб кетади энди.

- Менсиз ҳам барибир камаларди. Чунки, даданг жиноятчи эди.

- Ўчир овозингни! Сендан нафратланаман, билдингми?

- Нафратлансанг ундан нари! - деди Обиджон қовоғини уйиб. - Ҳозир бундай гапларнинг мавриди эмас. Сен фақат менга қулоқ тутишинг керак.

- Сенга тутган қулоқларим узилиб тушсин.

Обиджон қизнинг сўнгги гапларини эшитмасликка олиб узоқ-узоқларга кўз ташлаб кўрди.

- Ана, - дея қўли билан беш қақиримча нарида милтиллаб турган чирокни кўрсатди. - Ўша чирок томон юриб кўрайлик! Ажаб эмаски, шу уй жонимизга оро кириб қолса!

Улар то чирокка етиб боргунча ҳам бир-бирларига сўз қотмай жим юришди. Фақатгина Наталья ахён-ахёнда пиқиллаб йиғлаб кўяр, Обиджон бунга жавобан оғир уф тортарди.

* * *

Уй тахминан тўрт сотихгина келар экан. Атрофи ингичка ёғочлардан қўра қилиб ўралган. Эшиги қаттиқрок итарилса, қулаб тушадиган алфозда мўрт эди.

Обиджон киришдан олдин ичкарига қулоқ тутиб кўрди. Чирок шуъласи тушиб турган дераза ортида кимларнингдир кулгуси, баланд овозда сўкинганлари эшитиларди.

- Таваккал кирамиз, - дея Натальяга юзланди Обиджон. - Бу ердагилар ҳам одам-ку! Жонимизни суғуриб олишмас, ахир?

Улар олдинма-кетин ҳовлига киришди ва Обиджон секин деразани чертди.

Шу ондаёқ ичкаридан ёши элликлардан ошган, серсоқол бир эркакнинг боши кўринди. Унинг ортидан худди шу ёшлар оралиғидаги уч нафар узун-қисқа эркаклар ҳам мўралаб қарашди.

- Сизларга нима керак? - ичкаридан туриб сўради серсоқол.

- Бир дақиқага ташқарига чиқа оласизми? - сўради мулойим овозда Обиджон. - Биз адашиб қолдик.

Эркак кулиб қўйди-да, аввал деразани очиб Обиджонга, сўнгра қимтинибгина турган Натальяга кўз ташлаб олди. Шундан сўнг эшик томон йўналди.

- Қаерликсизлар? - сўради эркак икковларига бошдан-оёқ назар солиб. - Бу ерда нима қилиб юрибсизлар?

- Биз ёмон одамларнинг таъқибига учрадик, - тушунтира бошлади Обиджон. - Улар бизни қувлашди. Жонимизни асраш учун шу ёққа қочиб келавердик.

Бу орада ичкаридаги уч эркак ҳам деразани очиб уларни кузата бошлади. Улардан бири бор бўйи билан деразадан ташқарига мўралаб Натальядан кўз узмас, ўзича ҳиринглаб кўярди.

- Вася, ичкарига ол буларни! - деди ниҳоят худди ўшанинг ўзи. - Қара, жонон совуқ еган кўринади. Исиниб олсин! Йигитни эса бизнинг олдимизга олиб кир, ўйинга қўшамиз уни!

Вася деганлари, яъни, Обиджоннинг қаршисида тургани шеригининг сўзини ерда қолдиргиси келмадими, дарҳол уларни ичкарига таклиф қилди.

Натальяни алоҳида хонага киритиб қўйишди. Обиджон эса эркаклар ўтирган хонага кирди.

Хонадан сигарет ҳиди келарди. Ўртага хонтахтасимон пастаккина столча ўрнатилган, устида бири очилган, иккинчиси очилмаган икки шиша ароқ, лаби учган товоқчада шўр бодринг, помидор каби газаклар.

Эркакларнинг учаласи ҳам хона иссиқ бўлгани боис майкада ўтиришар, барчасининг билакларидан тортиб елкаларигача игна билан турли суратлар чизиб ташланган, ҳаммаси барваста, кўзлари чакнаган, юзлари захил кимсалар эди.

Обиджонни тўрга таклиф этишди.

- Акаларинг билан таниш! - деди уй эгаси Вася. - Булар бугун турмадан қайтишган. Шу сабабли озодликни юваётгандик. Хўш, ичасанми?

- Ичсам, ичавераман. - бўш келмасликка тиришиб жавоб қилди Обиджон. - Фақат шеригимни ўйлаб...

- Э, ҳеч нарса ни ўйлаб ўтиришга ўрин йўқ, - кулди калбош, қўлига ароқ тўла шишани олиб Обиджонга кўз-кўз қила бошлаган эркак. - Бу ерда йигирма йил турмада ўтириб пишган ботирлар ўтиришибди. Шундай экан, йигит, хавотир олмасдан ўтиравер! Жононингга ит ҳам тегмайди.

Обиджон узатилган дастлабки қадахни бир кўтаришда сипқориб қўлига бир дона помидор олиб тишлади. Шу пайт калбош унга зимдан тикилиб турганини пайқаб қолди.

- Тинчликми? - сўради у ҳамон сир бой бергиси келмай. - Нима гап? Бунча менга тикилиб қолдингиз, брат?

- Ў, жа шустрый экансан-ку-а? - калбош секин ўрнидан турди. - Хўш, кимсан? Қаердан келяпсан? Нима қилиб кечаси қиз болани етаклаб бу ерларда юрибсан?

- Айтдим-ку, қандайдир безорилар қувлашди! Ўшалардан қочиб буёққа келиб қолдик.

Бу гапдан калбош қоникқандек қайтадан жойига ўтирди. Бироқ нариги ёнида ўтирган сочлари патаклашиб кетгани гапни илиб кетди.

- Сен қарта ўйнашни биласанми? - сўради у столча устидагиларни нари суриб. Биз билан бир қўл ташламайсанми?

- Нимага ўйнаймиз?

- Нимага бўларди? Пулга-да!

- Менда пул йўқ ҳозир. - деди Обиджон.

- У ҳолда қизингни тик! - ҳиринглаб кулди у.

- Нима? - Обиджон бу гапни эшитиб даст ўрнидан турди ва эркакнинг тепасига борди. - Мени ким деб ўйлапсан? Қамалиб чиқдим, деб оғзинга келган гапни гапиравераркансан-да! Ҳозир...

- Қойил! - калбош шошиб ўрнидан турди-да, Обиджоннинг елкасига қўлини қўйиб нари тортди. - Аканг сени синаб кўрмоқчийди, холос. Баракалла, ҳақиқий эркак калтакдан ҳам, керак бўлса, ўлимдан ҳам кўркмаслиги керак, баракалла! Қани ўтир, сенга ҳурматим ошди. Шунинг учун шартни енгиллаштирамиз.

Обиджон сал ўзини босиб жойига ўтирди. Бу пайт Вася қарталарни сузиб ҳаммага тарката бошлаганди.

- Биз чертишга ўйнаймиз, - деди калбош Васяга маъноли кўз ташлаб олгач. - Нималигини биласанми?

- Чертиш бўлса чертиш-да! - калбошни менсимаган кўйи жавоб қилди Обиджон.

- Вей, - Вася Обиджоннинг ёнига сурилиб тушунтирган бўлди. - Бу оддий чертиш эмас. Қара, буларнинг қўллари қандай йўғон ва қаттиқ! Чертишга, асосан, турмада қарта ўйналади. Ютқазган одамнинг пешанасига камида юз эллик марта чертилади. Чидай олармикансан?

Обиджон сезиб турарди. Қаршисида унга масхараомуз термулиб ўтирган манови эркакларнинг мақсади битта. Нима қилиб бўлмасин, Натальяга ташланиш ва нафсларини қондириш. Қолаверса, турма кўрган одамларнинг қанақалигини яхши билади. Булар ўз мақсадлари йўлида ҳеч нарсдан қайтишмайди. Ҳозир Обиджон ўзларидан гавдалироқ, кучлироқ, абжирроқ эканини сезиб қолишди. Шунинг учун ҳам уни синдириб қизга эга чиқишнинг йўллари кидиришяпти.

“Чувварани хом санабсанлар, кўнглидан ўтказди у. Сенлар синдирадиган Обиджон ҳали онасининг қорнида ётибди. Кўрсатиб қўяман ҳаммангга!”

- Хўш, розимсан? - ўртадаги жимликни бузди калбош.

- Менда бошқа таклиф бор, - деди ютқазини муқаррарлигини олдиндан ҳис эта бошлаган Обиджон.

- Хўш, қандай таклиф? - сўради Вася шерикларига бир-бир кўз қисиб.

- Ютқазган одам икки юз марта бир оёқда ўтириб туради.

- Ў, зўр таклиф! - кулиб юборишди собиқ маҳбуслар. - Жуда яхши ўйлабсан!

- Менга қара, - калбош секин ўрнидан туриб Обиджонга юзланди. - Бу ўйинни сен қаердан биласан?

- Мен ҳам бир пайтлар турмада ўтирганман, - жавоб қилди Обиджон. - Ўша ерда ўрганганман.

- Турмада? Қани, елкангни кўрсат-чи! - калбош сўраб ҳам ўтирмай, Обиджоннинг кийимларини кўтарди-да, елкасига разм солди. - Ҳеч нарса йўқ-ку, турмада ўтирганингни исботлайдиган!

- Албатта, игна билан ёздириш керакмиди? - деди Обиджон кийимларини қайтадан пастга тушириб.

- Э, - Вася қўл силтаб қўйди, - турмадаям хизматкор бўлиб кун кечиргандир-да!

Бу гап Обиджоннинг жаҳлини чиқарди.

- Қани, бошладик! - деди у гапни чўзиб ўтиришни ўзига эп кўрмай. - Мард ўзини майдонда кўрсатсин!

Ўйин ярим соатлар чамаси давом этди. Обиджон ўзи тахмин қилганидек, ўйинда ютказди. Шартга кўра секин ўрнидан туриб эшик олдига борди-ю, бир оёқлаб ўтириб тура бошлади.

Собиқ маҳбуслар у юзинчи маротаба ўтириб турганида чидай олишмади.

Ўринларидан туриб бараварига чапак чалиб Обиджонни кўллаб-қувватлай бошлашди.

- Бўлди, - Обиджонни ушлаб қолди охири калбош у юз эллигинчи марта ўтириб тургач. - Тан бердик! Бунақаси бўлмаган! Турмада шунча вақт ўтириб сендақасини кўрмагандим! Энди сен бизга чин дўстсан!

Обиджон кийимларини ечиб ташлади-да, костюмини кўлига олиб аъзойи баданидан сувдек оқаётган терни артиб жойига ўтирди.

* * *

- Ана энди буёққа ўтир, паҳлавон! - калбош Обиджоннинг елкасига қоқа-қоқа курсига ўтиришга чорлади. - Вася, ароғинг тугаб қолибди-ку! Бормиди ё ғизиллаб бориб келасанми дўконга?

Вася бошини қашиб секин ўрнидан кўзгалди ва калбошга юзланди.

- Тимофей, бир дақиқага ташқарига чиқайлик! - деди у кўз қисиб. - Гап бор!

- Майли. Қани, юр тез, меҳмон кутиб қолмасин!

Улар ҳовлига чиқишди. Вася эҳтиёт шарт, эшик тутқичини маҳкам тутганича, Тимофей - калбошга шивирлади:

- Хўш, буёғига қандай йўл тутамиз энди? Чатоқ чиқиб қолди-ку!

- Бе, бунақаларни биринчи кун кўриб турибманми? - деди калбош ичкарига бир қараб олгач. - Сен мановини билдирмасдан чашканинг ичига солиб қўясан.

У чўнтагидан қоғозга ўроғлиқ нимадир чиқариб Васяга узатди.

Вася ҳайрон бўлиб сўради:

- Тагин ўлдириб қўйиб...

- Намунча ваҳима қиласан? - уришиб берди калбош. - Бу ухлатадиган дори. Ичиб олса, устидан трактор ўтиб кетсам уйғонмайди. Бўл тез, вақт кетяпти...

Вася ўзича хириглай-хириглай ароқ олиш учун нариги хонага кириб кетди.

* * *

- Хўш, йигит, зериктириб қўйишмадимиз акаларинг? - ичкарига кириб оқ Обиджонга сўз қотди калбош.

- Йўқ, зериктиришмади. Фақат, шеригимдан...

- Севгилингми? Э, ундан хавотир олма! Ҳозир мен деразадан мўраладим. Аллақачон ухлаб қопти севгилинг. Ҳа, энди, қочавериб чарчаган-да бечора!

Бу орада Вася пилдираганича бир шиша ароқ кўтариб хонага кириб келди.

- Э, бормисан, ошна! - кула-кула шишани очиб қадаҳларни тўлдирди бошлади калбош.

У ароқ қуяётиб Обиджоннинг олдини тўсиб олишни ҳам унутмади. Пайтдан фойдаланган Вася эса эпчиллик билан уйқу дорини Обиджон учун мўлжаллаб қўйилган қадаҳга солиб қўйди.

- Қани, меҳмон, шу қадаҳни сенинг жасурлигинг ва кучлилигинг учун кўтарайлик! - дея ўрнидан турди калбош. Унинг ишораси билан қолганлар ҳам дик этиб ўрниларидан туриб олишди.

- Майли, қўймадинглар, олсам ола қолай!

Обиджон қадаҳдаги ароқни охиригача сипқориб, оғзига бир дона шўр помидордан солди ва жойига ўтирди.

- Мана бу бошқа гап! - деди калбош. - Сендай йигитлар дунёда жуда тақчил бўлишади.

- Ана шу тақчиллик учун оламиз! - кичқирди Вася шоша-пиша қадаҳларни қайтадан тўлдираркан.

Шу кўйи улар Обиджонни ҳар сонияда алқай-алқай кўқларга кўтаришди. Ҳар бир айтилган янги жумла учун қадаҳлар кўтарилаверди.

Бир маҳал Обиджон негадир боши айлана бошлагандек, кўнгли айниётгандек афтини бужмайтириб безовталана бошлади.

- Кечирасизлар, - деди у ташқарига интилиб, - негадир кўнглим айниятти.

Вася у билан бирга ташқарига чиқди.

Бироз ўтгач эса буткул гандираклаб қолган Обиджонни каравотга ётқизиб устини кўрпа билан маҳкам ёпиб қўйишди.

Обиджон каравотга ётиши билан ухлаб қолган эди.

* * *

- Сенлар шу ерда қимирламасдан ўтиринглар! - қолганларга буюрди калбош. - Биринчи бўлиб мен кириб чиқаман!

Шундан сўнг у секин ташқарига чиқиб Наталья ётган хона эшигини итарди.

Қиз каравотда ширингина бўлиб ухларди.

Калбош унинг тепасига келиб бир муддат чиройли кўзларини, малларанг сочларини томоша қилди.

- Анчадан бери бундай гўзал қушча қўйнимга кирмаганди, - кўнглидан кечирди у тамшаниб. - Эркакни ёшартириб, кучига куч қўшишади. Афсуски, буларни қаёқдаги ғаламислар илиб кетаверишади. Йўқ, бугун ҳеч ким бу жононни биздан тортиб ололмайди. Биз уни жаннатга олиб кирамиз!

Калбош секин Натальянинг устига ётди ва кийимларини еча бошлади.

Баданида бегона қўлларни ҳис этган Наталья эса сесканиб кўзини очди-ю, беихтиёр кичкира бошлади.
- Қўйвор мени, ифлос, қўйвор! Сарсен, қаердасан, Сарсен! Ёрдам беринглар!
Калбош ҳадеганда типирчилайвергач, Натальянинг оғзига каравот четигаги сочикни тикиб қўйди.
Бу ҳам иш бермайдиган кўриндимми, кўл-оёқларини ўзининг кийимлари билан чандиб боғлади.
Энди қиз қанча типирчиламасин, барибир фойдаси йўқ эди.

* * *

- Бу гал сенларнинг омадинг келмади! - бошини қуйи солганича шериклари ўтирган хонага кириб келган калбош норози тўнғиллади. - У ўлиб қолди!
- Нима? - ҳаммалари барабар ўринларидан туришди.
- Нега ўлади? - ваҳима аралаш сўради Вася. - Энди нима қиламиз? Бунақасига келишмагандик-ку!
- Нега бунча ваҳима қиласан? - жеркиб ташлади калбош. - Нима, умрингда биринчи марта кўряпсанми ўликни? Ундан кўра, қаерга кўмишни келишиб олайлик!
- Ишни расво қилдинг-да! - тўнғиллади ҳамтовоқлардан бири. - Иштаҳани карнай қилиб ўтиргандик!
- Майли, ўлмайсанлар! Шаҳарга қайтайлик, сенларга бунданам зўрини топиб бераман. Хўш, нима қиламиз?
- Томорқа тарафда катта қарағай бор, - деди Вася. - Ўшанинг остига кўмиб юбора қоламиз.
- Сасиб кетмасмикан? - сўради калбош.
- Чуқурроқ кавласак, сасимайди.
- Ановиларга нима деймиз?
- Бир йўлини топармиз. Ҳозир бунинг мавриди эмас. Вей, ўзи қандай қилиб ўлдириб қўя қолдинг-а?
- Ким билсин? Қўрқитиб юбордим, шекилли!
Ташқарига йўл олишди. Бу лаҳзаларда осмон бир томондан ёришиб, тонг яқинлашиб келарди.

* * *

Хонада аллақачон ҳеч ким қолмаган, фақат Обиджонгина хуррак отар, дераза очик қолгани сабаб совқотиб уйку орасида устидаги кўрпага қаттиқроқ ўралиб олишга уринарди.

Бир маҳал беихтиёр хуррак отишдан тўхтаб кўзларини очди. Очди-ю, даст ўрнидан туриб кетди.

Чунки, тепасида Резидент қовоқларини уйганича унга тикилиб турарди.

- Мен қаердаман ўзи? - атрофга аланглаб сўради Обиджон. - Сиз қандай келиб қолдингиз?
- Мен ҳам сендан худди шу ҳақда сўрамоқчиман, - деди Резидент совуққонлик билан. - Бу ерларда нима қилиб юрибсан? Нега Валераникида эмассан?

- У аблах...

Обиджон ҳаммасини тушунтироққа чоғланди. Аммо Резидент уни кесиб ташлади.

- Биз сен билан қандай келишгандик, йигит? Нега айтилган топшириқни бажариш ўрнига дайдиб юрибсан?
- Улар мен яширин равишда ёғ сотиб пул ишлаётганларини аниқлаганимдан сўнг оркамдан туришди.
Натальяни тортиб олмоқчи бўлишди.

- Буни биламан. Лекин сенга айтилганди. Айёрона йўл тутишинг, шу йўл билан Валеранинг ишончига киришинг лозим эди. Сен эса...

- Наталья қани? - эшикка йўналди Обиджон. Бироқ яна Резидент уни тўхтатиб қолди.

- Натальянг энди йўқ. Касали тутиб ўлиб қолди.

- Нима? Нега ўлади? - кичкириб юборди Обиджон. - Йўқ, йўқ!

- Бас қил дийдиёнгни! - жеркиб берди Резидент. - Сен ҳали ундан ҳам гўзалроғини учратасан. Қолаверса, ҳозирги вазиятда қизларга илакишиб юришга ҳаққинг йўқ. Шуни биласанми?

Обиджон индамади. У бошини чангаллаган кўйи каравотга ўтирди-да, лабларини тишлаб бош чайқай бошлади.

- Мотам тутишни бас қил! - буюрди Резидент. - Йўлга чиқишинг, топшириқни бажаришда давом этишинг керак!

- Демак

Обиджон шошиб ўрнидан турди-да, Резидентнинг кўзларига бокди:

- Демак, кечаги турмадан чиққанларниям сиз уюштиргансиз, тўғрими? Тўғрими, деяпман!

Резидент жавоб ўрнига Обиджоннинг ёқасидан ғижимлади.

- Сен итвачча нималар деб валдираяпсан? Ё ҳар қадамда сенга ялиниб кун ўтказишим керакми? Мен сенга кийин, йўлга чиқамиз, дедим! Нега ўзбошимчалик қиялсан тагин?

Обиджон тан берди. Резидент ўзидан-да кучлироқ эканини ёқа бўғишиданок пайқади ва бўшашиб кўлларини пахта туширди.

- Мана бу бошқа гап, - деди Резидент мулойим тортиб. - Ҳозир аза тутиб ўтириладиган пайт эмас. Ўша қиз барибир бир кун ўлиб кетарди. Агар биз ҳар бир марҳум учун қайғураверадиган бўлсак, мақсадга ета олмаймиз. Сенинг ишингда одам тошюрак бўлиши керак! Қани, тез бўл, кўчада машина кутиб турибди!

Обиджон индамай кўлига майда-чуйда буюмларини олди-ю, Резидентнинг ортидан эргашди.

Давоми келгуси сонда

- Мен энди сизга ҳамроҳ бўла олмаيمان! - деди Обиджон машинага яқин келгач. - Ўзингиз кетаверинг!
- Нима? - тутақиб кетди Резидент. - Сен нималар деётганингни биласанми?
- Жуда яхши биламан. Мен Россияга бошқа иш билан келгандим. Сизларнинг йўлингизга юриб ҳаммасини чалкаштириб юбордим. Етар, бас, мен энди ўз ишларимни битираман-у, уйимга қайтаман!

- Аҳмоқлик қилма! - Резидент машина эшигини ёпиб Обиджонни нарига етаклади. - Каллангни ишлат, йигит!
Бу кўча шундайки, бир марта кирдингми, тамом, қайтиб чиқа олмайсан.

- Менга барибир. Мен сизларга ўхшаган жосус эмасман. Оддий бир одамман.
- Шунақами? Хўп, сен айтганча бўла қолсин. Аммо ҳозир барибир мен билан шаҳарга боришинг шарт. Чунки, идорада сени каттанинг ўзи кутиб ўтирибди. Сухбатидан ўтасан-у, кейин билганингни қилаверасан.

- Катта билан гаплашадиган гапим қолмади, - деди Обиджон кечагина сўнги бор Натальяни ўзи етаклаб олиб кирган дарчага алам билан боқаркан. - Ўшаларнинг дастидан мен муҳаббатимни бой бердим. Энди тошини терсин.

- Нимани бой бердинг? - кутилмаганда кулиб юборди Резидент. - Вей, хомкалла, сен кимларга илакишиб қолганингни билармидинг? Ахир, у қиз қип-қизил жинойтчининг фарзанди эди! Бунинг устига касал эди. Эртами-кечми, барибир ўлиб қоларди! Мен буни билардим. Фақат сенинг кўнглингга озор беришни истамагандим.

- Бас қилинг! - қичкириб юборди Обиджон. - Кўнгилдан гапириш сизга ярашмас экан! Фирт каллакесарсиз! Тагин кўнгилни гапирасиз!

- Хўп, - резидент ўзини босишга уриниб сал паст тушгандек бўлди. - Нима десанг, розиман. Лекин ҳозир бирга ташкилотга бормасак бўлмайди. Сени кутишяпти. Машинага чиқ!

Обиджон қаттиқ ишонарди. Бу ишни қайтиб қилмайди. Ҳеч бўлмаганда, янгасининг дарагини топса бас. Уйига, она қишлоғига қайтиб кетади. Булар тугул каттароғи ҳам уни ушлаб қола олмади. Шундай экан, нега ноз-финоқ қилиб бекордан-бекорга бу жосус билан тортишяпти? Ундан кўра, машинасида шаҳаргача етиб олса бўлади-ку! Сухбат қилишса нима бўпти? Хоҳлаганларича қилишаверсин. Барибир ўз сўзидан қайтмайди. Уйига кетади, дедими, вассалом!

У бир қарорга келгандек, зарда билан машина эшигини очди-да, орқа ўриндиққа ўзини ташлади.

* * *

Ташкилот идорасини яна бошқа жойга кўчиришибди, чоғи, резидент уни қандайдир кўчалар билан олиб бориб, эски, икки қаватли уй рўпарасига етганда машина тормозини босди.

У аввалига бир муддат рулга бошини кўйганича сукутга толди. Сўнгра кескинлик билан эшикни очиб ташқарига чиқди.

- Тушавер, - деди Обиджонга уй томонни кўрсатиб, - подъездга кириб, чапдаги эшикни очасан.

- Ким бор у ерда? - сўради Обиджон.

- Кирганингда биласан. Тезроқ туш, мен кетишим керак!

Обиджон секин пастга тушди-да, хайрлашиб ҳам ўтирмай, подъезд томон йўл олди.

Эшик қия очик экан. У тез ичкарига кирди-да, эшикни ичкаридан ёпиб ошхона томонга ўтди.

Ошхонадаги ранглари ўчиб, бир оёғи қийшайиб кетган курсида бир пайтлар Обиджонни сухбатдан ўтказган кекса генерал сигарет тутатиб ўтирарди.

- Келдингми, болам? - дея секин ўрнидан кўзғалиб Обиджонга қўл чўзди генерал.

Обиджон у билан кўришиб, дераза қаршисига бориб олди.

- Нега ўтирмаяпсан? - сўради генерал зўрма-зўраки жилмайиш қилиб.

- Чарчаганимча йўқ, - жавоб қилди Обиджон қоғоғини уйиб. - Гапингиз бўлса, тезроқ айтсангиз, мен шошиб турибман.

- Қаерга шошасан?

- Бунинг ҳеч кимга тааллуқли жойи йўқ.

Генерал кексаларга хос босиқлик билан бир муддат Обиджонни кўздан кечириб ўзича нималарнидир мулоҳаза қилган бўлди ва мақсадга ўтди.

- Афсус, сен тоғанга тортмабсан, - деди у бош чайқаб. - Агар тоғанг ҳаёт бўлганида сенга топширилган ишларни кўзини юмиб бажарган бўларди.

- Бу билан нима демоқчисиз?

- Ҳеч нима демоқчи эмасман. Сенинг қайсарлигинг менга ёқмаяпти, холос. Ахир, ўзинг ўйла, она ватанинг шундай ишларни ишониб топширса-ю, сен ўзингни олиб қочсанг! Аксинча, фахр билан, ғурур билан адо этишинг зарур ўша бурчингни!

- Мен аскар эмасман-ку! - генералга хайрат аралаш боқиб жавоб берди Обиджон. - Мен оддий одамман. Қишлоғимда ҳам қиладиган ишларим бошимдан ошиб ётибди.

- Унда нега Россияга келдинг? Нима учун бизнинг одамларни шубҳага қўйиб, мумкин бўлмаган ишларга бурнингни тикдинг?

- Мен тоғамнинг ўлимини, кимлар туфайли ўлганини аниқламоқчи эдим.
 - Хўш, аниқладингми? Нимага эришдинг?
 - Ҳеч нарсага, - деди Обиджон. - Ҳеч нарсага эриша олмадим.
 - Ана, кўрдингми, - жонланди генерал, - бундан кейин ҳам эриша олмайсан. Негаки, тоғанг ўз бурчини адо этиш асносида бўлмағур касал орттириб олган. Шу касаллик туфайли оламдан ўтган. Агар ҳақиқий меҳрибон ва содиқ жиян бўлганинда, у қила олмаган ишларни поёнига етказиб, бизга кўмак берган бўлардинг. Сен эса қаёқдаги қаланғи-қасанғи қизларга илакишиб, миянгни захарлаб юрибсан.
 - У қаланғи-қасанғи эмас! Бундай дейишга ҳаққингиз йўқ!
 - Ўзингни бос. Мен тушунаман. Сенинг ёшингда муҳаббат дегани худди ўчириб бўлмайдиган оловга ўхшайди. Хўп, энди нима қилмоқчисан? Бизга хизмат қилишда давом этасанми?
 - Йўқ, энди сизларга шерик бўла олмаيمان. Уйимга кетишим керак.
 - Йў-ўқ, йигит, - секин яқин келиб Обиджоннинг елкасига қўл ташлади генерал, - энди ўлигимиз ҳам, тиригимиз ҳам бир. Сен ҳали янгангнинг дарагини топмоқчи эдинг. Топганинг йўқ, шубҳасиз, тўғрими?
 - Ҳа, афсуски, топа олмадим, - деди Обиджон лабларини асабий тишлаб.
 - Кўрдингми, бизнинг кўмагимизсиз топа олмайсан ҳам. Агар ёрдам берсанг, биз ҳам қараб турмаймиз. Янгангнинг дарагини топиб берамиз.
 - Сиз биласизми унинг қаердалигини? - ҳовлиқиб сўради Обиджон.
 - Биз билишга биламиз. Лекин битта шарт билан сенга дарагини айта оламиз.
 - Қандай шарт? Айтинг!
 - Хизматни давом эттирасан. Валерани тузукқа илинтириб берасан. Ундан кейин сенинг муаммонгни ечишда ёрдамлашамиз.
 - Сизларга ишонмайман. Шундай деб ишингизни битириб оласиз.
 - Сенга шахсан мен ваъда бераман. Ҳар ҳолда янганг ҳақидаги маълумот қизиқ бўлса керак?
 - Бошқа топшириқ бермайсизларми?
 - Сен аввал шу ишни қойил қил, кейин биласан.
 - Сўз берасиз-а?
 - Чин генерал сўзим! Алдаш йўқ!
 - Бўпти, мен розиман!
 - Жуда соз. Лекин билиб қўй, ҳозир борсанг, Валера сени кучоқ очиб кутиб олмайди. Ёш бошинг билан кў-ўп азобларга гирифтор бўлишинг мумкин. Чидай олармикансан?
 - Буни ҳали кўраман. Ким кимни азобга соларкан! - кўксини баланд кўтариб қўлларини мушт қилганича эшик томон йўналди Обиджон. - Мен ҳам анойи эмасман.
 - Баракалла, бор, ишни бошла! Керак бўлсанг, сени ўзимиз топиб оламиз!
 Обиджон шахд билан ташқарига чикди-да, уй рўпарасида бирпас ўй суриб тургач, автобус бекатига қараб йўл олди.

* * *

У Валераникига қандай кириб боришни, нима дейишни умуман билмасди. Фақат бир нарсага амин эдики, генерал айтганидек Обиджонни Валера кучоқ очиб кутиб олмайди. Қолаверса, уникига кириб қай сирларини аниқлаш-у, нима иш бажаришни билмасди.

Ҳаёлида ҳеч қандай режа ҳам мавжуд эмасди. Миясини ҳамон Натальяннинг сирли ўлимигина кемириб борар, жосусларга нисбатан алам ўти қалбини куйдирарди.

“Ҳойнаҳой, тоғам ҳам худди шундай адолатсизликларга қарши курашиб оқибатда ўлдириб юборилгандир, ўйларди у автобус ойнасидан ташқарига боқиб. Булар жаллоддан баттар одамлар экан. Энди билдим ўйинларини. Лекин нега уларни ҳеч ким жазоламайди? Нима учун бемалол истаган одамларини ўлдириб юборишавради?”

Шундай хаёллар билан Валеранинг шаҳар ташқарисидаги бепоён далаларга кўрк бағишлаб турган шохона ҳовлиси рўпарасида автобусдан тушиб қолган Обиджон кийимларини тўғрилаб, эҳтиёткорлик билан дарвозага яқин борди.

“Қизиқ, илгари дарвоза ёнида қатор машиналар турарди, кўнглидан ўтказди у атрофга назар ташлаб. Костюм-шим кийиб бўйнига бўйинбоғ таққан барваста йигитлар дарвоза олдида қўл қовуштириб кимларнидир кузатишар, яна аллакимларни кутиб олиб ичкарига олиб киришарди. Ҳозир эса бу ер ҳам ҳувиллаб қолибди. Ё Валераям қўлга тушдимикан? Қандай қилиб? Балки банкир сотгандир? Кошқийди шундай бўлса! Мен осонгина ҳаммасига қўл силтаб қишлоғимга жўнаб юборардим”.

У ҳар эҳтимолга қарши дарвозага яқин бориб кўнғироқ тугмачасини босди.

Маълум муддат ичкаридан ҳеч қандай овоз келмади. Обиджон ҳайрати ошиб қайтадан тугмачага қўл юборди.

Шу пайт ҳовлида аёл кишининг майин овози эшитилгандек бўлди-ю, Обиджон шошиб ўзини орқага олди.

Гўёки, ўзини кўча юзида кимнидир кутаётгандек қилиб кўрсатмоқчи бўлди.

Ниҳоят дарвоза очилди. Обиджон ҳам беихтиёр ўша томонга ўғирилди.

Остонада эгнига бахмалдан халат кийиб олган, малласоч, тахминан ўттиз ёшлардаги келишган бир жувон турарди.

Обиджон худди аёлга эътибор бермаётгандек қайтадан кўча томонга бурилиб олди.

- Ҳой, яхши йигит, кимни кутяпсиз? - мулойимлик билан сўради аёл.

- Ҳеч кимни, - совуққон оҳангда жавоб қайтарди Обиджон, гарчи аёлнинг чиройига беътибор қолмаган бўлса-да!

- Ҳозиргина кўнғирокни чалдингиз-ку! Нега кўрқасиз? Келаверинг! Сизни кутишяпти!

- Ким? - Обиджон ўзи ҳам сезмаган ҳолда аёлга яқин борди. - Ким кутади мени? Сиз мени қаердан биласиз?

- Бунисини билмадим. Менга тайинлашганди. Сизнинг келишингизни билардим.

- Шунақами? Ичкарида кимлар бор?

- Ким бўларди? Валера, яна икки хизматчи йигит.

- Бўпти, мени ичкарига бошланг унда! - бирдан жонланиб дарвозага қўл чўзди Обиджон.

- Марҳамат! - аёл тавозе билан дарвоза қанотини очиб, Обиджонни ҳовлига таклиф этди.

* * *

Аёл алдамабди. Обиджон зиналардан юқорига кўтарилиб Валеранинг хос хонасига кириб борганида, ҳақиқатан, у ёнида икки йигит билан шахмат ўйнаб ўтирарди.

Обиджон кириб келганини билса-да, негадир ўйинни тўхтатмади. Ҳатто, бошини кўтариб ҳам қўймади. Фақат совуққонлик билан сўради:

- Нега келдинг?

Обиджон бундай муомалани кутган ва аллақачон ўзини тайёрлаб ҳам олганди. Шунинг учун тап тортмай жавоб қилди:

- Ҳали биргаликда қиладиган ишларимиз охирига етмади.

- Шунақа дегин? - Валера бу жавобдан ҳайратланиб истар-истамас бошини кўтарди ва ёнидагиларга “чик” ишорасини қилди.

- Итдан тарқаган, уялмасдан қай юз билан менинг хонадонимга келдинг? - ўшқирди у йигитлар чиқиб эшикни ёпишгач.

- Ҳовликаверманг! - деди Обиджон. - Кутаётган сиз эдингиз-ку, мени! Тагин қаёқдаги гапларни гапирасиз? Ундан кўра, нега кутаётганингизни айтинг, менинг вақтим зиқ!

- Нима? Кечагина тухумдан чиқиб менга буйруқ берасанми? Менга-я?

Валера тўсатдан ўрнидан турди-да, Обиджонга яқинлашди.

- Ҳали орқангни тозалаб арта олмайсан-у, менга кўрсатма берасанми?

- Орқам сизни қизиқтирмай қўя қолсин, - бўш келмади Обиджон. - Керак бўлганида тозалаб артиб олавераман.

Валера кулиб юборди. Лекин бу кулгу замирида алам ва интиқом ўти алангаланиб турар, Обиджон буни Валеранинг чакнаган кўзларидан пайқаб улгурганди.

Шундай бўлди ҳам.

Валера кулишдан такқа тўхтаб, ташқари эшикни очди ва боягина Обиджонни қарши олган аёлни ҳузурига чорлади.

- Мария, тез буёққа кир!

- Чақирдингизми хўжайин? - кўз очиб юмгунча аёл Валеранинг қаршисида пайдо бўлди.

- Ҳа, мановини ҳаммомга олиб кириб чўмилтирасан!

- Мен-а? - киприklarини пирпиратиб бир Валерага, бир Обиджонга боқди Марина.

- Менми бўлмаса? Яхшилаб чўмилтир! Хуллас, менинг олдимга одамбашара бўлиб кирсин!

- Мен сизнинг сассиқ ҳаммомингизда чўмилишга орзуманда эмасман, - деди Обиджон. - Ўша ҳаммомингиз ўзингизга сийлов.

- Ҳаммомим сассиқ эмас. Сен сасиб кетгансан. Бор, тезроқ бу хонадан чиқ, кўнглим ағдарилиб кетяпти! Айтганча, чиққанингдан кейин сен билан гаплашадиган алоҳида гаплар бор. Фақат тезроқ бўл!

Нимаям қиларди? Обиджон Валерадан буткул бошқача муносабат кутганди. Ҳозир келади-ю, шотирларини ёнига олиб тиш қайраб ўтирган, деб хаёл қилганди. Йўқ, умуман бошқача манзара намоён бўлди. Нахотки, Валера бўлиб ўтган ишларнинг барчасига қўл силтаб бошқатдан у билан ишламоқчи? Аммо, нима иш қилади? Нима ҳақда гаплашади?

Буниси ҳозирча Обиджонга қоронғи эди.

* * *

- Зўрсиз-ку! - йигитнинг бақувват елкаларини, спортчиларга хос йўғон ва чайир билакларини нозик бармоқлари билан силаб шивирлади Марина. - Жудаям кучлига ўхшайсиз!

Аёлнинг ёқимли сийпалашлари ҳаммом иссиғидан ҳам ўтиб тушди. Обиджон аъзойи баданида титроқ туйиб бир муддат Маринага бўйсунган қўйи силаб-сийпалашларга асир бўлди. Лекин бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмасди. Бўй йигитнинг тоқати етмасди.

У кутилмаган ҳаракат билан Маринани даст кўтариб олди ва пархона рўпарасига қўйилган йиғма каравотга ётқизиб дуч келган жойидан ўпа кетди.

- Ох, бунчаям ёмонсиз? - деди аёл Обиджоннинг эркалашларидан маст эканини яшира олмай. - Шу пайтгача қаерларда юргандингиз?

- Ҳозир ҳам кеч эмас! Энди сени қўйиб юбориб бўпман! Сен Натальяга ўхшаркансан! Худди ўзи! Овозинг ҳам, эркаланишларинг ҳам, ҳамма-ҳаммаси Натальяга ўхшаркан!

* * *

- Бу ерга қачон келдинг?

- Менми? Яқиндагина келдим.

- Нима иш қиласан? Эркакларни ювинтириш билан шуғулланасанми?

- Худо асрасин! - деди Марина. - Мен, асосан, ошхона юмушларига қарайман. Бугун шу ишни буюрганини кўриб ҳайрон бўлдим. Бироқ сиз дарвоза олдидаяк ўзимга ёкиб қолгандингиз. Шунинг учун бош тортиб ўтирмадим.

- Бошқаси бўлса, бош тортармидинг? - сўради Обиджон.

- Албатта.

- Ишдан ҳайдаб юборарди-ку, у ҳолда!

- Нима қипти? Ўзинг ёқтирмаган одамнинг оғушида бўлгандан кўра ўлганинг яхши.

- Эринг борми?

- Йўқ, ажрашиб кетганман.

- Нега?

- Бунинг тарихи узун. Кўп ичарди, рўзгорга қарашмасди. Ўшандаям ошхонама-ошхона изғиб ўзим пул топиб келардим. У эса пулларни қўлимдан юлқиб оларди-да, барга қараб югурарди. Охири жонимга тегди. Бор-э, дедим-у, ўз уйимга кетдим-қолдим.

- Менга қара, Валеранинг менда қандай гапи бўлиши мумкин-а, билмайсанми?

- Билмайман. Менга ҳисоб бермайди у одам.

Обиджон Марина гапни калта қилганидан ҳаммасини англагандек эди. Демак, бу аёл Валера билан. Лекин... нега? Ҳозиргина ўзи ёқтирмаган одамнинг оғушида бўлгандан кўра ўлган яхши демадимми? Ё шунчаки унинг кўнглини кўтариш учунгина шундай деб қўя қолдимми? Аслида бу аёлга ким билан бўлиш барибирми? Нега?

Саволлар кетидан саволлар қуйилиб келарди. Аммо бирортасига Обиджон жавоб топа олмас, хаёлан боши берк кўчага кириб адашган кимсага ўхшарди.

* * *

- Сени ертўлага кузатиб қўйишим керак эмиш, - деди Марина ҳаммомдан чиқаётиб.

- Нима?

- Хўжайин тайинлаган.

- Ертўлада нима бор? Айтмоқчиманки, кимлар?

- Мен анигини билмайман. Шуни биламанки, у ерда сени Валеранинг ўзи кутади.

- Демак, суҳбатни ертўлада ўтказмоқчи экан-да! Тўхта, олдин менга бир нарсани айт!

- Нимани? - юришдан тўхтаб сўради Марина.

- Мен сенга ёқаманми?

- Ёкиб қолдинг. Ё шубҳанг борми?

- Шубҳам йўқ. Айт, мен оғир аҳволда қолсам, ёрдам берармидинг?

- Қўлимдан келганича ёрдам бераман. Ахир, шундай яхши одамдан қандай юз ўгираман?

- Раҳмат сенга! - Обиджон юришда давом этиб йўл-йўлакай Маринани маҳкам кучиб қўйди. - Билиб қўй, сен ҳам менга жуда-жуда ёқасан!

* * *

“Қизик, бало билан яхшилик ёнма-ён юришини бир пайтлар аямдан эшитганим бор эди, ўйларди Обиджон Маринанинг ортидан ертўла томон кетиб бораётиб. Мана, кечагина қанча қийинчиликларни бошимдан кечирдим, эркаклик ғуруримни топташди, устимдан қулишди. Бугун эса Худо менга яна ёруғ йўлни кўрсатиб турибди. Манавиндай аёлга рўпара қилиб турибди. Буёқда Валера ҳам негадир мени бошқачароқ усулда кутяпти экан. Нима сабабдан? Ҳойнаҳой, у менинг қобилиятимга, устмонлигимга тан берган. Ҳа, бойваччалар аҳмоқ эмас. Улар одамни обдон кузатишади, ёқтириб қолишса, дарров ўзларига оғдирмоқчи бўлишади. Қизик, қандай иш таклиф этаркан у менга? Э, фарқи нима?! Менинг ўз ишим бор. Ўша ишимни уддалайман-у, қишлоғимга йўл оламан. Бошқа нарсанинг менга сира қизиғи йўқ”.

Ертўлага етишгач, Марина ичкарига бирров кириб чиқди ва Обиджонни киришга таклиф этди.

Кутилганидек, дид билан жиҳозланган ертўла тўрида - юмшоқ диванда Валера керилганича ўтирар, сал наридаги курсилардан эса икки барзанги соқчилари жой олишганди.

Обиджон бу манзарага ҳам бир муддат ҳайрат аралаш тикилиб қолди. Чунки, боя ҳовлига кириб келганида, бу барзангилар негадир кўринишмаганди.

“Қаердан келиб қолишди булар, ўзича бош қотирган бўлди Обиджон Валерага яқин бориш асносида. Бу ярамас қўнғирок қилиб қаердандир чақиртириб олганга ўхшайди”.

- Хўш, ўлимингдан аввал покланиб олдингми? - томдан тараша тушгандек берилган илк савол Обиджонни хушёр торттирди.

- Тушунмадим, - деди у Валерага еб қўйгудек термулиб.

- Сенинг ўлиминг-да! Нима, шунча қилган сотқинликларингдан кейин ҳам сени тирик қолдирайми? Хўш, нега индамайсан? Гапир!

- Билгандим, - дея ертўланинг нариги четига ўрнатилган икки темир ва уларга боғланган арқонларга қўз ташлади Обиджон. - Мени кечирмаслигингизни билардим.

- Билганинг жуда яхши. Ҳа, мен шунақа одамман. Сотқинларни кечири олмайман. Лекин сенга яна бир имконият беришим мумкин. Агар бир шартимни адо этсанг, бу ердан кайф-сафо қилиб чиқиб кетасан.

- Хўш?

- Кўрдингми, - асосий гапга ўтишдан олдин Валера ертўла четигаги иккита темир ва арқонга ишора қилди. - Мана шу темирлар сен учун махсус ўрнатилган. Агар шартни бажаришдан бош тортсанг, ҳов анови акаларинг сени шу темирларга боғлаб савалашади. Билиб қўй, савалагандаям бошлаб, ўладиган қилиб савалашади. Хўш, розимисан?

- Майли, айтинг шартингизни!

- Шартим шуки, сен ҳозир, мана шу ерда собиқ хўжайининг Гриша завод ҳужжатларини қаерга беркитганини айтиб беришинг керак.

- Ҳужжат? - хайрон бўлиб Валерага тик боқди Обиджон. - Мен, унақа ҳужжатлардан беҳабарман.

- Алжирама! Сен ҳаммасидан хабардорсан. Беҳудага унинг қизига илакишиб юрмагансан. Яхшиликча айт, ҳужжатларни қаерга беркитган. Кутишга вақтим йўқ, тезроқ бўл!

- Айтдим-ку, билмайман деб! - такрорлади Обиджон.

- Шунақами? - Валера тиржайганича барзангиларга имо қилди. Улар чопиб келиб куч билан Обиджонни темир устунлар олдига олиб боришди ва икки қўлини ёнларига чўзиб арқон билан маҳкам боғлашди.

- Охирги маротаба сўрайман! - деди Валера. - Ҳужжатлар қаердалигини айт! Акс ҳолда йигитлар сени устунларнинг энг юқори қисмига чиқариб қўйишади.

- Билмайман! - хириллаб бақирди Обиджон. - Қўлингдан келганини қил, билмайман!

Тағин Валеранинг ишораси билан барзангилар арқонларнинг икки учидан торта бошлашди. Арқонлар тортилгани сайин Обиджон икки қўли икки ёнга чўзилган ҳолатда тобора юқорилаб борар, билакларининг пайи тортилиб оғриқ кучаяверарди.

- Йў-ўқ! - тўсатдан бақириб юборди Марина. - Ундай қилманглар!

- Нима? - аёлнинг ёнбосишини кутмаган Валера унга яқин келиб сочларидан ғижимлади. - Нима дединг?

- Нега бечорани қийнайсизлар? Унинг гуноҳи нима?

- Вой, қанжик-ей! - сўқинди Валера. - Бир мартада дарров меҳрибон бўлиб қолдингми? Биз ёқмадикми-а? Қара-я, ёқмабмиз! Яқиндагина эшигимга ялиниб иш сўраб келгандинг, ҳамма ишни қилишгаям рози бўлгандинг. Энди қаёқдаги йигитга раҳм қиладиган бўлдингми?

- Ҳаққингиз йўқ! - қичқирди Марина. - Уни қийнашга ҳаққингиз йўқ!

- Степа, бу билан ўзинг шуғуллан! - барзангилардан бирига буюрди Валера. - Икковиниям адабини берларинг!

Икки барзанги Марина ва Обиджонни қўлларидаги таёқлар билан калтаклай бошлашди.

Обиджон калтак зарби кучли бўлса-да, оғриққа чидашга, Маринани кутқаришга, калтакламасликларини сўраб ёлворишга интилар, аммо оғзига тикилган латта овоз чиқаришга қўймасди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ҳаммаёғи қонга бўялган Маринани олдинроқ, унинг кетидан осилганича ҳушини йўқотган, оғзидан оқ кўпик оқиб туша бошлаган Обиджонни. ташқарига олиб чиқиб кетишди.

Обиджон Резидентга энди ишини давом эттирмаслигини, қишлоғига қайтиб кетмоқчилигини айтади. Аммо у рози бўлмайди. Ташкилотда кутишаётганини айтиб, Обиджонни машинага чиқаради. Обиджонни кекса генерал кутиб олди. Унга, агар ишни давом эттириб, Валерани қўлга тушириб берса, тоғаси ва янгаси ҳақида маълумот беришини айтади. Обиджон Валераникига йўл олади. Валера унга ўлимидан олдин покланиб олишини айтади. У Марина билан яқиндан танишди. Бундан жаҳли чиққан Валера Обиджонга қўшиб Марина ҳам дўппослатади...

Кун шомга яқинлашиб қолганди. Россиянинг доимий эсиб турадиган совуқ шабадаси юзларини чимдиб, аъзойи баданни жунжиктира бошлаган бир пайтда Обиджон ва Марина кимсасиз йўл четигаги дарахтзорга ташлаб кетилди.

Икковининг ҳам қўл-оёқлари бойлаб, оғзиларига латта тикиб ташланган.

Обиджон эркак бўлгани сабабми, хартугул амаллаб нафас олишга муяссар эди. Маринанинг аҳволи эса анча жиддий. Оғзи-бурнидан оққан қон ичларигача тушиб қотиб қолган. Натижада бадани тиришиб, калтаклар туфайли пайдо бўлган яраларнинг азобига яна бир азоб бўлиб қўшилди.

Обиджон урина-урини оғзидаги латгани чикарди. Зўрға бошини кўтариб икки метрча нарида инграётган Марина томон кўз ташлади.

- Сен? - у кутмаганди. Зўр бериб калтаклашаётганида ҳушидан кетгани боис Маринанинг тарафкашлик қилганидан ҳам, калтакланганидан ҳам, бу ерга олиб келиб ташланганидан ҳам беҳабар эди. - Сени ким олиб келди бу ерга? - сўради у хириллаган товушда. - Нега ҳаммаёғинг қон?

- Сени калтаклашларига чидолмаганим учун, - инграб, йиғи аралаш жавоб қилди Марина.

Обиджон силтана-силтана арқонларни бўшатишга ҳаракат қиларкан деди:

- Нега бундай қилдинг? Ахир, сен аёлсан!

- Нима, кўз олдимда сени азоблашса, индамай қараб тураверишим керакмиди?

- Азоблашса, ўлганим йўқ-ку! Ўз жонингга жабр қилмасанг бўларди-ку!

- Мен ундай аёл эмасман. Ўзимга яқин одамни ёлғиз қолдира олмайман.

- Раҳмат! - Обиджон арқондан осонликча халос бўла олмаслигига кўзи етиб бўшашганича ётиб қолди. - Сен ҳақиқий дўст экансан. Бироқ бундан буён барибир мен билан бирга бўлишинг мумкин эмас.

- Нега? - кўзлари каттароқ очилиб ётган ерида Обиджонга аламли боқди Марина. - Мени ташлаб кетмоқчимисан?

- Афсуски, шундай. Чунки, сенинг бу тарзда қийналиб яшашингни истамайман. Менинг ҳаётим фақат азоб, қийноқлардангина иборат. Сени уларга шерик қилишни сира хохламайман.

- Бекорларни айтибсан, - деди Марина. - Мен энди сенинг ёнингдан бир қадам ҳам жилмайман. Қани, биронтаси яна сенга таёқ ўқталиб кўрсин-чи, нима қиларканман!

Бу гапларни эшитиб Обиджоннинг кулгуси қистади. Аммо ҳамон кўзи очик яралар хатто, чуқурроқ нафас олишга-да, қўймасди.

У базўр ўзини кулгудан тийиб оғзини юмиб олди.

* * *

Улар шу кўйи хуфтонга қадар ётишди. Катта йўлдан аҳён-аҳёнда машиналар ўтиб қолар, уларнинг товуши хар қулоғига чалинганида, Обиджон безовталаниб арқонни ечиб олиш ҳаракатига тушарди. Бироқ арқон шу қадар чандиб ташланган эдики, тугунини топишининг ўзи ҳам осон эмасди.

Марина судрала-судрала Обиджоннинг ёнгинасига келишга эришди ва унинг қонталаш юзларига маҳзун тикилганича индамай ётаверди.

Бир маҳал йўлдан ўтиб кетаётган машина қаттиқ тормоз бериб тўхтади.

Обиджон ҳушёр тортиб ўнг ёнбошига ағдарилди-да, машина тўхтаган тарафга тикилиб қолди.

“Наҳотки, анови аблаҳлар тагин бизни қидириб келишган бўлса, ўйлади у ўзича. Шунча етказган аламлари камлик қилиб, қайтадан калтаклашни бошлашадими? Мен-ку, майли, Марина-чи? Аёл боши билан бу зарбаларни кўтара олармикан? Унга қўллариниям теккиздирмайман! Майли, урадиган бўлишса, мана, мени уришин! Хоҳлаганча дўппослашаверсин! Аммо Марианага тегишга ҳаққи йўқ!”

Машинадан кимларнингдир тушгани, эшикнинг шарақлаб ёпилгани эшитилди.

Обиджон лабларини тишлаб ҳамон кутилмаган меҳмонларнинг тепасига келишларини кутарди.

Улар ҳам узоқ кутдириб қўйишмади.

Дарахт шохлари уёқдан-буёққа силкиниб, қаршисида Резидент пайдо бўлди. Обиджон сира кутмаган эди. У хаёлида ҳам йўқ эди. Ҳайратини ошириб, кулимсираганича яқинлашган Резидентнинг ортидан шахсан генералнинг ўзи ҳам етиб келди. Обиджон нима дейишни билмас, уларга сўзсиз термулган кўйи сукут сақларди.

Резидент ўйлаб ўтирмай, икковларини арқондан бўшатди.

Узоқ вақт қимирламасдан ётиш баданни увиштириб, одамни лоҳас қилиб қўяркан. Тўсатдан қўл-оёқлари кишандан бўшаган Обиджон сал бўлмаса ҳушидан кетаёзди. Унинг шу кўйга тушишини билишганми, генерал қўлидаги шиша идиш тўла сувни Обиджоннинг оғзига тўғрилади. Ана шу сувгина уни тетиклаштириб, кўзлари каттароқ очилгандек бўлди.

- Сени азобга қўйганимиз учун кечир, ошна! - деди ниҳоят Резидент ўртадаги жимликни бузиб. - Ўзинг ҳам жуда шошқалоқ йигит экансан. Валерага аҳволни ётиғи билан тушунтириш, иложи борича уни ишонтира билиш керак эди. Сен бўлсанг...

- Бу аёл ким? - Резидентнинг сўзини бўлиб Обиджонга юзланди генерал.

- Бу менинг янги ҳамроҳим, - деди Обиджон мажбуран кулимсираб. - Тарафимни олиб...

- Ўзинг ҳам аёлларсиз туролмайдиганлар хилидан экансан-да! - уришган бўлди генерал. - Сенга тайинланди-ку, аёлларга яқинлашма деб!

- Бу менинг шахсий ишим! - ўқрайиб қаради Обиджон. - Сизларга аҳамияти йўқ!

- Шунақами? Хўп, майли, бу гапинггаям қўшилалик-чи! Хўш, энди нима қиламиз? - генерал совук кулимсираб савол назари билан Обиджонга боқди.

- Мен қаёқдан биламан? - зарда аралаш жавоб қилди Обиджон. - Ҳойнаҳой, кишлоғимга кетсам керак.

- Адашяпсан, - деди генерал Резидентга бир кўз ташлаб қўйгач. - Сен ҳали ваъдангни бажарганингча йўқ. Қачонки, олдинга қўйилган вазифани адо этасан, ана ундан кейин биз сени уйингга кузатиб қўямиз. Шуни билиб қўй, сен уйингга курук қўл билан бормайсан, албатта. Нимаиди?.. Ҳа, янгангни топганингга қўшимча, биз сенга умрингнинг охиригача етадиган пул ҳам берамиз. Ҳа, биз одамларни текинга ишлатмаймиз.

- Хўш, яна қандай юмушни бажаришим керак? - сўради Обиджон генералнинг сўзларидан кўнгли тўлгандек.

- Мана, Валера масаласини деярли ҳал қилдик. Энди сенга бошқа юмушни, охириги вазифани юкламоқчимиз.

- Қандай вазифалигини билсам бўладими?

- Ҳа, бунинг сирли жойи йўқ. Қисқаси, сен хозироқ шаҳар марказий турмасига борасан. Аниқроғи, сени Резидентнинг ўзи олиб бориб қўяди.

- У ерда нима қиламан?

- Нима қилардинг? Топширикни бажарасан. Камералардан бирида ўлим жазосига ҳукм этилган бир маҳбус ўтирибди. Ўшанинг ёнида яшаб, ишончига кириб, энг яқин дўстига айланасан. Сўнгра уни ўз қўлинг билан отиб ўлдиришинг талаб этилади?

- Мен-а? - Обиджон кутилмаган гапни эшитиб, орқага тисланди. - Нега энди мен? Уни соқчиларнинг ўзи ҳам...

- Адашасан, - босиқлик билан тушунтира бошлади генерал. - Бундай вазифаларни ҳеч қачон соқчиларга ёки бўлмаса, оддий ҳарбийларга топширишмайди. Бу юмушни кўпинча жосуслик ташкилоти вакиллари удалашади. Биласанми, биз бир пайтлар айнан шундай бир ишни тоғанга топшироқчи бўлгандик. Афсуски, улгура олмадик. Бечора оламдан ўтиб қолди. Билиб қўй, бу жуда шарафли иш! Ва масъулиятли вазифа.

Обиджон барибир ҳеч нарсага тушунмади. Тўғриси, бу ҳақда илгари бир-икки эшитиб юрмагани сабаб елка қисиб қўя қолди. Балки, рози бўлмасди ҳам. Фақат тоғасининг номи тилга олинганидан сўнг, қарши сўз айта олмаслигини тушунди ва рози бўлди.

* * *

Маринани шаҳардаги шифохоналардан бирига йўл-йўлакай жойлаштиришди.

У Обиджондан айрилишни истамасди. Бироқ ўртадаги суҳбатни тинглаб, унинг ким ва қаерда бўлиши мумкинлидан хабардор бўлгач, бирмунча тинчланди.

- Мен сени барибир қидириб топаман! - шифохона каравотига ётқизиб билагига игна санчилган Марина кетишга чоғланган Обиджонга ёшли кўзлари билан боқиб оҳиста шивирлади. - Мана, кўрасан, яраларим битсин, қандай бўлмасин сени топиб ҳолингдан хабар оламан.

- Мен у ерда узоқ вақт қолиб кетмасам керак, - деди Обиджон аёлни тинчлантириш мақсадида. - Тез кунда чиқаман-у, ўзим сени излаб топаман.

- Мени унутиб қўймайсан-а?

- Унутмайман. Сен билан биз ҳали энг яхши онларимизни бирга кечирамиз, ишон!

- Хўп, энди кет! - юзини тескари буриб олди Марина. - Фақат ҳеч нима демасдан кет! Шунда кўнглим хотиржам тортади!

Обиджон унинг талабини адо этган ҳолда индамасдан палатани тарк этди.

Кўчада уни машинада Резидент кутиб турарди.

* * *

- Сенга бир гапни айтиш ёдимдан кўтарилибди, - деди Резидент Обиджон машинанинг орқа ўриндиғига чиқиб ўтиргач.

- Нимани?

- Онанг сени қидирувга берганмиш.

- Онам? - Обиджон қалбига яқин сўзни эшитиб бирдан ўзгарди. - Қаерда экан онам?

- Қаерда бўларди? Уйингда. Фақат... Милисалар бутун иттифоқ бўйлаб сени қидиришяпти. Лекин биз яқинда уларга бор ҳақиқатни билдирдик. Энди милиция онангни вақтинча бўлса-да, тинчлантириб турадиган бўлди.

- Шунақа денг? - Обиджоннинг кўз ўнгида қайтадан поёнсиз далалар, икки чети азим тол ва чинорлар билан қуршаб олинган кадрдон ариқ, қўшнилари, синфдошлар-у, қариндош-уруғлар намоён бўлиб бир муддат сукутга толди.

- Сени турмада узоқ вақт ушлаб турмаймиз, - жимликни бузди Резидент. - Маҳбуснинг ўлимига бор-йўғи икки ойгина қолган.

- Нега энди менга бунақа тушунарсиз вазифа беряпсизлар? - сўради Обиджон. - Буни қўлидан отиш келадиган ҳар қандай одам ҳам эплайверади-ку!

- Тўғри, эплайверади. Лекин ўша маҳбус ҳамон ҳеч ким билан гаплашмайди, ҳеч ким билан дўстлашмайди, дардини ҳеч кимга айтмайди. Жуда асабий ва инжиқ. Биз унинг шу қўйда ўлиб кетишини истамаган бўлардик. Озгина бўлса-да, кўнгил ёзсин, ким биландир дардлашсин, ҳасратлари ичида қолиб кетмасин, деймиз.

- Олижаноблик қилмоқчимиз, денг?

- Ҳа, шундай деса ҳам бўлади. Ахир, биз ҳам одаммиз! Қолаверса, бу иш жосуснинг қўлидан келиши керак. У артистлик қила олиши лозим. Бундан ташқари, жосуснинг одам ўлдиришда қандай имкониятга ва қобилиятга, продага эга бўлишини шу йўл билан ҳам текширилади.

- Мен жосус эмасман, - деди Обиджон.

- Тўғри, сен жосус эмассан. Лекин сен тоғаннинг ишлари, сўнги тақдири билан қизиқиб, бизни анча овора қилдинг. Шунинг учун ҳам ташкилот раҳбарлари сени жосуслик хизматига жалб этишга мажбур бўлишди. Тўғри, истасак, сени аллақачон ўлдириб ёки қаматтириб юборардик. Сен умрининг охиригачаям бу қамокдан чиқа олмасдинг. Бироқ тоғаннинг кимлигини яхши биламиз. У бизга жуда катта хизмат қилиб кетди. Ана шу нарса сени жазолардан қутқариб қолди.

- Ана энди ҳаммасини тушундим, - деди Обиджон. - Хўш, қамокда икки ойгина бўламан...

- Ҳа, тахминан шундай. Сен ишингни қанчалик тез уддалашинггайм боғлиқ.

- Агар бир ҳафтадан уддаласам-чи?

- Ҳовликма, йигит, - унинг елкасига қоқди Резидент. - Бу иш сен ўйлаганчалик оддий эмас. Сен умрида йигирма нафар масъул ходимни ер тишлатган қотил билан бир камерада ўтирасан. У хоҳласа, биргина ногўғри фикринг ёки сўзинг учун сениям ўша ернинг ўзида тинчитиб юбора олади. Шунини тасаввур қилисанми?

- Менга барибир, - қўл силтади Обиджон. - Мен қишлоғимга тезроқ қайтиш учун ҳеч нарсадан қайтмайман.

- Ҳа-а, - Резидент оғир хўрсиниб ойнадан узоқ-узоқларга ўйчан тикилди. - Она юртни ҳаммаям соғинади. Бу яхши одат. Чунки, она юртини соғинган одамнинг қалбида ёмонлик бўлмайди. У кимлардир ўзини кутаётганини, кимлардир севишини бир умр ҳис этиб яшайди. Шу туйғу сари талпинади.

- Сиз қаердансиз? - сўради Обиджон.

- Бунинг аҳамияти йўқ.

Резидент кутилмаганда бошини силкиб-силкиб, ҳайдовчига юзланди:

- Қани, турмага ҳайда!

* * *

Ҳаммаси олдиндан тайёрлаб қўйилган сценарий бўйича амалга оширилди.

Обиджон аввал турма бошлиғининг кабинетига елкаларига автомат, камарларига кўша-кўша кишанлар осган соқчилар ҳамроҳлигида ташриф буюрди. Унга шахсан бошлиқнинг ўзи кундалик қоидаларни тушунтириб чиқди.

Демак, Обиджон кун бўйи камерада маҳбус билан бирга ўтиради ва уни суҳбатга тортишга, дўстлашишга ҳаракат қилади. Мабодо бир-икки тарсаки тушадиган бўлса, соқчилар ёрдамга келишмайди. Улар фақат ҳаёти учун хавф туғилган тақдирдагина камера эшигини очиб қўмак кўрсатишлари мумкин.

Хуллас, топшириқ ва вазият Обиджон ўйлагандан ҳам оғирроқ эди.

Бўйи нақ икки метрдан ошиқроқ, серсоқол, ҳар қўли рапидадай келадиган маҳбуснинг исми Степан экан. У кетма-кет, улаб тамаки чекади. Тамакиси тугаш арафасига етганида камера эшигини тепиб телбаларча қичқира бошлайди.

Унга ҳар куни икки шишадан ароқ ҳада этадилар. Ичиб олади-да, кайфи ошган маҳбус овозининг борича қичқириб, кимларнидир куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлайди. Аллакимларни қарғайди. Ҳеч кимдан ҳайиқмайди. Фақат қурол тутган соқчиларга кўзи тушганида ҳовуридан тушиб секин каравотига ўтиради. Тесқари ўгирилиб қайтадан газета қоғозига сассиқ тамакисини ўрай бошлайди.

* * *

198... йил эди ўшанда! (Усанбоева, йилини аниқ ёзинг!!!)

Олдиндан айтилганларнинг барчаси Обиджон камерага кириб борганида тасдиқлангандек бўлди.

Камера оддий маҳбусларникидан буткул фарқ қиларди. Обиджон бундай камерани қачонлардир турма "пахан"ининг ҳузурига кирганида кўрган.

Телевизор, радио, юмшоқ диван, идишлар тозалиги ва гўзаллиги билан рестораникидан фарқланмайди.

Ҳатто, бу ерда алоҳида ҳожатхона, алоҳида ваннахона мавжуд эди.

Маҳбус Степан ёши қирқлардан ўтганига қарамай, олмиш ёшли эркакларни эслатарди.

У Обиджонни олиб киришганида, тушлик қилаётган экан. Қаршисида бегона йигитни кўриб қўлидаги товук гўштини секин товоққа қўйди ва стакандаги яримлаб қолган, ароқни қўлига олди.

- Салом, отахон! - деди Обиджон гарчи Степаннинг жавоб қайтармаслигини билса-да.

У секин келди-ю, ўзи учун маҳсус қўйиб кетилган юмшоқ диванга ўтириб қўлидаги буюмларни ёстиқ устига қўйди. Кейин қайтадан товук ея бошлаган Степанга ер остидан разм солди.

Ўлимга маҳкум этилганлар аслида ўта ғамгин ва асабий бўлишади, деб эшитгани бор эди. Бу эса, парвойи фалак. Юз-кўзларида асабийликдан асар ҳам кўринмайди.

- Ёқимли иштаҳа! - дея иккинчи бор сўз қотди Обиджон.

Хайрият, йўлига бўлса-да, Степан бош ирғаб тасдиқлаб қўйди.

Хўш, буёғига нима қилади? Ўзига-ўзи, "шу куни кечгача уни тилга киритаман ва шу йўл билан хизмат муддатимни қисқартираман", дея сўз берган. Маҳбуснинг эса гапиришидан дарак йўқ.

Обиджон секин ўрнидан турди-да, Степаннинг курсилардан бирига тайёр ўраб қўйилган тамакисига қўл чўзди.

Бу Степанга ёқмасди. Нафақат тамаки, ҳатто оддий ботинка боғичини ҳам бегоналарга раво кўрмайдиган, қизғанчиқ эркак эди.

- Тегма! - дея ўшқирди ўтирган жойида.

Аммо Обиджон бу гапга эътибор қилмай, тамакини оғзига солиб тутатиш ниятида гугуртга қўл чўзди.

- Кулоғинг том битганми? - Степан кутилмаганда ўрнидан туриб аввал тамакини тортиб олди. Сўнгра Обиджоннинг ёқасидан бўғиб, ўзига яқинлаштирди.

- Қўйвор мени! - Обиджон бир зарб билан унинг қўлларини силтаб ташлади ва совук тиржайиб нари кетди.

- Менга қара, - турган ерида бақирди Степан. - Яна бир марта менинг буюмларимга тегсанг, ўлдираман!

- Қўлингдан келармикан? - атайин елкаларини силтаб-силтаб Степанга кучини намойиш этган бўлди Обиджон.

- Ўшанда кўрасан!

Шу билан дастлабки "суҳбат" якун топди.

Степан ўз жойига ўтириб, Обиджондан тортиб олган тамакини тутатди. Обиджон эса сочиқ-совунини олиб чўмилиш мақсадида ваннахонага кириб кетди.

* * *

Тонг ҳам отди. Турмадаги илк кеча Обиджон учун анчагина қийин кечганди.

Степан шу қадар қаттиқ хуррак отар, бу ҳам етмагандек, уйку орасида кимларнидир бўралаб сўкар, нукул "пичокни бер, болта қани?" дея қичқириб чиқарди.

Аммо Обиджон ҳаммасига чидади. Маҳбусни уйку орасида уйғотишни, қайтадан жанжаллашишни истамади. Бу иш унинг келгусидаги режаларини пучга чиқариши ҳеч гап эмаслигини кўнгли сезиб индамай ётаверди.

Ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар овқатланиш учун ошхонага олиб чиқилмас, ҳамма нарса камеранинг ўзига келтириб бериларди. Чунки, ўлимга маҳкум одам ҳеч қачон бошқа маҳбуслар билан мулоқотга кирмаслиги талаб этиларди.

Обиджон ҳам ўзига тегишли овқатни тановул қилиб бўлгандан сўнг қандай қилиб қайтадан Степанни гапиртириш ҳақида бош қотира бошлади.

Охири яхшиликчасига саволлар бериб кўришга қарор қилди.

У маҳбуснинг ўсик, қизғиш соқол-мўйловига, игна билан турли суратлар чизиб ташланган билак, елкаларига зимдан назар ташлаб, унинг стаканидаги арокни ичиб, кетидан тамаки чекиб олишини кутди.

Ўша лаҳзалар келди ҳам.

Степан кайфдан қизарган кўзларини қисган кўйи Обиджон томонга бир қараб олган бўлди-да, оғир хўрсиниб диванга чўзилди.

Ана энди бемалол исталган саволни берса бўларди.

- "Земляк", нега қамалгансан, ўзи? - эҳтиёткорлик билан савол ташлади Обиджон.

Бироқ Степан қимирлаб ҳам қўймади.

— Мен бўлсам, ўн беш нафар ментни ер тишлатдим, - деди Обиджон унинг эътиборини жалб этиш учун.

Степан парво қилмагач, давом этди:

- Ўзи бу дунёда ҳақиқат йўқ экан. Бегона, бегуноҳ қизларнинг номусини давлат хизматчиси бўла туриб поймол этиб кетишаркан-у, ҳеч ким ғиқ этмас экан. Ахир, унданларни халқ ҳуқуқларини ҳимоя этиш мақсадида тайинлашган! Мен чидай олмадим. Негаки, бегуноҳ, соф аёлнинг, қизнинг номуси мен учун қиммат туради. Керак бўлса, ўлганимдан кейин ҳам ундайларга тинчлик бермайман. Бир умр азоблаб ўтаман.

Бу гаплар Степанга таъсир қилди, чоғи, секин бошини кўтариб Обиджон томонга ўгирилди.

- Кимнинг номусига тегишди? Ким шу ишни қилди? - сўради у дағаллик билан.

- Ким бўларди? - афтини бужмайтириб дарича томонга бокди Обиджон. - Айтдим-ку, ментлар деб!

- Улар одам эмас, - дея сўз бошлади ниҳоят Степан. - Мен ҳам ўз вақтида унақаларнинг уч-тўрттасини тинчитганман.

- Нима, сениям шу сабабдан ўлимга маҳкум этишдимми? - сўради Обиджон.

- Шунгагина бўлса майлийди. Мен ҳаётим давомида кўпчиликнинг ёстиғини қуритдим. Санаб адоғига ета олмайман ҳалиям.

- Бегуноҳларнинг ҳамми?

- Йўқ! - ўрнидан туриб кетди Степан. - Мен бегуноҳ одамга чўп ҳам отмайман. Ўлдирган бўлсам, айбдорларнигина ўлдирганман.

- Масалан? - Обиджон қизиқсиниб маҳбусга яқинроқ бориб олди.

- Масалан, сўнгги бор ўлдирганим бир қиморбоз эди. Уни танирдим. Шаҳарда бормаган қиморхона йўқ эди. Бир куни эндигина қамоқдан келиб уйга кириб улгургандим. Э, бунга ўн йилча бўлди. Биргина қизим бор. Исми Лариса. Жуда ақлли, гўзал қиз.

Степан ҳикоя қилар, кўзларидан эса маржон-маржон ёшлар думалаб соқоллари орасига сингиб кетарди.

- Хуллас, турмага кетаётганида беркитиб қўйган яхши ароғим бор эди. Ўшани жойидан олиб стаканга қуйдим-у, ярмини ичдим. Шунда қизим келиб қолди. Йиғлаб кўришдик. Айтганча, онаси ўлиб кетган, уйда фақат иккимиз яшардик. Қамоқдалигимда қизимни синглимга ташлаб кетгандим.

Қисқаси, қизим негадир йиғлашдан тўхтаб қолмади. Сабабини суриштирдим.

У анчагача айтмади. Ҳадеб силтаб сўрайверганимдан кейин гапириб қолди.

- Танирдингиз, дугонам Надя бўларди, - деди у ҳамон кўз ёшларини тўхтата олмай.

- Ҳа, бирга ўқигансизлар, - негадир юрагим ғаш тортди. - Уйгаям неча марта келган. Эсимда...

- Ўшани... Марат ўлдириб юборди.

- Ўлдириб юборди? - мен ўрнидан туриб кетдим. - Анови, қиморбоз Маратми?

- Ҳа, ўша ифлос. Анчадан бери кўз ташлаб юрарди. Бир-икки марта “мен билан юрсанг, бутун топганим сеники”, деб ҳол-жонига қўймаган экан. Надя бўлса, охириги марта шундай деб йўлини тўсганида милисаларни чақириб адабини бердирганди. У ифлос ўша куни жарима тўлаб чиқибди-да, тўғри қиморхонасига борибди. Чўнтагидаги пулларини ютқазганидан кейин Надяни тикиб юборибди. Хуллас, унияш ютқазгач, кечаси ютганларни унинг уйи деразаси остига турғазиб қўйган-у, ўзи Надяларникига кирган. Биласиз, дугонам онаси билан ёлғиз турарди, онасиям кексайиб қолган. Хуллас, Марат дугонамни олиб чиқиб кетмоқчи бўлиб судраклаган. Надя қаршилиқ кўрсатган. Бақир-чақир бўлиб кетгач, Марат уни подъезднинг ўзида тинчитган.

- Кейин-чи? - сўрадим қизимдан.

- Уни қамашди. Аммо икки ойдаёқ чиқиб келиб, ҳозир ҳеч гап бўлмагандай юрибди. Айтишларича, катта пул бериб қутулиб кетганмиш! Надянинг онаси эса мени ҳар кўрганида ув тортиб йиғлайверади.

Мен қизимнинг ҳикоясини базўр чидаб тингладим. Чунки, Надяни жуда яхши танирдим. Оғир-босиқ, оқила қиз эди. Мактабдаям фақат аъло баҳога ўқиган. Бирор марта бегона. йигит билан қўлтиқлашиб юрганини кўрмаганман.

Кечаси тўйгунча ичдим-у, Маратнинг қиморхонасига кириб бордим. Шу тобда у ютаётган экан. Салом-алиқдан кейин ташқарига олиб чиқдим ва ҳеч нима деб ўтирмай ҳаётига нуқта ясадим.

Сўнг индамасдан кўчага қараб йўл олдим.

- Бунга анча бўлганми? - сўради Обиджон маҳбуснинг ҳикоясидан таъсирланиб.

- Ҳа, анча бўлган.

- Ўлимга маҳкум қилишгани-чи? Бунинг сабаби нима?

- Сен, йигит, бошимни қотираверма! Ундан кўра, ма, тамакидан татиб кўр! Ҳа-а, кеча тамакига қўл чўзганимда бермаганим учун кечир! Очиғи, нарсамни сўрамай олишларини сира ҳуш кўрмайман.

- Ўзим ўшандаёқ тушунганман, - деди Обиджон кулимсираб. - Сизни гапга тутиш эди, холос мақсадим.

- Шунақа дегин? Э, барибир эртами-кечми, ўлиб кетамиз. Сен ҳам, мен ҳам мана шу камерада жон берамиз. Шундай экан, кўп гапиравериш ҳам ёқмай кетади баъзида. Тўйиб-тўйиб ичгим келади манови зормандадан. Хайрият, шу нарсдан ҳеч бўлмаса қисишмаяпти. Вақтида бериб туришибди. Айтганча, нега ўзингникини ичмабсан?

- Билмадим, - елка қисди Обиджон. - Негадир тортмади.

- Ичавер, ўладиган дунё бизники. Ичиб, чекиб қол! Истасанг, бирор кун анови навбатчиларга пича пул бериб жононлардан олиб келтираман. Хўш, маишатга қалайсан?

Обиджон ўзида йўқ мамнун эди. Ахир у оғиз кўпиртириб “қайсар ва ёввойи, дағал” дея таърифлашган маҳбусни очилишга мажбур этди.

Бу дегани, иш тезлашади ва қишлоққа йўл олади.

Обиджон беихтиёр кулиб юборди ва кулгу орасида жавоб қилди:

- Жони дилим - жононлар!

Арқон билан боғлаб ташланган Марина ва Обиджон минг азобда ётишарди. Бир пайт уларнинг ёнига машина келиб тўхтади. Ундан резидент билан шахсан генералнинг ўзи тушиб келди. Маринани шифохонага жўнатишди. Генерал Обиджонга янги кўрсатма берди. Агар шу топширикни бажарса, уйига жавоб беришини ҳам таъкидлаб ўтди. Унга кўра, Обиджон қамоқда ўтирган бир қотил билан гаплашиб, сирларини билиб олиши ва кейин ўлдириши керак. Обиджон маҳбусни тилга киритиши учун унча кўп вақт кетмади...

- Сен менга ёқиб қолдинг, бола! - деди эртаси кунги “шоҳона” нонуштадан сўнг Степан тамакисини тутатишга чоғланаётди. - Жуда шинаванда йигитга ўхшайсан. Аммо манови ерларга тушиб қолганинг ёмон бўпти. Сенинг жойингмас турма.

- Менинг душманларим кўп, - деди қовоғини уйиб Обиджон.

- Ма, тамакидан торт, дардингни енгиллаштиради.

- Тўғрисини айтсам, мен чекмайман, - кулиб қўйди Обиджон. - Кеча сиз билан қандай тиллашишни билмай мажбуран тамакингизга ёпишган эдим.

- Ўзим ҳам билдим. Тамаки тортишнияш йўли бор. Сен билмас экансан. Қўлингга оляпсан-у, омонатгина ушлаб турибсан. Ҳақиқий кашандалар тамакини бундай ушламайдилар.

- Хўш, янги ҳикояларингиздан айтиб берасизми? - Обиджон ўрнидан турди-да, Степаннинг ёнига бориб ўтирди.

- Нима, мабодо ёзувчи эмасмисан? - силкиниб-силкиниб кулди Степан. - Тагин уйингга қайтганингдан кейин газет-пазетга ёзиб юбормагин!

- Йўғ-э, қанақасига ёзувчи бўлай? Ёзувчи бўлсам, шу ерларда ўтирармидим?!

- Ҳа, энди айтдим-қўйдим-да! Бўпти. Шу баҳонада ичимдаги дардларниям енгиллаштириб олсам ажаб эмас. Биласанми, охирги марта қамалиб, ўлим жазоси ҳақидаги ҳукмни эшитганимда, ўзимни кўярга жой тополмай, худди туғолмаган товукнинг аҳволига тушиб қолгандим. Кечалари ухламасдим, қайғулардим, сиқилардим. Туни билан тамакини тутатиб чиқардим. Аммо бора-бора кўникдим. Тўғри-да, нимасини қайғураман? Эртами-кечми, барибир ҳаммаям ўлади. Одам бошига тушганидан кейин ўлишга тайёрдек бўлиб қоларкан.

- Қўйинг, шу гапларни гаплашмайлик, - деди Обиджон мушти билан каравот четига уриб-уриб кўяркан. - Қирк йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, дейишади. Пешанадагини кўрамыз-да!

- Сен ҳақсан. Гапиргандан нима фойда? Қачон юр деса, хайр-маъзур қилинади-ю, чиқиб кетилаверади. Ҳозир бўлса, эшит. Сенга ўзим қилган даҳшатли ишлардан бирини айтиб бераман.

* * *

Турмага тушишим аслида бир бечора йигитни машинада уриб кетганимдан сўнг бошланди.

Йигитни тормоз босишимга қарамай, йигирма метрлар нарига судраб боришга мажбур бўлгандим. Чунки, катта тезликда кетаётгандим.

Мени ўша куниёқ қамаб қўйишди. Суд бўлди. Беш йил беришди. Эҳ, турма нима эканини ўшанда билдим. Беш йил давомида қанчадан-қанча ёвузликларни, шармандаликларни, сотқинлар-у, аёлсифат ҳезалакларни кўрдим.

Кўпчилик турмага келиши билан у ернинг шароитига тез кўникиб кетади. Агар бир-икки йил ўтирса, турмани жаннатга, озодликни эса дўзахга ўхшатадиган бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам маҳбуслар озодликка чиққанлари ҳамон яна қайтиш йўллари қидира бошлашади.

Аммо мен барибир озодликни севардим. Турмадаги турли тоифа кишиларга ўз номимни кўшгим келмасди. Қутулиб чиқсам, яхши бир иш топиб ишлайман, қизимни ўқитаман, одам қиламан, лекин машинанинг рулини ушламайман, деб ўзимга-ўзим сўз бергандим.

Ниҳоят орзиқиб кутган онлар яқинлашиб, мени турма бошлиғининг қабулига олиб киришди. У менга озод бўлганим ҳақидаги буйруқни ўқиб эшиттирди. Бундан буён одамлар каби тинчгина яшашимни маслаҳат берди. Ҳа, бу маслаҳатлар, унинг овози ўшанда мен учун жуда-жуда ёқимли ва роҳатбахш эди.

Гарчи хотиним билан ажрашаётиб квартирамдан воз кечган бўлсам-да, ҳар қалай онам раҳматлидан қолган яна бир уй йўқ эмас, у ерда қизим бир дугонаси билан бирга яшаб турганди.

Автобусдан тушиб би-и-р бозор айлангим келди. Ахир, турмада ҳам ишлатиб, маош беришарди! Анча-мунчасини жамғаришга эришганман. Қизимнинг олдига қуруқ қўл билан бормайман-ку!

Расталарни айланиб юриб қизимга кийим-кечак харид қилдим. Егуликлар олдим.

Бозорнинг бир бурчагида пивохона бор эди. Ўшанда ёз бўлгани сабабли ҳаво исигандан-исиган. Менинг ҳам бир кружкагина пиво ичиб, ундан сўнг уйга кетгим келди.

Ичкарига қадам қўйган ҳам эдимки, эски улфатлардан бири Мишани кўриб қолсам бўладими! Болалиқдан бирга ўсганмиз. Фақат у пойтахтда яшайдиган аёлга уйлангач, шаҳримиздан кўчиб кетиб қолганди.

- Қутулиб чиқдингми, ошна? - кучоқлаб кўришаркан, сўради Миша.

- Ие, сен қаердан биласан? - сўрадим ундан хайрон бўлиб.

- Мен яқинда кўчиб келдим, - деди Миша бош эгиб. - Хотиним билан чиқиша олмадик. Жуда хийлагар экан. Мендан пинҳона бошқа эркак билан учрашаётганини эшитиб қолдим-у, шартта ажрашиб ўз уйимга қайтавердим.

- Тўғри қилибсан, - дедим унинг елкасига қоқиб. - Москвалик аёллар хиёнаткор бўлишади, деб эшитганман. Қўй, ўзимизнинг жувонлардан қолма!

Иккаламиз бир соатча барда ўтирдик. Анчадан бери ичмаганим учунми, икки кружка пиво каллага яхшигина тепиб қўйибди.

Сўнгра Мишанинг илтимоси билан уникага бордик. Гаплашиб ўтириб бир шиша ароқниям бўшатдик. Шу пайт яна бир улфатимиз Артем келиб қолди.

Негадир мен билан менсимайгина кўришди. Хайрон бўлдим. Қайфияти йўқ шекилли, деб ўйладим. Аммо навбатдаги шиша бўшагач, Артем тўсатдан менга юзланди.

- Қизинг жа етилибди, - деди хотиржамлик билан.

- Нима? - аввалига тушунмай Артемга қаттиқроқ тикилдим. - Бир нима дегандай бўлдингми?

- Қизингни айтаман. Жуда етилиб, кўзни қувнатадиган қиз бўлибди.

Бу гап ота учун қанчалар оғирлигини биласанми? Билмайсан! Жон-поним чиқиб ўрнимдан қандай туриб кетганимни, Артемга ёпишганимни сезмай қолдим. Азбаройи жаҳл отига минганимдан Мишайам қанча уринмасин, бизни айира олмасди.

- Сен нима деётганингни биласанми? - Артемни силтай бошладим мен. - Бу гапни кимга гапирганингни биласанми? Қаерда кўрдинг қизимни? Қачон? Нима ҳақинг бор бундай дейишга? Асосинг борми?

Артем мендан анча кучли эди. Бир муддат каршилик қилмай турган бўлса-да, ниҳоят бир зарб билан мени ўзидан итариб юборди.

- Э, кизинг... - деди хириллаб. - Ишонмасанг, бор, уйингга кириб ўзидан сўра!

Мен бор кучимни тўплаб Артемнинг башарасига мушт туширдим. У қалқиб кетди-ю, йиқилмади. Эндигина менга ташланмоқчи бўлиб хезланганида эса Миша орқасидан келиб маҳкам қучоқлаб олди.

Мен эса орқа-кетимга қарамай уйга чопдим.

Қизим билан ўзимни босишга уриниб кўришдим ва биринчи берган саволим шу бўлди:

- Сен ҳали енгил йўлга кирганмисан?

Қизим бирдан ранги ўзгариб, кўзларимга тик боқди:

- Бу нима деганингиз? Ким айтди?

- Ана, Артем амакинг шундай деди! Кўрганмиш...

- Артем? - кизим ўйланиб турди-да, лабларини тишлади. Сўнг йиғламсираб давом этди. - Ўша ифлос яқин-яқинлардан бери менга кун бермай қўйди. Қаерга борсам, орқамдан қолмайди, машинасида сайр қилишни таклиф қилади. Дала-ҳовлимга борайлик, дейди. Охири чидолмай, “дадам келса кўрасан”, дегандим, кулиб, “дадангни биринчи бўлиб мен учратаман, ана шунда сенинг номингни шундай булғайки, келибоқ ё каллангни олиб ташлайди, ё уйдан қувиб чиқаради. Ўшанда барибир меники бўласан”, деб кўрқита бошлади. Мен унга умуман эътибор бермай, уйга йўл олдим. Нега кўрқай? Ўзимга тўғриман...

Мен кизимни яхши билардим. У агар юракдан сўзласа, албатта, йиғлаб юборади. Рост гапирганида кўзимга доимо тик қараб гапирарди.

Оталик меҳрим кўзгаб, уни маҳкам қучоқлаб олдим.

- Отанг келди, - дедим сочларини силаб. - Энди сени унақаларга масхара қилдириб қўймайди.

* * *

Тун чўқди. Қизим билан биргаллашиб овқатланган бўлдим. Лекин ичимда ғалаён зоҳир эди. Балконга чиқиб ётибман-у, кўз ўнгимда ўзим улфат, дўст деб билган Артемнинг совуқ башараси намоён бўлар, хаёлан унинг қизим қаршисида турганини, турли бўлмағур, ҳаёсиз сўзларни айтиб, шаънини булғаётганини тасаввур этганим сари ўзимни қўлга олишим қийинлашиб борарди.

- Бир умр шу ёлғизгина фарзандимни, деб яшадим. Қамоқларда юриб ҳам нукул у ҳақида қайғурдим. Ўзимга яқин кимсаларнинг қўллаб-қувватлашидан умид қилиб нотинч кўнглимга таскин бериб кун кечирдим. Қисқаси, кизимни таниш-билишларга, танишларни эса Худога топширган эдим.

Нега ундай қилди Артем? Қизи тенги гўдакка нега бу тахлит муносабатда бўлди? Нима ҳаққи бор эди? Ахир, у менинг қизим эканини билади-ку! Қандай ҳадди сиғди?

Афсус, озодликни севишимга, энди бошқача яшашга онт ичиб қамоқдан чиққанимга қарамай, менинг ҳаёт тарзим ўзгарадиган кўриниб қолди. Чунки, ҳар қандай хўрликка, қийинчиликларга, керак бўлса, камситилишларга, масхараланишларга чидашим мумкин. Бироқ фарзандимнинг номуси поймол этилаётганини эшитсам, бу дардни кўтара олмайман. Билмадим, балки шундай тарбиялангандирман. Мана, ўзим қанчалар ваҳший дея тан олинган бўлсам-да, бегуноҳ одамнинг кўнглига озор берган эмасман.

Ўрнимда ётиб яна бир нарсани ўйлаб қолдим. Ўша аблах, ҳар қалай, бирор ёмонлик қилишга улгурмабди. Энди мен уйданман. У кизимга яқинлаша олмайди. Балки, охирини кутарман? Жанжаллашишнинг зарурати йўқдир? Шунинг дастидан ҳам тагин милисабозлик бўлиши мумкин. Мен бўлсам, қайтиб турма эшигига яқинлашишни истамасдим.

Шундай хаёллар билан ярим тунгача мижжа қоқмадим. Қандай фикрга бормай, барибир юрагимнинг бир чегида Артемга нисбатан қасос ўти учқунлайверарди. Уни сира-сира кечира олмасдим.

- Иш билан бирор ерга кетсам-у, у итдан тарқаган уйимга бостириб кирса! - дея ўйлардим мен. - Ўшанда менинг оталигим қаерда қолади? Буёқда қўшнилари, “ана, отаси келибди, аммо Артемдан кўрқди”, дейишмайдими?

Шу ўй мени ўрнимдан турғазиб, ташқарига етаклади. Ҳа, менинг сабр косам тўлиб-тошганди. Шу кеча қандай бўлмасин, Артемдан ўч олиш ва бу зўравонликларга нуқта қўйишни шарт, деб топдим ва икки уй наридаги унинг квартираси томон йўл олдим.

Биламан, тан оламан, у кучли, бақувват. Артемга бас келиш қийин. Шу сабабли эҳтиёт шарт уйдан ўткир болтани олиб қўйнимга яширдим.

Энди мени милиция ҳам, қамоқ ҳам йўлдан қайтара олмас, кўз олдимда фақат суюкли фарзандимнинг номуси айланарди, холос.

Кўзланган манзилга етиб келгач, бирпас очиқ ҳавода қолиб нафасимни ростлаган, ўзимни ўртамизда бўлажак тортишувларга тайёрлаган бўлдим.

Кўп гапларни мулоҳаза қилдим. Турмага кетишдан олдин қилинадиган ишларни олдиндан режалаштириб қўйдим. Қизимни бу сафар қаерда қолдириш, кимларга ишониб топшириш мумкинлиги ҳақида бош қотирдим.

Шундан сўнг таваккалига тўққиз қаватли уйнинг учинчи қаватига кўтарилиб, Артемнинг эшигини тақиллатдим.

У ҳам мен каби ёлғиз эди. Менинг-ку, қизим бор. Артем эса ҳеч қачон уйланмаган ва ёлғиз яшашни хуш кўрадиганлар хилидан. “Хотин, оила менинг умримга зомин бўлади, холос”, дея ҳисобларди.

Эшикни бир неча маротаба тақиллатганимдан кейин ичкаридан Артемнинг йўталган овози эшитилди. Ҳеч қанча вақт ўтмай, у эшикни очди.

Сездим. Мени кўргач, ранги ўзгарди. Буни бир қадам ортга тисланиб олганидан ҳам билиб олиш қийин эмасди.

- Ташқарига чиқайлик, гап бор! - дедим совуққонлик билан.

- Менда-я? - Артем масхараомуз тиржайиб кўзларимга тик боқди. - Нима бало, ҳалиям кайфинг тарқамадими, дейман?

- Кайфим сени кизиқтирмай қўя қолсин, зўравон! - дедим унга. - Ё кўрқяпсанми?

- Сендан кўрқаманми? Майли, пастга тушиб туравер, орқангдан мен ҳам тушаман.

Менга шу гапи керак эди.

Шаррта ортимга бурилдим-у, пастга тушиб кетдим.

Орадан ўн беш дақиқалар вақт ўтди-ёв! Жанжалимиз бегоналарнинг кўзидан пана бўлиши учун уйдан анча нарида жойлашган чуқурлик тепасига бориб турдим. Артем мени кўрмай қолмасин деб сигарет тутатдим.

Йўқ, у ваъдасига биноан менинг олдимга етиб келди.

- Хўш, нима гапинг бор? - сўради гапни калта қилишга уриниб.

Мен аввал унинг асл башарасини кўздан кечирдим. Менга шундай туюлдими, ҳозирги афт-ангори жуда совуқ кўринарди.

- Қизимга нега тегиндинг, ит? - ниҳоят мақсадни очиқ айтдим мен.

- Ким айтди буни? - сира ўзини йўқотмай сўради Артем.

- Қизимнинг йўлини тўсармишсан, дам олишга таклиф қилармишсан!

- Бўлмаган гап, - деди у. - Қизинг ёлғон гапирибди сенга. Ҳойнаҳой, сени яна турмага жўнатишни мақсад қилиб олган бўлса керак. Чунки, одамларнинг айтишларига қараганда, уйингга ҳар куни ҳар хил эркаклар келиб кетармиш.

- Нима? - буниси энди ортиқча эди.

Артемнинг башарасига қандай мушт туширганимни ўзим ҳам сезмай қолдим.

У кучли зарбадан бир қалқиб кетди. Аммо йиқилмади. Бир-икки марта бошини силкитиб-силкитиб олди-да, муштларини туғиб менга яқинлашди ва кутилмаганда ёқамдан чангаллаб бир мартагина калла солди.

Ярамаснинг калласи тошданми, билмадим, кўзимдан ўт чиқиб кетгандай бўлди.

Лекин мен ҳам эркакман. Зўравондан енгилиб индамай кетаверишга одатланмаганман.

Силтана-силтана унинг қўлларидан халос бўлиб олдим-у, икки-уч одим нарига қочиб бориб қўйнимдаги болтани чиқардим.

- Қани, кел энди! - қичқирдим алам билан. - Нега қараб турибсан? Келмайсанми? Кўрқяпсанми-а? Кўрқяпсанми, ҳезалак? Мен сенга қизимга тегинишни кўрсатиб қўяман! Кел, эркакмисан, ўзи?

Ҳақоратларимга тоқат қила олмаган Артем жон ҳолатда менга ташланди.

Менга худди шу керак, қўлимдаги болта жуда ўткир эди...

Орадан қанча ўтди, билмайман. Ўзимга келганимда қарасам, Артемнинг соғ жойи қолмаган.

Ишончим комил эди, барибир эртами-кечми, мени қамашади, камида ўн йил беришади.

Балки топа олишмас-а? Мурдани йўқ қилиб ташласам, ким ҳам топарди? Ҳеч гап бўлмагандай жим юравераман. Ўзимни йўқотмайман. Ахир, жиноят қилиб қўлга тушмаганлар озми?!

Шу хаёл мени хушёр торттирди. Ҳа, мен ҳозироқ мурдани кўздан йўқотишим керак. Қон изларини ҳам қолдирмайман. Ҳаммасини сип-силлик қилиб қўяман. Кўрибсизки, гўё бу ерларда жиноят содир этилмагандек осойишталик ҳукм сураверади.

Мен Артемнинг жасадини судраклаб тахминан икки юз метрча наридаги қабристонга олиб бордим. Тайинли жойга яшириб устига шох-шаббаларни ташладим-у, йўл-йўлакай оққан қон изларини йўқ қилишга тушдим. Бу иш бир соатча вақтимни олган бўлса-да, мен мамнун эдим. Чунки, жиноят излари йўқ қилинди.

Кўнглим бироз таскин топиб қабристонга қайтдим.

Эндиги вазифам чуқур қовлаш эди. Қаердандир белкурак ҳам топила қолди. Астойдил ишга киришдим. Ярим соатча уринишлардан сўнг икки метрли чуқур қовлаб битирдим ва жасадни янги қабр ёнига судраб келиб, кўмиб ташладим.

Ҳамма ишни битириб уйга қайтганимдан кейинги ҳолатимни тасвирлаб бериш мушкул эди.

Гарчи ўзимни қўлга олиш учун бир шиша ароқни симириб юборган бўлсам-да, тўсатдан аъзойи баданимда титроқ туриб, безгак тутган бемор киёфасига кирдим.

Ҳеч гапдан беҳабар қизим ҳам титраётганимни кўриб, хайрон бўлди. Қандайдир дори ичирмоқчи бўлди. Мен рад этдим...

Титроқ бир соатлар ўтиб босилди. Энди қалбим таскин топгандек эди. Қизим бир ярамасдан қутулди. Майли, мени тутишсин, қамашсин. Ҳар ҳолда кўнглим тинч бўлади. Қилиб қўйган ишимни эшитган баъзи зўравонлар энди қизимга яқин йўлай олишмайди. Бекорга ўлиб кетишдан чўчишади...

- Хўш, кейин нима бўлди? - бу ҳикояга астойдил қулоқ тутиб ўтирган, ўзини ўша воқеа ичида ҳис этиб, гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ қувониб ўтирган Обиджон бир муддат жимиб қолган Степанга қаттиқроқ тикилиб сўради. - Қандай ушлашди сизни?

- Орадан уч кун вақт ўтди. Мен хотиржам эдим. Қизимни ёнимга олиб, турмада топган пулларимга унга яхши кийимлар олиб бердим. Уйга турли егуликларни ғамлаб қўйдим. Чунки, билардим, уйимда яшаш узоққа чўзилмайди. Барибир кимдир хабар топади. Кимдир Артемни йўқлаб қолади. Қарабсанки, жиноят маълум бўлади...

Бешинчи кунда кайсидир танишими, қўшнисими, Артемни йўқлаб эшигини тақиллатган. Ҳеч ким жавоб бермабди. Энди ортига қайтмоқчи бўлиб, қараса, эшик очикдек. Ичкарига кирган. Артем йўқ. Шундан кейин бошқалардан суриштира бошлаган. Бешинчи қаватда яшайдиган бир қўшни кампир дераза орқали икки шарпаннинг муштлаётганини кўрган экан. Шу баҳона бўлиб бу воқеа милисаларнинг қулоғига етди-ю, ўша кун тунда мени олиб кетишди.

- Дарров бўйнингизга олиб қўя қолдингизми?

- Ҳа, яшириб ўтирмадим. Биринчи сўроқдаёқ бўлиб ўтган ишларни оқизмай-томизмай терговчига айтиб бердим. Мени кабристонга олиб боришди. Чуқурни қайтадан кавлаб, мурдани кўрсатдим. Хуллас, менга ўн йил беришди.

Обиджон индамай ўрнидан турди-да, ўз каравотига бориб ёнбошлади.

Камерадошини ортиқ зўриктиришнинг кераги йўқ. Шундоқ ҳам ҳозир вужуд-вужуди билан ўлимини кутаётгани етиб ортади. Фақат...

* * *

“Тўғри, бу одам жиноят кўчасига кириб қолган, хаёлан мулоҳаза қиларди Обиджон. Қанчалаб одамларни ваҳшийларча ўлдириб юборган. Балки, хавфли жиноятчи деб аташлари тўғридир. Аммо инсон сифатида нега баҳоламайдилар? Унинг қалбига нима сабабдан қулоқ тутиб кўрмайдилар? Биринчи кун камерага кириб келганимда, ўзим ҳам бу одамдан нафратлана бошлаган эдим. Бундайлар ер юзида тирик қолмаслиги лозимлигини қалбимдан кечиргандим. Лекин у билан ҳамсуҳбат бўлиб, қалбига кириб боргач, дард-ҳасратларини тинглагач, негадир бу одамга нисбатан муносабатим ўзгара бошлаганини ҳис этдим. Йўқ, мен Степанни мана шу қўлларим билан ўлдира олишимга кўзим етмайди. Бундай истакдан асар ҳам қолмади. У кундан-кунга менинг энг яқин кишиларимдан бирига айланиб бораётган бўлса-ю, қўлимга қурол олсам-да, уни мўлжаллаб отсам. Шуям инсофданми? Диёнатли одам ҳам шу ишни қиладими? Йўқ, барибир мен уни ўлдира олмайман. Қўлим бормаслиги аниқ. Хўш, унда тоғамнинг ташкилотидегилар, генерал менга қандай жазо белгилайди? Шу турмада қолдириб, ростакам маҳбусга, жиноятчига айлантирадими? Ё кимларнидир ёллаб ўлдиртириб юборадими? Ҳа, уларнинг қўлидан келади. Чунки, улар жосус. Ундайлар ваҳший жиноятчидан минг чандон кўрқинчлироқ, хавфлироқ бўлишади.

Оббо, қандай кунларга қолдим ўзи? Не замонлардан бери онамни, кишлоғимни, яқинларимни, дўстларимни кўришга зорман. Лекин кета олмайман. Қўйишмайди. Ҳар тарафимдан гўёки қуршовга олгандек ўраб туришибди. Қайга қараб юрсам, ўша ерда пайдо бўладилар.

Менимча, айтганларини бажармагунимча қўйишмаса керак. Ҳа, қўйишмайди. Қандай йўл билан бўлмасин, мажбурлашади. Эҳ, Степа, сендай одамни ўлдирсам, бир умр ўзимни кечира олмаслигим аниқ. Қанчалар оғир гуноҳга ботишимни тасаввур қилсайдинг.

Кечир, бу ёруғ дунёда ҳар доим ҳам одамнинг айтгани бўлавермас экан. Баъзида виждонингга қарши боришга ҳам мажбур бўларкансан. Эҳ, кошкийди, ўша кун келганида, отган ўқим бу инсонга тегмаса!”

* * *

Бу орада Степанни қаергадир олиб чиқиб кетишди. Орадан ярим соатлар ўтгач, камерага хафақон қиёфада қайтиб кирган Степан Обиджоннинг тепасига келди-да, унга тикилиб қолди.

- Нима гап? Тинчликми? - ётган ерида сўради Обиджон. - Нега тикилиб қолдингиз?

- Сенгаям осон эмас, - эшитилар-эшитилмас жавоб қилди Степан. - Сенга жуда қийин бўлади. Чунки, бошқача йигитлардансан.

- Тушунмадим.

- Ҳаммасини эшитдим, - деди Степан мажбуран қулимсираб. - Сен жиноятчи эмас экансан.

- Қим эканман, унда? - сўради Обиджон даст ўрнидан туриб. - Фаришта эканманми?

- Йўқ, фаришта ҳам эмассан. Шунчаки... сени ёллашибди.

- Нимага ёллашади?

- Нимага бўларди? Билиб қўй, отаётганингда яхшилаб нишонга ол! Юрагимни мўлжаллайдиган бўлсанг, ўқинг сал хато кетиши мумкин. У ҳолда дўстингни қийнаб қўйган бўласан.

- Тушунмадим. Нималар деяпсиз? Қанақа ўқ? Қанақа отиш? - ҳаммасини англаб етган бўлса-да, талмовсираб сўради Обиджон.

- Ўзингни гўлликка солма! Ҳамма гапдан хабардорсан. Мана, бугун менинг ўзим ҳам хабар топдим. Бир томондан хурсандман. Анови каллакесарларнинг қўлида ўлсам, бир умр армон қилиб ўтардим. Сен эса ҳар ҳолда яқин бўлиб қолдинг.

- Йўқ, мен сизни ўлдирма олмайман, - деди Обиджон бош чайқаб. - Бу иш қўлимдан келмаслигини кўнглим сезиб турибди.

- Қўй, бўлмағур гапларни гапирма. Сен ўлдирмаганинг билан бошқаси тайёр туради. Ундан кўра, ёшсан, хизматни аёло даражада бажаргин-у, бошлиқларингнинг ишончига кир!

Шу пайт камера эшиги очилиб остонада соқчилардан бири пайдо бўлди.

- Ташқарига чик! - буюрди у Обиджонга.

- Нега? - гарчи турмада савол бериш тақиқланган бўлса-да, атайин савол ташлади Обиджон.

- Чикқанингда биласан.

Нимаям қиларди? У қоидага кўра қўлларини орқага қилганича соқчининг олдига тушиб ҳовлига йўл олди.

- Ўзи тинчликмикан? - сўради у йўл-йўлакай соқчидан.

- Сени кўришга бир эски танишинг келибди. Ҳозир ўша билан учраштираман.

- Қизиқ, қайси танишим бўлиши мумкин?

Улар ҳовлига чиқиб тўғри учрашув хонаси томон юришди. Учрашув хонаси марказий дарвозанинг шундоқ биқинида жойлашган эди.

Обиджон яқинлаша боргани сайин қизиқиши ортиб юраги безовта урар, шу тобда хонада онаси ўтирган бўлиб чиқишини жуда-жуда истарди.

Ниҳоят соқчи югуриб бориб эшикни очди.

Обиджон шошилишч ўзини ичкарига урди.

Хона тўрида керилганича Валера ўтирар, ичкарига қадам қўйган Обиджонга еб қўйгудек совуқ тикилиб қолган эди.

Обиджон Валерага кўзи тушгани ҳамон такка тўхтади. Гўёки танасидаги қон юзига кўпчиб чиқиб, тизиллаб отиладиган кўйи аъзойи баданини иситма босиб, кўзлари чакчайиб кетди.

Йўқ, у ортиқ чидаб тура олмади. Бу совуқ башарага узоқ муддат боқиб туришга тоқати етмади.

- Сенга нима керак? - қутилмаганда қичқириб юборди, у, хануз сўзсиз тиржайиб турган Валерага. - Нима ишинг бор, яна?

- Аввал салом-алиқ қилсанг бўларди, - тилга кирди ниҳоят Валера. - Ё қиёматли акангниям танимай қолдингми? Сени қаттиқ қалтаклаб қўйишдимми ё?

Обиджон жавоб бермади. Унга бир-икки сония тикилиб турган бўлди-да, ёнидаги соқчилардан бирига юзланди.

- Илтимос, мени камерага қайтариб олиб киринглар! - деди у соқчиларга. - Бу одам билан гаплашишни истамайман!

- Бу сизнинг ихтиёрингиз! - кулиб қўйди соқчи. - Кетдик унда!

Обиджон зарда билан орқага бурилди ва камера томон югуриб кетди.

* * *

Аммо камера эшигига яқин бориб улгурмай, Обиджонни турма бошлиғи чақираётганини айтиб қолишди.

У ана шу таклифни сўнгги ҳафтада жуда интизорлик билан кутаётганди.

Стёпанинг ғамгин чеҳрасига боқиб ўтириш, шу қадар камсуқум, камтар бир банданинг қонга ботган танасини, қийнала-қийнала жон бераётганини тасаввур қилиш, ўзининг икки кафтига кўзи тушганда, “наҳотки, шу қўлларим билан ўзим учун оғадек бўлиб қолган бир бегуноҳни отиб ўлдирсам?” деган хаёлни кўнглидан кечираверишга безиб қолганди.

“Худога шукур, кўнглидан ўтказди Обиджон соқчининг олдига тушиб турма бошлиғи кабинетини томон кетиб бораркан. Тушимдаям аён бўлганди. Тезроқ шу ифлос ишдан қутулсам, сўнгра она қишлоғимга қанот бойласам-у, учиб кетсайдим! Акс ҳолда бу каллакесарларнинг қўлидан осонликча халос бўлишнинг сира имкони йўқ. Айтган ишларини қилдирмагунча қўйишмайди. Лекин қандай тепкини босаман-у, қай юрак билан отаман? Майли, буткул бегона бир кимса бўлса, бармоғим ҳам титраб қўймасди. Ахир, Степан билан қанча вақт бирга камерада ўтирдим, ҳамсуҳбат, ҳамдард бўлдим!”

Шундай хаёллар билан Обиджон бошлиқ кабинетига кириб борди.

- Сизни табриклайман! - деди бошлиқ салом-алиқдан сўнг Обиджонни ўтиришга таклиф этиб. - Ходимларимиз хафа қилиб қўйишмадимми?

- Асло, - деди Обиджон тавозе билан. Хаёлан эса тезроқ мақсадга ўтишини истарди.

- Жуда хурсандман! Биласизми, бугун асосий ишни амалга оширишингизга тўғри келади. Хўш, тайёрмисиз?

- Шунақа десаям бўлади, - жавоб берди Обиджон совуққонлик билан.

- Унда яна ўн беш дақиқалардан сўнг сўнгги бор соқчиларимиз қуршовида тайин этилган жойга борасиз. Сизга ўша ерда қуролни топширишади. Айтганча, раҳбарингиз ҳам шахсан иштирок этишини билдирганди. Хали замон келиб қолиши керак.

- Мен кетаверайми? - секин ўрнидан туришга чоғланди Обиджон.

- Албатта, албатта! Ҳозирча кетиш тадоригини кўраверсангиз ҳам бўлади. Керакли хужжатларни ходимларимиз тайёрлаб ҳам қўйишгандир.

Обиджон даст ўрнидан турди-да, номигагина хайрлашган бўлиб эшик томон йўналди.

* * *

Турманинг махсус ажратилган ертўласи. Бу ерда фақат ўлимга маҳкум этилган маҳбуслар бўлар, уларнинг устидан сўнгги ҳукм ўқилар ва жазо ижро этиларди.

Ертўланинг деворларига темирсифат қандайдир мато қоплаб чиқилган бўлиб, бу ўқ овози, маҳбусларнинг бақир-чақирлари ташқарига эшитилмаслиги учун ўйлаб топилган эди.

Обиджон кириб келганида, ҳукми ўқиб бўлишган ва ўлимга маҳкум этиш хонасида бошига қоп кийдирилган Стёпа, турма бошлиғи, икки соқчи ва бир четда шахсан резидентнинг ўзи турарди.

Обиджон Степанни аниқ таниди. Ҳа, ўша! Ана, йўғон билаклари, кафтларидан таниди. Адашмаса, у айнан Обиджон томонга ўгирилиб турибди.

- Мана сенга қурол! - Обиджонга резидентнинг ўзи ўқланган тўппончани узатди. - Энди сен зимманга юкланган вазифани мана шу гувоҳлар иштирокида адо этишинг керак. Хўш, тайёрмисан?

Обиджон жавоб сифатида бош ирғади ва қуролни қўлига олиб аввал йиғилганлар бир-бир аланглаб олди. Бу орада резидент ва колганлар Обиджоннинг орқасига ўтиб олишди. Олдинда фақат Степангина қолди.

У Обиджоннинг тўппонча қабул қилиб олганини кўрдими ё кўнгли сездими, қутилмаганда икки қўлини кўтариб амалга ошириши керак бўлган ҳаракатни қўллаб-қувватлаган бўлди. Бу иши билан “ўлдирсанг, ўзинг ўлдир, иним”, демоқчи эканини билдирди гўё.

- Нишонга ол! - қичқирди резидент ўзини янада орқага олиб. - Нимани кутяпсан? Бўл тез!

Обиджон ўқланган тўппончани олдинга чўзиб, Степанинг бошини нишонга олди.

Шу тобда нафақат қўллари, ҳатто, юрагигача кучли титроқ исканжасида қолиб кетгандек эди.

Аммо қочиб қаерга ҳам борарди? Қисмат экан. Ҳаёт одам зотини шундай мушкул ва кечирилмас синовлар гирдобига ҳам солиб қўяркан.

Тепки босилиб, ўқ овози бутун дунёни тутиб кетгандек бўлди.

Йўқ, Обиджон барибир бу даҳшатли манзарага тик қараб тура олмасди.

У тепкини босаётган маҳал кўзларини юмиб олганди.

Ўқ овози тиниши билан шошиб кўзларини очди-да, Степан томон нигоҳ ташлади.

У девор остига қулаган, тизиллаб оққан қон деворга ёпиштириб чиқилган темирсимон матони ҳам бўяб улгурганди.

Аммо ортига ўгирилиб, ҳайрон қолди.

Резидентнинг қўлида ҳам тўппонча пайдо бўлган-у, у қизиб тутаётган тўппончани пуфлаш билан овора эди.

Обиджон ҳеч нарсага тушунмай, қўлидаги тўппончани кўздан кечирди.

Тўппонча совуқ.

Унда ким отди Степанни? Ахир, у тепкини босган эди-ку!

- Сен ҳайрон бўлма! - Обиджоннинг елкасига қоқди Резидент. - Сенинг тўппончангда ўқ йўқ эди. Ўзим сенга ёрдамлашиб юбордим. Лекин, баракалла, айтилган топшириқни аъло даражада адо этдинг! Раҳмат! Энди кетдик! Ўликни олиб чиқиб кетишларига ҳалал бермайлик!

Шундан кейингина Обиджон хийла енгил тортди. Хайрият, Степаннинг руҳи олдида айбдор бўлиб қолмабди. Содиклигича қолибди.

- Кечир мени, оға! - деди думалаб ётган мурда томон сўнгги бор ўгирилиб кўзларидаги ёшни енгига артаркан.

- Қиёматда учрашгунча хайр энди! Ишқилиб, гўрингда тинч ётсанг бўлди!

Обиджон шоша-пиша зиналардан юқорига кўтарила бошлади.

Уни ташқарида резидентнинг машинаси кутиб турарди.

* * *

1989 йил. Сентябр. Обиджон ташкилот тақдим этган катта миқдордаги пуллар жойланган сумкани кўтарганича икки кун шаҳар кезиб Маринани топа олмади. Уни на милиция идоралари, на кидирув бўлимидагилар билишарди. Топишига кўзи етмаган йигит ниҳоят она қишлоғига жўнади.

Ана, дарахтларнинг сарғайиб ер билан битта бўлган барглари Бухорода ҳам куз ҳукмрон эканидан дарак бериб турибди. Одамлар эса ҳар қачонгидек ўз юмушлари билан банд. Ҳайдовчилар машиналарида ғизиллаб у ёқдан-бу ёққа бориб келишади. Бозорчилар бозорни бошига кўтариб ўз молларини мақташади. Дехқонлар эса лўппидек очилган пахтани этакларига жойлашаркан, аҳён-аҳёнда “ишқилиб ёмғир ёғиб юбормасин”, деган хавотирда осмонга қараб қўйишади.

Обиджон она қишлоғига кириб келганда, вақт тушдан ошаёзган эди. Қишлоқчилик-да, ўсмир болалар уни кўришлари ҳамон сўрашишни-да унутиб суюнчи олиш ниятида Хосият холанинг олдида чопиб кетишди.

Обиджон бир нарсага жуда ҳайрон бўларди. Қишлоқдошлар, тасодифан учраб қолган тенгқур йигитлар ҳам уни кўрди, дегунча ортга тисланиб олар, ўзларича нималардир дея шивирлашар, шундан кейингина кўришиш учун кўрка-писа кучоқ очишарди.

- Сен, ўғлим, хайрон бўлма! - деди ўзини бир пайтлар олис йўлга кузатиб қўйган гўрков бобо хамқишлоқларга ишора қилиб. - Ҳамма сени “ўлди”га чиқариб бўлганди. Дарвозанг олдидаги тўшак тўшалган курсиларни кўриб ҳам ажабланма. Ахир, ўлган одамниқидан фотиҳачилар аримас экан. Тўғриси, икки ҳафта бурунгина онанг Хосият биби аза очганди сенга.

- Ахир, мен ўлмаганман-ку! - ҳақиқатан дарвоза рўпарасига ўрнатилган курсиларни кўриб хитоб қилди Обиджон. – Ҳеч ким ўлганим ҳақида хабар бермагандир... Нега энди?

Обиджоннинг тоқати етмади. Дарвозага яқин бориб улгурмай, кичқириб юборди.

- Ая! Аяжон, қаердасиз? Мен келдим!

Ҳовли кўни-қўшнига тўлиб кетганди. Биров кирар, бошқаси чиқар, хуллас, тўполон етарлича эди. Бироқ Обиджон қанча бақир-чақир қилмасин, негандир Хосият холадан дарак бўлмади.

Ҳа, онани ҳовлининг ўртасидаги ўша эски сўрига ётқизиб икки-уч хотин-халаж нукул елпиш билан овора экан.

- Ая, сизга нима бўлди? - Хосият холанинг тепасига келиб маҳкам қучоқлаб олди Обиджон. - Кўзингизни очинг! Мен келдим, ахир!

Хосият хола таниш овозни эшитгач, аста кўзларини очди.

- Т-тирикмисан, бебош болам? - базўр пичирлаб сўради у. - Қ-қаерларда юргандинг, шунча пайтдан бери?

- Қаерда бўлардим? Тоғам раҳматлининг иши билан, кейин янгамни кидирдим. Аяжон, янгам... Афсуски, оламдан ўтган экан. Қабрини топдим, холос.

Хосият хола жавоб ўрнига Обиджонни маҳкам қучоқлаб юз-кўзларидан ўпа бошлади.

Сўнгра унинг кўмагида ўрндан туриб узоқ вақт кийимларини ҳидлаб ўтирди.

- Кўшнилар, бу менинг болам, менинг Обиджоним! - дея хайқирди у бир маҳал ҳидлашдан тўхтаб. - Ишонмагандим. Ишонмагандим бошида. Мана, ҳиддан танидим боламини! Менинг болам бу! Обиджоним бу!

Кампирнинг гапига йиғилганлар қотиб-қотиб кулишди.

Бу воқеа ҳақиқий байрам эди. Бундай кунда қанча қулса, қанча қувонса арзирди.

* * *

Қишлоқда йигитлар армияга кетаётганида, ундан кейин қайтиб келганида қўй сўйиб тенгқурлари чақирилади. Улар эрта тонгга қадар мазали таомлардан тановул қилиб, “оби-замзам”га тўйишади. Кайфлари ошгач, аскарнинг у ёқдаги ҳаёти, саргузаштлари билан кизиқишади. Ҳар бир ҳикоясини берилиб, ҳаяжон билан танглашади.

Бу кеча Обиджон ҳам иккинчи маротаба аскарликдан қайтиб келгандек, тенгқурлари орасида азиз бўлди. Йигитлар унинг оғзига тикилишдан нарига ўта олишмади.

Хурсандчиликданми, тўйиб ичиб олганиданми, Обиджон ҳам ўз сирларини дастурхон қилишдан тийилиб ўтирмади. У барчага тоғаси Мадали аслида ким бўлиб хизмат қилганини, қандай юмушларни адо этганини, ўзи ҳам тоғасининг хизматини давом эттириб бир дунё таассуротлар олиб қайтганини жўшиб сўзларди.

Афсуски, Обиджон бу сирларни очиш мумкин эмаслигини унутиб қўйган эди. Шароб бундай ўйлашга йўл бермасди.

Ярим тунда тенгқурлар бир-бир уй-уйларига тарқалиб кетишди.

Лекин Обиджоннинг уйқуси келмади. Анчагача Хосият хола билан гурунглашиб, марҳум хешларини ёдга олиб ўтиргач, би-ир кўчаларни сайр қилишни ихтиёр этди ва эгнига спорт кийимини илиб кўчага чиқди.

Дарвозаларидан йигирма метрлар нарида қора "Волга" турарди. Хайрон бўлиб ўша ёққа қараб юрди.

Яқинлашиб қолай деганда машинадан кимдир тушиб, у томон юра бошлади. Нотаниш кимсанинг қўлида тўппонча борлигини Обиджон қоронғилиқда пайқамабди.

Кимса бирдан тўхтади-ю, тўппончани Обиджонга тўғрилади.

Орадан икки-уч сония ўтиб-ўтмай, қуролнинг варанглаган товуши бутун қишлоқни тутиб кетди.

Кўкси қонга бўялиб ерга чалқанча қулай бошлаган Обиджон ғира-шира қотилни танишга улгурди.

Бир пайтлар уни шифохона дарвозасида тутиб оғохлантирган, кейинроқ вокзалгача ортидан эргашиб борган эркак эди.

Тамом